Ёшлик

11/1989

ISSN 0235—1277

Бу сонда:

СССР халқ депутати ёзувчи Одил Ёқубов суҳбати

Мактаб ҳаёти

Қатортолга мактублар

Поэзия: журналхонлар ижоди

Чорраҳа чироқлари (қисса)

Аниқ фанлар академияси

И. Ҳайдаров.

А. ЖУМАЕВ сурати

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қадим Хива зиёратгоҳларини таърифлашга тил ожиз.
Р. ШАГАЕВ сурати

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЛМ СЎҚМОҚЛАРИ БЎЙЛАБ...

Ўртабўй, тўлачадан келган бу йигит билан суҳбатимиз аввали унинг болалигидан бошланди.

...Абдурасул қишлоқда улғайди. Юқори синфда ўқиб юрганда барча тенгдошларидек дарсдан сўнг далага чиқди. Гоҳида бригадирдан рухсат олиб трактор чига қўшилиб юрарди. Мактабда физика, математикага қизиққанидан техникага ҳам меҳри баланд эди.

— Бир гал тракторчи касал бўлиб қолди,— деб у даврларни эслайди Абдурасул.— Баҳор палласи, вақт олтинга тенг. Рулга ўтирдим. Қувонганимни кўрсангиз. Ёшликда техника ҳам, трактор нинг овози-ю юриши, рулнинг гашти ўзгача бўларкан. Шу-шу техникага боғланиб қолдим.

Ундаги бу қизиқиш, бу меҳр болаликнинг оддий бир ўткинчи ҳаваси эмасди. Даладаги одамларнинг оғир меҳнати, культивациянинг номукаммаллиги, бегона ўтларни ўлдиришдаги ожиз томонлари, ҳажми каттароқ дори солувчи мосламаларнинг йўқлиги унинг синчков нигоҳидан четда қолмаган эди. Ҳатто булар хусусида колхоз инженери билан, тракторчи Ортиқ Мўйдинов билан тортишиб қоларди. Ортиқ ака шунда ҳар гал «Бўласан, бола, бўладигансан» деб уни елкасига урганча мийиғида кулиб қўярди.

1975 йили Гулистон район маркази Крестьянск посёлкасидаги М. Горький номли 1-ўрта мактабни аъло баҳолар билан битирди-ю, сира иккиланмай ҳужжатларини Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва ирригациялаштириш инженерлари институтининг Янгиер филиалига топширди. Омад кулиб боқди, шу йилиёқ студент бўлиб, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш факультетида ўқий бошлади.

Институт... назарий ва амалий машғулотлар Абдурасулда катта қизиқиш уйғотарди. Курс ишларини аъло бажарадиган, студентлар илмий жамиятида ўз таклиф ва мулоҳазалари билан дадил иштирок этадиган бу аълочи студент кўпчиликка танилиб қолди.

1980 йилда ўқишни тугатди. Унга институтнинг автомобиль ва тракторлар кафедрасида ўқитувчи бўлиб қолишни таклиф қилишди. У рози бўлди, талабаларга «Теплотехника асослари» фанидан лекция ўқий бошлади, ўқитувчилик даврида бу ишнинг масъулиятини чуқур ҳис қилди — ўз устида кўп ишлади, ўз соҳасидаги фан ва техника янгиликларини ҳамиша кузатиб борди. Семинар ва лаборатория машғулотларида ўзини ўйлантирган назарий муаммоларнинг амалий ечимларини излади.

Ўз илмий ишларини бу ердаги ёшлар билан мунтазам боғлаб олиб борадиган Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва механизациялаш илмий тадқиқот институти олимларига тиришқоқ бу йигитнинг техника ҳақидаги жонбозлиги, интилиши ёқиб қолди. Шунинг учун улар Абдурасулни илм даргоҳига таклиф қилишди. Бу таклифдан унинг кўнглидаги орзулари янада қанот ёзди, имкониятларини энди ҳеч иккиланмай олимлар даврасида, илмий лабораторияларида синаб кўришга ошиқди. 1985 йилда Янгийўлга кўчиб келди. Аввалига кичик илмий ходим бўлиб ишлади. 1986 йил эса аспирантурага кирди. Унга ВАСХНИЛ нинг мухбир аъзоси, техника фанлари доктори, профессор Носир Рашидов илмий раҳбарлик қила бошлади.

Фан даргоҳидаги илк қадамлари ҳақида Абдурасул шундай дейди:

— Талабалик йиллари ўйлаганларим, китобда ўқиганларни ва амалда кўрганларимни дўстларим билан баҳслашардик, бу ерда эса энди уларни амалда ўз қўлим билан синаб кўриш имкони туғилди.

Ҳа, Абдурасул талабалик йилларидаёқ ишга лаёқатни кўрсатган эди. Ўткир муаммоларга дадил қўл урилган мақолалари институтнинг ойлик илмий деворий газетасида чиқиб турарди. Масалан, культивациядан кейин плуг тиши ортидан қоладиган кичик ариқчани тирнагичлар орқали ёпиб кетилса ернинг нами асли ҳолича сақлаб қолинишини, айниқса, бу иш шамол кўп бўладиган жойларда асқотишини исботлаб берган мақоласи ўша деворий газетада чиққан эди.

Илмий-текшириш институтида барча темалар қишлоқ хўжалигига боғланган эди. Абдурасул бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини майдалагандан кейин қоладиган қолдиқ маҳсулотлар муаммосига дуч келди. Хўш, қишлоқ хўжалигида, завод ва фабрикаларда юзлаб тонналаб ҳосил бўладиган ва ташлаб юбориладиган бундай чиқитлардан фойдаланилсачи... Бу муаммо республикамиздаги кўплаб тармоқ кишиларини ўйлантирар эди.

Муаммонинг ечими ҳақида

— Биласизми, пахтачиликда жумбоқлар ҳали кўп,— дея ўз иши ҳақида гап очди Абдурасул.— Шулардан бири чигитни тукли ва туксиз экиш. Тукли чигитлар гектарига 100—120 килограммдан сарф бўлади. Уларни экишдан олдин илдиз чириш (гоммоз) касаллигидан сақлаш учун кимёвий (фунтуран моддаси билан) ишлов бериш керак. Чунки чигитни ўраб турган тукларда ҳар хил касалликларга мойиллик кучли бўлади. Кейин чигит кўп экилгани учун албатта ягана қилинади. Булар ортиқча иш, меҳнат, сарф-ҳаражат. Туксизлантириб экилганда аниқ уялаб экиш усули қўлланилиб, бу мақсад учун махсус сеялкалар ишлатилади. Лекин бу усулнинг ҳам камчилиги бор: чигитлар ёрилиб кетади, кучсизлангани учун кам униб чиқади, баҳор нам келса чириб, қуруқ келганда чиқмай қолади.

Шунинг учун кейинчалик олимлар чигит тукини олиб ташламай уни қобиққа ўраш фикрини ўртага ташлашди. Натижада аниқ уялаб экиш учун шароит яратилди. Булар қобиқ ўрами сифатида чиқиндиларидан фойдаланиш, янги типдаги экиш мосламалари яратиш заруриятини келтириб чиқарди.

Биз лабораторияда бу муаммонинг аъло даражада ечимини топдик. Чигитга қобиқли ўрам сифатида ишлатиладиган Янгийўл гидролиз заводининг чиқиндиси — лигнинни порошок ҳолига келтириб ишлатиш усулини яратдик ва уни порошок ҳолида ишлатиш мақсадга мувофиқлигини исботлаб бердик. Порошокка айлантирувчи махсус мосламаларни ҳам ўзимиз яратдик. Улар жигар ранг лигнин порошогини пудра каби чигитларга сепади.

Бундай порошоклар билан «сайқал» берилган чигитлар амалда Тошкент областининг Янгийўл районидаги бир қанча хўжаликларида, Сирдарёнинг Гулистон, Янгиер, Комсомол, Фарғонанинг Бувайда, Қозоғистоннинг Пахтаорол, Туркистон сингари пахтачилик районларида кенг кўламда синовдан ўтди. Натижада ҳар гектар ердан 2—3 центнердан қўшимча ҳосил олинди. Лигнин қавати билан ўралган чигитлар шўрхок ерларда жуда қўл келиши ҳам тажрибалардан исботланди. Бундай чигитлар махсус яратилган мосламалар ёрдамида экилганда гектарига 20 килограммгача сарф бўлади холос. Шундай қилиб, экиладиган чигитнинг ўзидан 5—6 марта иқтисод қилинади. Ҳозирги озиқ-овқат Программаси долзарб бўлиб турган бир пайтда бунинг ўзи қанчалик соф даромад. Бунда яганалаш, чигитни намлаш, унга кимёвий ишлов бериш сингари ортиқча меҳнат сарфи ҳам ўз-ўзидан барҳам топади.

Газета хабаридан

1987 йили «Комсомольская правда» газетасининг комсомол туғилган кун — 29 октябрдаги 250-сонида фан ва техника соҳасида Ленин комсомоли мукофотини бериш тўғрисида қуйидаги хабар тарқалган эди. ВЛКСМ Марказий Комитети бюроси Ленин комсомоли мукофотлари бўйича ВЛКСМ Марказий Комитети тавсияларини кўриб чиқиб, 1987 йилги Ленин комсомоли мукофотларини бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Унда Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институтининг бир группа ёш, комсомол ходимларига чигитни капсуллаш, уларни экиш, пахтани йиғиб-териб олиш ва контейнер усулида ташиш учун машиналар комплексини ишлаб чиққанлиги учун 1987 йилги Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлишгани айтилган эди. Бу рўйхат бошида эса қаҳрамонимиз — Абдурасул Исақулов фамилияси турарди.

Фанда қисқа муддат ичида бундай юксак шарафга эришишнинг ўзи бўлмайди. Сабр, ирода, чидам, изланишлар, куну-тун заҳмат... Илм даргоҳига келганидан буён ўтган тўрт йил ичида Абдурасул ҳақиқий фан жонкуяри эканлигини намойиш қилди: республика ва марказий журналларда 18 мақола эълон қилди, 5 марта Иттифоқимизнинг турли шаҳарларида ўтказилган ёш олимлар конференциясида ўз доклади билан қатнашди, муҳим ишлари учун 5 авторлик гувоҳномасини олди. Авторлик гувоҳномаси олинган ишлардан бири СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг кумуш медалига сазовор бўлди, кўксини «СССР ихтирочиси» медали безади. Бу ҳам ёш олимнинг қобилиятидан нишона эди.

1989 йил ҳам Абдурасул учун қутлуғ келди. Май ойида у «Тукли чигитларни донадорлаштириш технологиясида лигнинни майдалаб бериш мосламасини яратиш ва уни қўллаш» темасида кандидатлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Яқинда 30 баҳорни қаршилаган Абдурасулни бу ютуқлари билан қутласак арзийди. У тўрт йил ичида ўз олдига қўйган муаммони ечди, болаликдаги орзуси — деҳқоннинг оғирини енгил қилишдек ишнинг уддасидан чиқди, иқтисод қилинган чигитлар эса Ватанимизнинг озиқ-овқат Программасига у қўшган улкан ҳиссадир.

Биз «Ёш куч» мухлислари номидан Бутуниттифоқ Ленин комсомоли лауреати сирдарёлик Абдурасул Исақуловга фан йўлида янада ойдин зафарлар тилаймиз.

Адҳам ДАМИНОВ,
«Ёш куч»нинг махсус мухбири.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Одил ака! Октябрь инқилобининг содир бўлганига ҳам 72 йил бўлибди! Шунча йил деяпмизу гўё шунча йил орқага қайтгандекмиз. Еки шунча йил бир жойда депсиб тургандекмиз. Ахир «ҳокимият — советларга!», «Ер — деҳқонга!», «Яшасин НЭП — янги иқтисодий сиёсат!». Бу шиорларни ота-боболаримиз кўтариб чиқмапмидилар? Ажабланарлиси шундаки тарих ғилдираги бир эврилди-ю, бу шиорлар боягибояги яна қалқиб чиқди. Ҳатто Сиз қатнашган халқ вакилларининг Олий анжуманидаги қизғин баҳслар, тортишувлар, баъзида қизишиб кетишлар, ўртани ташлаб чиқиб кетишлар ўша ленинча ошкоралик, демократияни эслатиб юборди. Айтингчи, қачонлардир топган, аммо фавқулодда йўқотиб қўйган ўша тўғри йўлимизни топиб олишимизга ишончингиз комилми?

— Бундан 72 йил аввал Октябрь инқилобини амалга оширишга ундаган муаммолар бугун ҳам ҳаётда кўндаланг бўлиб турибди, деган гапларга қўшилиш қийин. Одатда ҳар бир даврнинг ўз талаблари, ўз муаммолари, ўз қийинчиликлари бўлади. Бугун Совет халқи олдида турган, жумладан ўзбек халқи олдида турган зиддиятли масалалар батамом бошқа характердаги масалалардир. Қайта қуриш даври деяпмиз, ошкоралик, демократия деяпмиз, сабаби биз ўз ҳаётимизда илгари яхши билмаган ва қандайдир кул тагида ётган жуда чигил масалаларнинг ипи бугун ечилди. Барини ўқияпмиз, эшитяпмиз, кўряпмиз. Шунинг учун ҳам бугунги кунлар ижтимоий ҳаётимиздаги энг зиддиятли кунлардир.

Айниқса мамлакатимизнинг иқтисод соҳасидаги қолоқлиги бизни қийнаяпти. Бунинг устига биз 72 йил давомида жуда кўп масалалар ҳал бўлган деган ўйда эдик. Ҳа, турмушимиз жудаям фаровон деган фикрда эдик. Бизда демократия, инсон ҳуқуқи, инсоф ва адолат муаммолари ҳал бўлган ва у жаҳондаги мана мен деган, ривожланган мамлакатларда ҳам йўқ деб ўйлардик. Турмуш фаровонлигимиз эса энг илғор капиталистик мамлакат ишчилар синфи, деҳқонлари турмуш тарзидан бир неча бор юқори деган ақидага ёпишиб олган эдик.

Мана энди партиямиз Сталин шахсга сиғиниш даврида йўл қўйган хатоларни, мудҳиш қирғин-баротларни фош қилгандан кейин, ҳатто ўша коллективлаштириш соҳасида ўтказилган сиёсатимиз тубдан зарарли сиёсат эканлигини аниқлангандан кейингина кўпгина кишиларимизнинг кўзи очилди.

Ҳатто биз илгари илғор Ғарб давлатларида, шунингдек АҚШда йўлга қўйилган, масалан парламент — энг Олий Қонун чиқариш ҳуқуқига эга бўлган парламент системасиниям қоралаб келардик. Шу билан бизнинг сайлов системамиздан зўр система жаҳонда йўқ деб ўзимизни ишонтирардик. Энди рўйирост равшан бўлдики шундай дейиш билан ўзимизни чалғитиб келаётган эканмиз. Мана шундай алдам-қалдамликлар, ҳақиқатнинг юзига тик қарамаслик бизни жуда кўп соҳаларда боши берк кўчаларга олиб кириб қўйди. Хусусан иқтисод жиҳатдан ниҳоятда орқада

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАЪНАВИЯТИМИЗ ҚИЁФАМИЗДИР

СССР халқ депутати, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби Одил ЁҚУБОВ билан суҳбат

қолган бир мамлакат эканлигимиз ойдин бўлди ва бу аччиқ ҳақиқатни бугун на ҳукуматимиз ва на партия инкор этади. Айниқса қишлоқ хўжалиги соҳасида. Ўттизинчи йилларда ўтказилган ер билан боғлиқ сиёсат, зўравонликка асосланган коллективлаштириш деҳқонни ердан батамом совутиб юборди.

— Демак, «Ер — деҳқонга!» деган хушбахт ҳақиқат революциядан кейин ўн йилча яшабди-да?

— Шундай бўлди. Бугун давлатимиз ва партиямиз яна ўша «Ер — деҳқонга!» деган ҳақиқатни қарор топтириб, деҳқон истаганича, кучи етганича ер олсин, ерга хўжайин бўлсин, истаган нарсасини эксин ва шунга яраша қадр-қиммат топсин деяпти.

— Ер берилгани яхшикуя, лекин ундан олинадиган ҳосил кепак баҳосига турса унда деҳқон яна абгор бўлади-да. Мана ҳозир деҳқонга ер бериб пахта эк денг пешонаси тиришади. Сабаби бир гектар ердан нари борса 2 минг сўм даромад қилиши мумкин. Агарда шу ерга памилдори ва бошқа маҳсулотлар экса пахтага нисбатан уч баробар кўп даромад қилиши мумкин.

— Тўғри, бизда ҳар қандай улкан жамиятни емириши, орқага қараб тортиши мумкин бўлган битта иллат бор. У ҳам бўлса меҳнат кишисинининг ўз меҳнатидан манфаат кўриши, ишлаганига яраша тишлашини, ҳар бир инсоннинг энг оддий ҳақ ва ҳуқуқи эканлигини инкор этиб келдик. Биз меҳнат аҳлини сохта чақириқлар, қуруқ шиорлар билан қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб келдик.

Биз ҳали бу камчиликларни бартараф этамиз. Шундай дейишимга халқ депутатларининг биринчи Олий съезди кафолат бера олади. Депутатлар йиллар давомида халқи қалбида қат-қат бўлиб ётган дардларини ҳеч яширмай тўкиб солдилар-ку. Хатоликлар, оғиб кетишларни тан олиниши, улардан қутилиш учун бўлаётган интилишлар ўша тойиб кетган тўғри йўлимиз сари олиб бораётганига имон келтираман.

— Инқилоб хотин-қизларга эркаклар билан баробар тенглик ҳадя этди. Болаларни социалистик жамиятнинг энг имтиёзли синф вакиллари деб атади. Шунга қарамай Сиз ўз программангизда оналар ва болалар соғлиғи, меҳнатини муҳофаза қилиш билан ҳам қаттиқ шуғулланяпсиз. Бироқ қайта қуриш кооператив, ижара, пудрат деган яшаш усулларини ҳаётимизга олиб кирди. Шаҳарлик оналар ва болалар кооперативлар домига илиниб, қишлоқлик оналар ва болалар бўлса ижара деб эрта тонгдан, қора кечгача ерга боғланиб қоляптилар.

— Буни қарангки, мамлакатимизда халқимиз турмуш даражасини кўтариш билан боғлиқ муаммолар шу қадар теранлашиб кетган эканки уларни бир ёки икки йилда ҳал қиламиз десак яна ёлғон гапирган бўламиз. У ёки бу соҳада оналар ва болаларнинг зўриқиб меҳнат қилиши ўша моддий қашшоқликнинг оқибатидир, етишмовчиликдандир. Бу масалаларни жумҳуриятимиз партия ва ҳукумати Иттифоқ ҳукумати олдига қўйди. Оқибатда, пахтакорлар иш ҳақини бир қадар ошириш мақсадида ўтиб бораётган йилимиз учун 390 миллион сўм пул ажратди. Бу сўмлар 1990 йилда 800 миллион сўмга етади. Демоқчиманки халқ депутатларининг биринчи съездида айтилган гаплардан деҳқонларимизга озгина бўлсада наф тегди.

Йиғилиб қолган муаммоларимизни дадил-ошкора кўтариб чиқаверишимиз керак. Хусусан улар Ўзбекистонимизда жуда кўп. Болалар меҳнати эса ўша катта муаммоларнинг биттасидир. Агарда пахта яккахокимлиги қарор топмаганда, пахтага тўланадиган ҳақ паст бўлмаганда бундай вазият юзага келмасди. Бу ўз-ўзидан учинчи ташвишни, маънавий руҳий қашшоқлигу, жисмоний заифликни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам адибларимиз, журналистларимиз бир неча йилдирки пахта яккахокимлигига қарши жиддий кураш олиб боряптилар.

— Одатда маънавий қашшоқлик иқтисод қашшоқлигига олиб келади. Мактабдорлик эса у ёки бу жамиятнинг маънавий қиёфасини белгилайди, шундай эмасми?

— Масала шундаки, бизнинг маориф системамиз ўз-ўзини ҳимоя қила олмайдиган система. Кўпгина мактабларимизнинг директорлари, ўқитувчилар, ҳатто РайОНО мудирлари, колхоз раислари ёки совхоз директорларининг бригадирларига айланиб қолганлар. Улар нима дейишса худди солдатдек честь бериб турадилар. Мактабни ёп деса ёпишади, оч деса очишади. Боз устига ўқитувчиларимизнинг савияси ҳам жуда паст. Мактабни чалакам-чатти тугатган кўп ёшларимиз, енгилроқ, кириш осонроқ деб ўзларини педагогликка уришади. Амал-тақал қилганлари кириб олишади. Қоқиниб-сурилиб бир амаллаб институтни битириб ўқитувчи бўлиб олишади. Бунақа ўқитувчилардан нимани кутиш мумкин. Э, ҳа, бу масалалар шундай бир тугунки уни ечиш учун ҳам ҳали кўп йиллар керак бўлади деб ўйлайман.

— Кооператив ёки хусусий мактаблар очилишига қандай қарайсиз?

— Менимча ҳозир йўқ шекилли бундай мактаблар.

— Бўлсачи, ҳозирдаги мавжуд мактабдорлигимизни рақобатга чақира оладиган кооператив ёки хусусий мактабларни очишни айтяпмизда. Масалан Японияда давлат мактаби, оммавий мактаб ва хусусий мактаблар мавжуд. Улар орасида ўқувчини ўзига кўпроқ жалб қилиш билан боғлиқ тинимсиз кураш кетади. Бу ўз-ўзидан маънавият оламининг бойишига олиб келяпти. Ахир битта от билан пойга бўлмайдику. Балки Япониянинг бунчалик илғорлашиб кетишига боис ўша мактаблардир.

— Бўлса бордир. Менимча бундай хусусий кооператив мактабларни қишлоқларимизда амалга ошириш қийин. Масаланинг моддий томонини назарда тутяпман. Шаҳар жойларида ўйлаб кўриш керак. Умуман бунинг дастлабки кўринишлари, куртаклари десак ҳам бўлади, пайдо бўлиб қолди шекилли. Болаларни олий ўқув юртига тайёрлаш билан боғлиқ ўқитувчи ёллашлар анча урф бўлдику. Тиббиётда ҳам кооперативлар очилди.

Умуман шу кунгача давлат бепул ўқитади, бепул тиббий ёрдам кўрсатади деб ҳамма нарсани давлат зиммасига юклаб хато қилганмиз. Еки бўлмасам давлат халқнинг ўзи эканлигини тушунтирмаганмиз. Ҳозир яширишнинг сираям ҳожати йўқ. Жамиятимиз пулдорлар ва пулсизлар, бадавлат ва бадавлат бўлмаган одамлар тоифасига бўлинган. Истаймизми, йўқми бу муаммо мавжуд. Ўша пулдор кишиларимиз ўз маблағларини Сиз айтаётган ўша маънавият йўлига сарфласалар, майлида хусусий мактабдорларга ёрдам беришадими, маориф кооперативлари ташкил этишадими, яхши иш бўларди менимча. Чиндаям давлат мактаблари билан бундай мактаблар ўртасида мусобақа пайдо бўлиб, ўқиш савияси кўтарилармиди. Бун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дай янгиликлардан менимча қўрқмаслик керак.

— Янги ўқув йили арафасида жумҳуриятимиз халқ таълими министри журналистлар билан учрашиб, ўқув бинолари-нинг ночорлигини, авария ҳолатида бўлишига қарамай 1130 мактабда болалар ўқитилаётганини маълум қилди. Шундай экан, нима учун ҳар қандай идораларни мактабларга зудлик билан бўшатиб бериш керак эмас. Нимага депутатларни юқоридаги рақамлар ташвишга солмаяпти.

— Идораларни болаларга бўшатиш деяпсиз. Бу соҳада биринчи қадамлар бўляпти. Маъмурий бинолар, дачалар болалар боғчаларига, шифохоналарга олиб бериляпти.

— Биз айтаётган муаммо навбат кутмайдиган, кечиктириб бўлмайдиган муаммо. Ўша авария ҳолатидаги мактабларда тахминан 200 мингга яқин бола ўқияпти.

— Гап шундаки, колхоз, совхоз раҳбарлари халқ билан ҳисоблашмай қўйишди. Бўлмаса уларнинг ўзи шундай ташаббус билан чиқишлари керак. Агарда улар бугун мактаб учун ўз кабинетларини бўшатиб берсалар, у ерда таълим олган болалар эртага ўнлаб шунақа кабинетлар қуриб беришлари мумкинлигига уларнинг қувваи ақллари заифлик қиляпти чоғи. Мактаблар авария ҳолатида бўла туриб икки, уч қаватли ҳашамдор идоралар, меҳмонхоналарнинг бўш ётиши ажабланарли. Модомики ҳозир мактаб, боғча, касалхона қуришга колхоз, совхозларнинг қурби етмас экан, ўша идораларни беришсин. Бошқа илож йўқ. Болалар келажагимиз бўлгач биз улардан мавжуд энг охирги имкониятни ҳам аямаслигимиз зарур.

— Одил ака, Сиз билан халқ номзоди сифатида озроқ дардлашдик. Сиз халқимизнинг яхши кўрган ёзувчиси, Ўзбекистон Езувчилар уюшмасининг биринчи котиби ҳамсиз. Чўчиманг, нималар ёзяпсиз деб сўрамоқчи эмасмиз. Сиз халқимиз дарди билан яшаяпсиз. Эҳтимол бу энг яхши асарлардан ҳам аъло асар бўлар. Икки оғиз ёш ижодкорларга гап айтсангиз.

— Бўпти айтаман. Мен шу нарсага аминманки, ҳозир айни ижод қилиш даври келди. Қай маънода? Биринчи навбатда шу маънодаки, ҳозир катта ҳақиқатларни, халқнинг дилида ва тилида юрган гапларни айтиш мумкин. Биз ўша илк бор адабиётга қадам қўйган давраларимизда ҳаёт ҳақиқатини айтиш жуда мушкул эди ва бунга интилиш хато деган назариялар ҳоким эди. Ҳа, шундай назария мавжуд эдики, гўё ҳаётни бугунги ҳолида эмас, балки келажакда бўладиган буюк зафарлар билан боғлаб тасвирлаш лозим эди. Ҳолбуки адабиёт, яхши асар фақат ҳақиқат билан ўз қимматини топади. Халқимиз қўлига китоб олар экан ундан ўз қувонч ва қайғуларини, кўнглидаги дардлари, орзу ва умидларини ўқишни истайди. Ўша нарса бўлса ўқийди, бўлмаса ўқимайди.

— Сизга суҳбатингиз учун «Еш куч»нинг 300 минглик муштарийлари номидан миннатдорчилик билдириб, ёшлар маънавияти ҳақидаги кейинги суҳбатларга ҳам вақт топасиз деган орзуда эдик.

— Бажонидил. Баҳоли қудрат.

ҚОЗОН ШАҲРИДАН ХАТ

Татар бригадаси

Мамлакатимиз халқларининг интернационал дўстлигининг ўзига хос бой тарихи бор. Бугун кўп миллатли Ватанимизнинг турли ерларида миллатлараро низолар чиқаётган бир пайтда биз тарихнинг бу ажойиб саҳифаларини қайта-қайта ўқишимиз, кўз қорачиғидай авайлаб-эъзозлашимиз, ундан ўзимиз учун керакли хулосалар чиқариб олишимиз лозим. Хўш, бу қандай хулосалар бўлиши керак? Энг аввало, интернационал дўстликнинг қадрига етиш, бизнинг тарихимизу келажагимиз шу дўстлик иплари билан туташганлигини чуқур англаб олиш...

Келинг, энди олис тарихга мурожаат қилайлик.

20-йиллар... Туркистон ўт ичида. Бир ёқда чет эл интервентлари хуруж қилмоқда. Бир ёқда гражданлар уруши, босмачилар... Семиречья, Фарғона ва Закаспий фронтлари вужудга келди.

Ана шу қийинчилик, очлик даврида, граждан-лар уруши йилларида, совет халқининг ҳамкорлиги, бир-бирига иқтисодий, сиёсий, маданий ва ҳарбий ёрдами биринчи синовдан ўтди. РКП(б) Марказий Комитети, Совет ҳукумати энг асосий масала армияни мустаҳкамлаш, аксилинқилобчи кучларга қарши курашни кучайтириш деб билди. РКП(б) Марказий Комитети 1919 йил, 29 апрелдаги хатида ҳамма губерния партия комитетларини армияни таъминлашга чақирди. Бу хатда ҳарбий ёрдам зудлик билан энг қисқа вақт ичида зарурлигини, агар шундай қилинмаса Совет ҳокимияти барбод бўлишини, шунинг учун қолган ҳамма ишларни орқага суриб, энг муҳими ҳарбий иш эканлиги уқтирилди.

Бу ўринда шуни таъкидлаб айтиш керакки, Туркистонга ҳам иқтисодий, маданий, ҳарбий-сиёсий ёрдам берилди. РКП(б) Марказий Комитети, Совет ҳукумати Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун Москва, Қозон, Самара, Оренбургдан юборилган ҳарбий қисмлар Туркистонда совет ҳокимиятини ҳар томонлама мустаҳкамлашга ҳисса қўшди.

Биз Туркистонда фаолият кўрсатган Татар бригадаси ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. У 1919 йили 24-мартда ташкил топган бўлиб Қозон, Самарада тузилди. Бригада Қизил Армиячилари ва командирлари асосан татар бўлиб, улар асосан Қозон, Самара, Саратов, Пенза губерняларининг ўғлонлари эди. Бу бригада орасидан кейинчалик таниқли саркардалар етишиб чиқди. Шулардан бири Ёқуб Жангирович Чанишевдир. У ҳақда ҳикоя қилишдан олдин унинг таржимаи ҳоли билан қисқача танишайлик. У 1917 йилдан КПСС аъзоси, Қозондаги Октябрь революциясининг қатнашчиси. Улуғ Ватан уруши йилларида дивизия, корпус командири, армия қўмондонининг ўринбосари бўлиб хизмат қилган. Генерал-лейтенант ҳарбий унвонига эга. Партиянинг X, XIV, XVI ва XVII съездларининг делегати бўлган.

Бундан бир-икки йил муқаддам Андижон шаҳрида гражданлар уруши ветерани Мухтор Аҳмедовнинг шахсий архиви билан танишаётиб, генерал кийимидаги кишининг фотосуратига кўзим тушган эди. Бу — Ё. Чанишев эди. Суратнинг ортига «Жанговар йилларни хотирлаб» деган ёзувлар бор эди.

— Мен Ёқуб билан жуда қадрдон дўст эдим, — деган эди Мухтор Аҳмедов.

Ёқуб Чанишев 20-йилларда татар бригадасининг ҳарбий комиссари эди. У М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишев билан Фарғонада, Бухородa кўп учрашган ва ҳамсуҳбат бўлган.

Татар бригадаси жангчилари ва командирлари маҳаллий халқ билан тезда «умумий тил» топишиб кетадилар. Татар бригадаси Холхўжа, Кўршермат, Мадаминбек, Омон полвон каби босмачилар отрядига қарши курашда жуда катта роль ўйнади. Татар бригадаси босмачиларга қарши курашибгина қолмай, улар билан музокаралар ҳам олиб борди. Босмачилар томонидан темир йўлни бузилишига, партия ва совет раҳбарларини ўлдирилишига, тинч аҳолининг турмушини бузилишига қарши курашда татар бригадаси қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Татар бригадаси Андижонга келгандан кейин бир ой ўтганда, уезд (Андижон) комитетининг раиси Смирнов Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига берган маълумотида (1920 йил, 12 февралда) татар бригадаси келганидан кейин уездда аҳвол анча яхши бўлиб қолгани ҳақида тўхталиб ўтади.

Татар бригадаси сиёсий бўлими (бошлиғи Н. Еникеев) аҳоли орасида катта оммавий-сиёсий иш олиб борди. Сиёсий бўлимнинг активлари Қосимов, Рафиқов, Маматказин, Бикқулов, Содиқов ва бошқалар чойхоналарда, митингларда Қизил Армия ва унинг тутган ўрни, Совет ҳукумати ва миллий сиёсат ҳақида сўзга чиқиб тарғибот ишларини олиб бордилар. Бригаданинг аҳоли орасида тезда обрў орттиришининг сабабларидан бири шуки, улар маҳаллий аҳоли тили, урф-одати, турмуш тарзини яхши тушунишар, бу эса омма орасида агитация-пропаганда ишларини тўлақонли олиб боришда жуда катта ёрдам берар эди.

Бригада қошида ташкил топган М. Вохитов номидаги клуб нафақат жангчилар орасида, шу билан бирга аҳоли ўртасида ҳам концерт ва спектакллари билан қатнашди.

Татар бригадаси Андижонга келгандан кейин ўз сафига маҳаллий кадрлардан ҳам қўшди. Бу жуда катта аҳамиятга эга эди. Бригада командирининг топшириғига биноан маҳаллий кадрлардан Исматов Мадамин сиёсий бўлимнинг муҳим топшириқларини бажариб юради. Сиёсий бўлим курашнинг қийин формасини бажариш учун босмачилар орасига Исматов Мадаминни юборади. У Маҳкам Ҳожи отряди аъзолари ичида разведка маълумотларини тўплаб татар бригадасига юбориб турар эди. Унинг хизматини татар бригадаси қўмондонлиги бешотар милтиқ, тўппонча ва битта наслдор от билан мукофотлади.

Босмачиларга қарши курашда, Фарғонада, Андижонда, Жалолободда, Тишпекда (Фрунзе), Ўшда, Бухородa, Самарқандда, Семиреъльда, Олма-отада, Хивада татар халқининг 4000 (тўрт минг)дан ортиқ ўғлони ҳалок бўлди. Улар келажак авлоднинг — ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман халқининг бахт-саодати учун жон берди, партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифа — интернационал бурчни бажарди.

Абдулла РАСУЛОВ,
В. И. Ульянов-Ленин номли Қозон университетининг аспиранти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТАЖОН ҲОШИМ КИМ БЎЛГАН?



Партия XX съездидан кейин шахсга сиғиниш оқибатларининг тугатила бошлаши билан 30—40-йиллар бегуноҳ репрессия бўлган кўплаб совет партия, давлат раҳбарлари, фан, маданият намоёндалари қатори республикамизнинг ҳам Акмал Икромов, Файзулла Ҳўжаев, Абдулла Қодирий, Зиё Саид, Отажон Ҳошимов каби қатор атоқли арбоблари, ёзувчи ва олимлари реабилитация қилинди. Асарлари қайта нашр этилди. Номларига кўчалар қўйилди. Шулардан бири Тошкент шаҳар Октябрь массивидаги Отажон Ҳошимов кўчасидир. Ҳошимов ўзи ким?

Отажон Ҳошимов тошкентлик. 1905 йили таваллуд топган. 1919—1921 йиллари Тошкентдаги ўзбек билим юртида, 1921—1924 йиллар Москвадаги ишчилар факультетида ўқиган. 1924 йил МГУнинг ижтимоий фанлар факультетига ўқишга кириб, 1927 йил тугатади. Сўнг Ўзбекистон маориф комиссарлиги қошидаги илмий кенгаш (кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академияси) раиси бўлиб ишлайди. Ўша йили Самарқандда Ўзбекистон Олий педакадемиясини ташкил қилиб, мамлакатнинг турли марказий ўқув юртларидан машҳур олим ва профессорларни Педакадемияга ишга жалб этади. Отажон Ҳошимовнинг рафиқаси марҳума Зайнаб Ҳошимованинг айтишича у шу йиллари педакадемияга дарс бериш учун педагогикадан профессор — Чеханович, физикадан профессор Титов, астрономиядан профессор Нефедов, зоологиядан профессор Заводовский, тарихдан Лесковский, Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихидан профессор Бўлат Солиев, Вяткин, ўзбек адабиёти тарихидан профессор Фитрат, ўзбек тилидан — доцент Абдулла Алавийларни таклиф этган. Ўзи эса сиёсий иқтисод ва фалсафадан дарс берган. 1929—1933 йиллар Ленинграддаги СССР Фанлар академияси қошидаги Шарқшунослик институти аспирантурасида ўқиб ва ишлаб, академик А. Самайлович раҳбарлигида Ўзбекистонда филология фанининг актуал масалалари бўйича илмий иш олиб борган. Ўрта Осиё республикаларидан борган файласуф тилчи, адабиётшунос олимлар тайёрлаш ишига раҳнамолик ҳам қилган. Отажон Ҳошимовнинг ўша йиллари Ленинграддаги бундай ёрдамларини бевосита кўрган, Тожикистон Фанлар академиясининг академиги, тарихчи олим Зариф Ражабов бу ҳақда шундай ҳикоя қилади:

«Мен Ленинградга 1933 йилнинг совуқ февраль кунларининг бирида етиб келдим. Бу вақтда СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг директори академик С. Ф. Ольденбург эди..

Шарқшунослик институтига мен ўша вақтда институт илмий ишлари бўйича котиб бўлиб ишлаётган, Ўзбекистоннинг таниқли адабий танқидчиси, файласуфи ва жамоат арбоби Отажон Ҳошимов олдига кирдим. У аспирантурани тугатиб, вақтинча илмий секретарь вазифасида ишлаб турган экан.

Отажон Ҳошимов мендан ҳужжатларни олиб С. Ф. Ольденбург билан суҳбатлашишга маслаҳат берди. Эртаси куни Отажон Ҳошимов билан бирга С. Ф. Ольденбургнинг уйига бордик. Ольденбург ўша кунларда бетоб бўлиб, бизни узун қизил кравотида, касал ётган ҳолида қабул қилди. Кўз ўнгимда самимий инсон турар эди. Олим Тожикистонга алоқадор барча масалалар билан қизиқарди. Унинг шарқ халқларининг тарихи, археологияси, этнографияси ва қадимий тиллари бўйича бунчалик чуқур билимга эгалиги мени ҳайратга солди. У менга Ўрта Осиё тарихи бўйича бир неча саволлар бериб кўрди, саволларига ўртачароқ жавоб берган бўлсам керакки, суҳбат сўнггида Отажон Ҳошимовга юзланиб: йигитчани аспирантурага қабул қилса бўлади. Лекин у киши ўз устларида кўп ишлашлари керак бўлади, — деди.

Ўрта Осиёлик аспирантларга Шарқшунослик институтида Ўрта Осиё бўлими раҳбари, машҳур совет турколог олим, академик А. Н. Самойлович раҳбарлик қилар эди».

Отажон Ҳошимов Ленинграддан келгач, Ўзбекистон Фанлар комитети раиси, 1934 йилдан то 1937 йил ўрталаригача Тил ва адабиёт институти директори ва Ўзбекистон ёзувчилари союзи раҳбариятида ишлаб турди. Бу давр ичида у марксизм-ленинизм классиклари, рус адабиёти классиклари асарларини ўзбек тилига таржима ва тарғиб қилишнинг фаол раҳбари ва муаллифларидан бўлди. Бу соҳада унинг ўзи «Диалектика ва диалектик усулда ўйлаш», «Давлатсиз жамият», А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин» таржимаси ҳақида мақолалар ёзди. Маркс ва Энгельснинг санъат тўғрисидаги асарларини Ойбек, Ҳ. Олимжон, Уйғун, М. Шайҳзода, Ҳ. Еқубов ва бошқалар иштирокида таржима қилиб нашр эттирди. Ойбек таржима қилган Пушкиннинг «Евгений Онегин»ига сўзбоши ёзиб, Пушкин асарларини ўзбек тилига таржима қилиш қийин дегувчиларга зарба бериб деди: «Баъзи одамлар Пушкин асарларини ўзбекчага тўла-тўкис ва равон қилиб таржима этиш мумкин эмас десалар, бу билан фақат ўзларининг тил билмасликларини ва маданиятсизликларини ошкора қиладилар холос. Ўзбек халқ адабиётининг намуналари, адабий меросларимиз ва бугунги уста ёзувчиларимизнинг асарлари яққол кўрсатадики, Пушкин каби улуғ адибларнинг асарлари, барча хусусиятлари билан ўз тилимизга кўчирила олади. Ойбек ва Усмон Носир каби ўртоқларнинг таржималари ҳам бунга бир далилдир».

Отажон Ҳошимов республикада биринчи бўлиб марксизм-ленинизм классиклари асарлари, айниқса, уларнинг адабий-маданий мерос ҳақидаги қарашларини ўзбек тилига таржима қилибгина қолмай, уларнинг бой илмий-назарий мероси асосида ўзбек классик адабиёти ва фольклори, тили ва маданияти, янги социалистик адабиётнинг яратиш йўллари ҳақида ҳам оригинал илмий асарлар яратди.

Афсуски, бу талантли олим ва таниқли ташкилотчи раҳбар ўзининг тадқиқотчилик ва ташкилотчилик ишлари айни гуллаётган бир пайтда шахсга сиғиниш қурбони бўлди. 1937 йил 9 августда қамалиб, 1938 йил 5 октябрда ҳалок этилди ва у фақат партия XX съездидан кейингина оқланиб, ўзбек совет адабиётининг классиги Абдулла Қодирий каби халқимизга кечикиб бўлсада қайтарилди. Отажон Ҳошимовнинг жияни, ҳозирда республика юрист ходимлари малака ошириш курсининг директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Жонрид Қосимовнинг ҳикоя қилишича, тоғаси Отажон ака қамалгач ҳам унинг оиласи ва яқин қариндошларига тинчлик бўлмаган. Отажон Ҳошимов ҳибсга олингач, 52 кундан сўнг унинг рафиқаси Зайнаб Ҳошимова ҳам бегуноҳ қамалган. «Айниқса, — дейди Жонрид Қосимов, — тоғамнинг фарзанди бўлмаганидан мени жуда севар, исмимни ҳам ўша даврда «Дунёни титратган ўн кун» асарининг муаллифи, машҳур Америка ёзувчиси Жонридга тақлидан «Жонрид бўлсин» деб ўзлари қўйган эканлар. Келажагим ҳақида ғамхўрлик қилиб, мактабда яхши ўқиш, она тилимиз ва рус тили, адабиёти ва маданиятига илк муҳаббат уйғотганлар ҳам шу киши».

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор Иззат Султоновнинг хотирасига кўра унинг кўпгина курсдошлари Юсуф Султонов, М. Афзалов, Ж. Шарипов, Ш. Абдуллаева ва бошқаларни 1935—1936 йиллар Москвадаги Коммунистик Академияга дарс тинглашга юборган, ўзи эса илк бор уларга марксча-ленинча фалсафадан дарс берган. Ўзбекистонда биринчи бор Фанлар комитети раиси, А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг директори сифатида марксча-ленинча фалсафа, адабиётшунослик, тилшунослик, фольклористика соҳаларига бевосита раҳбарлик қилган. Ва ўша вақтдаёқ бу энциклопедик (қомусчи) олим сифатида зиёлиларимиз орасида ҳақли равишда ўзбекларнинг «Плеханови» деган фахрий ном ҳам олган эди.

Отажон Ҳошимовнинг ҳаёти ва ижодини янада чуқурроқ ўрганиш, унинг асарларини излаб топиш ва энг муҳимларини қайта нашр этиш, унинг номини абадийлаштириш ҳозирги авлоднинг муҳим вазифаларидан биридир.

Шералн ТУРДИЕВ,
филология фанлари кандидатн.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Абадий музлик»

Мен 7-синфда география, тарих, физика, математика ва адабиётга жуда қизиқардим. Лекин баъзан мени қийнаган саволларимга ўқитувчилар жавоб беролмасдилар. Бир куни география муаллимимизга дарс охирида савол бердим: «Агар ер шар шаклида бўлса, нега шимолий муз океанидаги сувлар пастга оқиб кетмайди?».

Ўқитувчи менга дўқ қилиб, «Сенинг ақлинг камроқ, ахир Шимолий муз океани абадий музлик бўлса, муз ҳам оқадими?» деб жавоб берди. Иккинчи саволимни ҳам айтдим: «Нега бўлмаса Обь, Енисей, Лена дарёлари тепага қараб тескари оқади?»

— «Бу савол дарсдан ташқари савол, кейин, бафуржа гаплашамиз».

Шу кундан бошлаб, география муаллимимиз дарсни қўнғироққача ўтиб, савол-жавобни йўқ қилди. Охири ўша домла мактабни ташлаб бошқа ишга ўтиб кетди. Ҳозир ҳам у каби ўқитувчилар бўлса, ўқувчиларнинг тақдири нима кечади? Мени шу муаммо кўп ўйлантиради.

Эркин ИСРОИЛОВ,
Наманган области, Чортоқ шаҳри,
Карл Маркс кўчаси, 6 уй.

«Дневальний» керакми?

Ҳурматли «Еш куч» журнали! Бу хатни сизларга Гулистон шаҳридаги 11-ўрта мактабнинг 9 «Б»-синф ўқувчиси Бердиева Нодира ёзяпти.

Айтингчи, мактабларда юқори синф ўқувчилари «дневальний» туришлари тўғримй? Ахир булар ўқиётган мактаблар ҳарбий таълим мактаби эмас-ку? Аммо бир неча йиллардан бери мактабимиз ўқувчилари ҳар куни навбатма-навбат «дневальний» бўлиб туради ва бир кунлик дарслардан озод қилинади. Унинг вазифаси дарсга кирмасдан қўнғироқ чалиш, мактаб биносида тартиб сақлаш ва ҳоказо. Агарда бирор зарур иш билан ўқитувчилар ёнига борган пайтда «военрук» келиб дневальнийлар ўз ўрнида турмаса, уларни уришади ва «2» баҳо қўяман», деб пўписа қилади. Шу тўғримй?

РЕДАКЦИЯДАН: Биз Нодиранинг хатига Сирдарё область халқ таълими бошқармасидан жавоб кутиб қоламиз.

рашиш орган ходимларининг вазифасидир деган тушунча билан ички ишлар бўлимига ишга кирдим. У ерда дастлабки саводим чиқди десам янглишмайман! Аммо кураш масаласида оддий рядовойнинг қўлидан ҳеч нима келмаслигини тушундим ва маълумотимни ошириш учун ҳужжат тайёрладим. Аммо арзимас баҳоналар кўрсатишиб, мени комиссиядан ўтказишмади. Хуллас, ўтган ишга салавот, келажакни ўйлайлик. Ҳозирги қайта қуриш ва ошкораликка кенг йўл очилганлигининг ўзи тарихимиздаги янги босқич бўлиб, агарда бутун матбуот бу ишга сидқидилдан киришиб, пок кишилар ҳаётини ёритса, айни пайтда жиноятларни ҳам фош этувчи мақолалар берилса, кишиларимизнинг келажакда тўғри йўл танлашида катта ҳисса қўшган бўларди.

Меҳмонбек АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент область, Чиноз район,
«Партия XXVII съезди» совхози.

Ипак қурти боқиш мажбурийми?

Оиламиз 71 ёшли онам, ҳали мактаб ёшига етмаган иккита фарзанддан иборат.

Ҳурматли редакция! Икки йилдан буён бўлим ва совхоз раҳбарлари, яъни фаоллари бизга шароитимизни ҳисобга олмасдан ипак қурти боқишга мажбур қиладилар. Агар олмасангиз томорқа ерни ёки даладан ижарага «гектар» олган бўлсангиз, уни қисқартиришади. Ҳатто қамашгача бориб етадилар. Аммо уй шароитини, ишчи кучини ҳисобга олмайдилар. Пайти келса, болаларимиз 10—12 ёшларга кириб қўлидан иш келса, қурт тутиш ниятимиз бор. Бироқ, ҳозир...

Ўтган йили турмуш ўртоғимнинг қўлида 7 ойлик ёш боласи бўлсада, мажбуран пилла қурти беришди. Агар олмасанг томорқангни оламиз, деб ўлчашга киришди. Мажбурий, шу ерда яшасанг — оласан, деб дўқ қилдилар, ҳақорат қилдилар. Бу хатни ўқиб кўриб сиз бизни меҳнатдан қочмоқчи деб ўйларсиз. Меҳнатдан қочмайди киши. Шароитимиз 5—6 йил кутишни тақозо этади. Раҳбарлар шуни кўриб туриб амалига бўйсундирмоқдалар. Оқибатда сизлардан ёрдам сўрашга мажбурман. Сизлар бунга нима дейсизлар? Қишлоғимга келиб кўришингиз мумкин.

Ўринбой БЕГИМҚУЛОВ,
Фарғона область, Киров район,
Қипчоқ қишлоғи, Ойбек кўчаси, 5-уй.

Еки авторлар йўқми?

Таклифим, журналингизда «Аниқ фанлар академияси»да «Алгоритм» бурчаги очилса ва бу рубрика остида республикамиз мактаб ўқувчиларининг энг яхши ўқув ва ўйин программалари бериб борилса.

Биз кўп соҳада иттифоқдош республикалар олиб бораётган ибратли ишлардан ўрнак ололмаяпмиз. Уларнинг деярли барчасидаги ёшларнинг журнали ва газетаси саҳифаларида юқорида мен айтган бўлимлар мунтазам чиқариб борилади.

Мен сизга шу «Алгоритм» бурчаги ташкил этилса, уни ким олиб бориши ҳақида бир таклиф киритмоқчиман. Бизнинг республикамиз жуда катта илмий потенциалга эга. Бу бурчакка раҳбарликни ТошДУнинг Информатика ва ЭҲМ кафедрасининг ўқитувчиси Турғун Азларовдан бошқаси эплаши қийин.

Икки йилдан бери мактабда «Ал-Хоразмий» номли тўгаракни бошқараман. Ўқувчиларим район, область ва республика олимпиадаларида иштирок этишди. Мактабимизда 10 дона Японияда чиқарилган «Ямахта» шахмат компьютери мавжуд. Тўгарак аъзолари тузган баъзи ўйин программаларини «газета ва журналларда эълон қилсак бўлмайдими?» деб сўрашади. Агар юқорида айтилганидек «Алгоритм» бурчаги ташкил қилинса, нур устига аъло нур бўлса эди, деб ҳурмат билан ўқувчингиз.

Одилжон ҲУСАИНОВ.

Айтмоқчи, аниқ фанлар академиясида информатика ва ҳисоблаш техникасига доир масала ва машқлар ҳам бериб борилса. Чунки, информатика бошқа предметларни ўрганишнинг «беминнат» дастёри, «югурдаги» ҳамдир.

Ошкоралик деймизу...

Бу мактубни ёзишимдан мақсад кўпдан бери мени бир фикр ўйлантириб юради. Яқин ўтмишимизда, яъни «турғунлик йиллари»да олий ўқув юртларида очиқдан-очиқ пораҳўрлик кучайганини яхши биламиз. Ҳозир ўтган воқеаларни очиқдан-очиқ ёзяпмиз. Аммо «ошкоралик, қайта қуриш давридаги воқеаларни қачон ёзамиз? 2000 йилда ёзамизми? Ҳозир ҳам баъзи бир олий ўқув юртларига қайта қуриш ҳали етиб боргани йўқ. Биз буларнинг ҳаммасини биламизу, аммо билмасликка оламиз. Нима учун бундай ишларни очиб ташламаймиз?

Муаззам МАЪМУРОВА,
Фарғона область, Тошлоқ районидаги
21-мактаб ўқувчиси.

Офарин «Еш куч»!

Агар киши чин дилдан сўзласа, ўша сўз кишилар қалбининг чуқур жойидан ўрин топади. Менга ҳам «Еш куч» журналининг «ҳалоллик ҳақидаги баҳс»ида айтилганидек, сўзлар беихтиёр қўлимга ручка олишга мажбур қилди. Мен ҳозирги пайтда етти нафар фарзанднинг отасиман. Бутун умримни ҳақиқатни орзу қилиб, курашиб, кўп тажрибалар орттириб ўтказдим. Менинг хаёлимни доимо болаларим келажаги банд этади. Чунки ҳадемай улар ҳаётга мустақил қадам ташлайдилар. Менга отам ҳалоллик тўғрисида қандай насиҳат қилган бўлса мен ўз фарзандларимни шундай насиҳатлар билан вояга етказяпман, аммо ҳақиқатгўйлигим учун озмунча қийинчиликларга дуч келганим йўқ. Оила шароити оғирлигидан бирорта олий ўқув юртини ҳам тугаллаш насиб бўлмади. Илгари на китоб, на кино, телевизор кўриш насиб бўлмаганди. Чунки умрим меҳнат қилиш ва бўш вақтларда расмлар чизиш билан ғафлатда ўтаётган экан. Ҳаётимдаги ноҳақликни кўриб, 1968 йили Армия сафидан қайтгач, уларга қарши ку-

Менинг таклифим

Сизлар билан бир фикр хусусида маслаҳатлашмоқчи эдим. Таклифим ҳозирги ёшларимизнинг келгусидаги тақдирларига бевосита алоқадордир.

Академик Велиховнинг гапларини эсга олинг: — «Болалар XXI асрнинг элчиларидир. Бу аср эса информация асри!»

Ваҳоланки, гап XXI аср ҳақида кетаётган экан, ўша асрнинг кишилари бўлган болаларимизнинг келгусида жуда катта, мураккаб информация оқимини ўзлаштиришга ва ундан фойдаланишга тайёргарлигини айнан ҳозирги кундан бошлаш кераклигини партиямиз кўрсатиб ўтди. Шу мақсадда тегишли тадбирлар белгиланди. Аммо матбуотда информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ҳақида жуда кам мақолалар бериляпти. Мен журналингизнинг доимий ўқувчисиман. Журнал нашр қилинган 1986 йили ҳисоблаш техникаси ҳақида ва дастлабки программист аёл машҳур Байроннинг қизи Ада Хавлейс ҳақида яхши мақола берилди-ю, шу билан ҳаммасига якун ясалгандай, бу соҳа ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Хўш, нега? Еки бизни болаларимиз келажаги қизиқтирмайдими?

Обуначининг ҳасрати

Ҳурматли редакция! Бу тўғрида мендан бошқалар ҳам ёзган бўлсалар керак. Ўзим ҳам биринчи марта ёзишим эмас.

Шу йил май ойининг ўрталарида ҳарбий хизматдан қайтдим. Дадам ишчи, ойим пенсияда. Баъзи сабабларга кўра бу йил «Еш куч»га обуна бўлишолмабди. Анча оворагарчиликдан сўнг, иккинчи ярим йилликка обуна бўлдим. Бугун бутун Андижон шаҳрини айланиб журналнинг 6-сонини топа олмадим. «Союзпечать» сотувчиларининг айтишига қараганда «Еш куч» келгач бир-икки соатга қолмай сотилиб кетар экан. Сўраб-суриштириб, Ленин номли кўчада, бекат ёнида жойлашган газета-журнал дўконида борлигини билдим.

Сотувчига 35 тийин узатиб журнал беришини сўрасам, у аёл тилла тишларини яраклатиб, «яна 40 тийин» деб қолди. Ҳайрон бўлиб сабабини сўрасам, «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналини қўшиб сотаётган экан. Наҳотки киоскаларда тўпланиб қолган ана ўша «қишлоқ хўжалиги»ни маълум миқдорда қисқартириб талаб катта бўлган «Еш куч» нашрини кўпайтиришнинг иложи бўлмаса?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ветеранга ёрдам беринг!

Отам Очил Еқубов 1920 йил Пастдарғом районида туғилган. 7 йиллик мактабни битказиб чўлда ишлаб, сўнгра, Улуғ Ватан уруши бошлангач 1941 йили тенгдошлари қатори урушга кетади. Беш йил урушда қон кечиб, бир қўли ва бошидан яраланади. Қайси полкда, қайси дивизияда ва қайси госпиталда бўлганлиги ҳақидаги ҳужжатлар, мақтов ёрлиқлари ва медаллари тўлалигича сақланган. Отам урушдан қайтгач турмуш ташвишида яна чўпонлик тайёгини қўлга олади. Бугун у киши 42 йил меҳнат стажига эга. Шунга қарамай давлатдан 50 сўм кексалик пенсияси олади. Бошқа ҳеч қанақа моддий ёрдам берилмайди. Фақат ҳар йили 9 май — Ғалаба куни совхозга ёки мактабга чақириб табрик қоғози беришади, холос. Онам эса 11 йил сут соғувчи бўлиб ишлаганлар. Наҳотки шунча меҳнатга... 7 сўм пенсия тайинланса?..

Ҳозирги қайта қуриш, ошкоралик замонида жамиятимизда инсонга ғамхўрлик шу даражада бўлмоғи керакми?

Сарвар ЕҚУБОВ,
Самарқанд область,
Советобод райони, «Жом» совхози.

Ёрдам сўраймиз...

Сиз тингланг, биз арзимизни айтайлик. Бизда сув етишмайди. Трактор билан сув олиб келинади. Одамлар талашиб-тортишиб олади. Бир кунда икки марта олиб келади. Айниқса қишда қийналамиз. Чунки олиб келинган сувлар музлаб қотиб қолади. Қачон қуёш чиқиб, музи эриркин, деб кутиб турамиз. Водопровод вишкаси йўқ. Уйларда водопровод крани ва иситадиган батарея йўқ. Ҳолбуки уларнинг қурилганига 10 йил бўлди. Яшаётган жойимиз райондан сал чеккада. Кўчамизнинг номи Советобод, у ерда 120 та хўжалик шу азобда кун кечириб келяпмиз. Бизга ёрдам беринглар, «Еш куч» ходимлари, деб

Сирдарё область Ильич район Титов номли 6-совхоз
Советобод кўчаси аҳолиси номидан
Холиқназар БОБОБЕКОВ.

Буйруқни бажарган эдилар-ку!?

Ҳурматли «Еш куч!» Мен бу мактубни сизларга ёзмас эдим. Бироқ онамга раҳмим келганидан қўлимга қалам олиб, сизлардан ҳақиқатни қарор топиши учун ёрдам беришларингизни ўтинаман.

Менинг дадам 1985 йил катталарнинг буйруғига мувофиқ пахта қўшиб ёзилишида иштирок этгани учун 13 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Аммо дадамга буйруқ берган кимса қамоқдан чиқиб келибди. У ҳам 13 йилга ҳукм қилинганди. Нотўғри буйруқ берган қамоқдан чиқди-ю, аммо раҳбар буйруғини бажарган кишидан ҳали дарак йўқ. Шу қайта қуриш, демократиями?

Бизлар оилада 6 боламиз. Онамиз колхозда ишлайдилар. Ҳademай акам армия сафидан қайтади. Онам бизларни бошқалар қатори яхши кийинтиришга, мактаб ўқув қуроллари билан тўла-тўкис қуроллашга курблари етмайди. Биз дадамиз олдимизда бўлишларини хоҳлаймиз. Менинг дадам буйруқ бажарганку, буни катталар билмайдими?! Сизларга умид билан.

Олим ЭРГАШЕВ.
Тожикистон ССР, Ленинобод область,
Нов райони.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

1928. Тузуккина хонандаларимиз миллий музика асбоблари қаторига гитара, ударник, синтезатор сингари ғарбона чолғу асбобларини қўшиб мусиқа маданиятимизни бузаётганлиги, менимча, ташвишли ҳол. Барча бастакору хонандаларимиз шу ҳақда бош қотирсалар, деган умиддаман.

Набижон ТОЖИБОЕВ,
Наманган.

1296. «Еш куч»да идеал ўқувчи қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги баҳсларни ўқиб бизнинг мактабда бундай ўқувчи етишмаса керак деб ўйлайман. Биз ўзимиз олаётган билимдан қониқмаймиз. Олий ўқув юртига, ҳатто техникумга киришни тасаввур қила олмайман, мактабимиз берган билим билан!

Барно АЛИҚУЛОВА,
Қашқадарё.

1299. «Кичкина Вера», «Менинг исмим Арлекино» сингари фильмларни ёшлар танқиди й эмас, тақлидий кўрмоқдалар. Наҳот, кинорежиссёрларимиз ёш авлод дунёқарашини шакллантиришнинг бошқачароқ йўлини тополмаётган бўлсалар? Эркак ва аёл ҳулқи бобида ошкоралик ҳаддан ошиб кетмадими? Еки киночиларимиз тарбиядан кўра планни кўпроқ ўйлайдиларми?!

Нигора ЖАҲОНБОЕВА,
(адрес кўрсатилмаган).

235. «Еш куч» саҳифаларида эски ўзбек ёзувидан сабоқлар бериш давом этаётганидан чексиз мамнунмиз. Уни тўхтатмаслик керак.

Шуҳрат ҲУСАНОВ,
Самарқанд.

1701. Газета-журналларда ёшлар бўш вақтини ўтказиш учун клублар керак деб ёзишади. Лекин бундай бўш вақт йўқ бизда.

Ғайрат АЛИМАТОВ,
Сирдарё.

1671. Мен ўнинчи синфни битирдим. Адабиётни севаман. Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирнинг ҳаёти, ижоди ҳақида кенгроқ маълумот берадиган китобларни ҳатто кутубхонадан ҳам топа олмадим.

Бахтиёр ЗОКИРОВ,
Фарғона.

1865. «Еш куч»даги «Навоийхонлик» саҳифалари жуда ёқди. У албатта давом этиши керак.

Адолат ТОШМАТОВА,
Қўқон.

1834. Менга «Еш куч»да эълон қилинган Илҳом Аҳмедовнинг «Мирза Ариқ бўйларида» қиссаси ёқди.

Дилшода ТОҒАЕВА,
Сурхондарё.

1876. Журнал саҳифаларида эски ўзбек ёзувини ўргатаётганлардан миннатдормиз.

Дилшода ЖАББОРОВА,
Фарғона.

28. Ф. Қорақуловнинг «Қора мушук» ҳикоясини қизиқиб ўқидим. Фарида опанинг янги ҳикояларидан бериб боринглар.

Гулчеҳра КЕНЖАЕВА,
Тошкент области.

169. Мен ажойиб ватандошимиз Муҳаммад Бобур ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий фильм ишланишини жуда-жуда орзу қиламан!

Гулмира РАҲМОНБЕРДИЕВА,
Андижон.

1315. Видеобар, видеозалларда қўйилаётган фильмлар ёшларимиз тарбиясини бузмоқда. Бунга ҳушёр бўлиш керак!

Илҳом БЎТАЕВ,
Андижон.

ЯНГИ РУБРИКА: БИР САВОЛГА БИР ЖАВОБ

— Туғилган кунни нишонлаш зиёфатларида ўғил болалар билан ўйинга, танцага тушсак ота-оналаримиз, ўқитувчиларимиз йўл қўйишмайди. Нима, шу ҳам айбми? (Г. Рўзметова, Хоразм).

— Ўзингиз ўқитувчи ё она бўлганда биласиз.

— Болалар тарбияси бузилиб кетаётганидан нолиётган катталар нега «Кичкина Вера», «Менинг исмим Арлекино» сингари фильмларни кўрсатишади? (К. Эсонова, Қашқадарё).

— Чунки баъзи катталар учун бузилиш хавфи йўқ — улар аллақачон бузилиб бўлишган.

— Одамни келажакда нималар кутади? (Х. Нуриева, Сурхондарё).

— Сиз ўтмишга ва бугунги кунга қандай муносабатда эканингизни айтинг, биз келажакда сизни нималар кутаётганини башорат қиламиз.

— Кўча-кўйда сочи калта қизларнинг сочини қирқиб кетяпти, деган миш-мишлар кўпайиб кетяпти. Шу тўғрими? (С. Қаршибоева, Сирдарё).

— Айрим сочи калталар ўзлари тарқатган миш-мишларни сочбаргак қилиб ўриб олсинлар — миш-миш тарқатишга вақтлари қолмайди.

Ешлар ўртасида Флорида ўйини авж олиб кетяпти. Шунга ишонса бўладими? (С. Машарипова, Хоразм).

Эшитишимизга қараганда, америкалик Флорида деган киши ҳам ҳайронмиш, ёшларимизнинг бундай содда ва ишонувчанлигидан.

Тошкентда яшайдиган шоир, ёзувчилар Қашқадарё область Ғузор районида 5-мактаб борлигини билишадими, билишса — нега бирон марта қадам ранжида қилишмайди? (К. Ашурова, шу мактаб битирувчиси).

Биз ҳам ғузорлик синглимизнинг таънасини қўллаб-қувватлаймиз. Қани, юрагида ўти бор ёзувчи ё шоир топилармикан?..

Олий ўқув юртларига пул бериб киришдан қачон қутиламиз, ахир?! (Д. Норалиева, Андижон»).

Пул йўқ бўлганда!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўқитувчи

Янги ўқув йилининг бошланганигаям бир ойдан мўлроқ вақт ўтди. Мактабдаги машғулотларга кўникиб, қачон дарс тайёрлашу, қачон дам олишнинг ҳадисиниям олволдингиз чоғи. Шу оралиғда сиздаги ўқишга бўлган масъулиятни янаям ошириш, баъзи нарсаларни эсингизга солиб қўйишни лозим топдик.

Биласизми, азиз ўсмирлар, ҳаёт деган улкан неъмат ўзининг ҳар бир катта-ю, кичик жамоаси олдига, «Энди кўзингни очиброқ яша, ўтмиш «шахсга сиғиниш», «турғунлик» ва яна аллақанча бйз билган, билмаган хатоликлардан иборат бўлди, бундан бу ёғига хато қилишга ҳаққинг йўқ» демоқда. Ҳа, вақтни, умрни қадрига ет, улар нимага сарф бўляпти, ҳавога учмаяптими, илм бўлиб, бирон бир ҳунар бўлиб юракка кўчяптими демоқда.

Шу ўринда Сиз қўш саҳифадаги суратларга қарангда, тенгдошларингиз чеҳрасидан юқоридаги талабларга монанд белгиларни излаб кўринг. Суратлар Тошкентдаги 196-мактабдан туширилган. Хўш, нималарни кўряпсизу, нималарни ўзингизча уқяпсиз? Жудаям етишмоқ қийин бўлган орзуларними? Ёки ҳаёт нега бунақа чалкашликлардан иборат деган норозиликларними? Балки ўсмирларга хос бўлган ўзидан қониқмаслик ҳиссинидир! Қизиқ, устозини ўраб олган болалар унинг ўгитларига чиндан ҳам содиқмиканлар ёки шунчаки эсдалик учун суратга тушишдимикан? Сиз яна: «Шу уйдаям, мактабдаям ўқи, ўқи деяверишади, нима ўқимаганларнинг куни ўтмаяптими, қайта қуриш қилиб, ёзувчизувни, ҳисоб-китобни билгандан кейин хоҳласанг ўқи, хоҳламасанг катта кўча дейишса нима қиларкин» деган қиёфаларни кўрмаяпсизми?

Дарвоқе, ўқиш нима ўзи? Ўқиш учун ўқувчидан жудаям кўп нарса талаб қилинадими? Ота-боболаримиз педагогикасида шундай бир мисол бор: эмишки, илм истовчилар учун илм тоғи бор эмиш. Унинг тош дарвозалари йилда бир бора очилармиш. Шунда ҳам бир неча дақиқага. Бунга жазм қилган одам бир йилга етарлик егулик ва ичимлик сувни ўзи билан кўтарганича олиб кирар экан. Илм тоғидаги очлик, ташналикка, ёлғизликка чидаб, у ердаги билимларни мияга

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чалинди,

МАКТАБ ҲАЁТИ

жо қилган одам энг доно одам бўлиб чиқар экан.

Албатта илм тоғи-ю, унинг йилда бир бора очиладиган сирли тош дарвозалари йўқ. Бу бир афсона, буни ўзингиз ҳам сезиб турибсиз, лекин шу афсона заминидаги мантиққа эътибор беринг. Бизга қолса илм тоғи дарвозаларининг бир неча дақиқага очилишини, сентябрь куни бир неча дақиқа жаранглайдиган янги ўқув йили қўнғироғига ўхшатган бўлардик. Илм олиш учун, агарда киши келажакда бирон бир касбнинг бошини тутмоқчи бўлса бутун вужуди билан берилиши керак. Қолаверса дам олиш соатлари ҳам, ўйин-кулги ҳам ўқишига хизмат қилиши зарур. Имонимиз комилки, илм тоғига кирган одам вақтнинг бир дақиқасини ҳам беҳуда сарфламайди. Чунки у бу ерга ҳаётида бир мартагина киришини яхши билади. Сиз ҳам ҳаётда бир мартагина ўн йил мактабда ўқишингизни кўз олдингизга келтиринг. Мактабда икки марта йигирма йил ўқий олмайсизку, тўғрими? Бу давр инсонга бир мартагина берилади. Аммо биз уни шунчалар шамолга совириб ташлаймизки... Ишонмайсизми?

Биз сизни иқрор қилиш учун суратдаги ўсмирларга ҳам, журналхон Сизга ҳам қуйидаги саволлар билан мурожаат қилиб кўрайлик, нима деб жавоб қиларкансиз?

Айтингчи, мактабда ўтилаётган фанларни чуқурроқ билиш учун дарсликдан ташқари яна қандай манбааларга мурожаат қиляпсиз? Фанларга оид журналларга обунамисиз? Бисотингизда қандай илмий-оммабоп китоблар бор? Қолаверса бундай китоб ва манбаларни излаш, топиш йўлларини биласизми? Телеэкранда бериладиган фанга оид қайси кўрсатувни «ўзингизники» қилиб олгансиз? У ойнинг қайси кунлари эфирга чиқишини биласизми? Умуман, дарсликлардаги темалар у ёки бу фанни ўрганиш учун шунчаки йўлланмагина эканлигини, уни бойитиш ўзингизга, ҳа фақат, ўзингизгагина боғлиқ эканлигини чуқур ҳис этасизми? Агарда ҳис этсангиз «ҳайрият, бугундан эсон-омон ўтволдим, журналга «2» тушмади, бугун мендан сўрамасайди» деган ўй ва ҳадиклар қанчалик фожиа эканлигини тушуниб етардингиз. Ўқишга қарор қилдингизми, демак сиз журнал, кундалик, «баҳо» деган гаплардан юқори туришингиз керак. Сиз баҳо учун, уни журналга қайд қилиб қўйишлари учун ўқимаслигингиз зарур. Балки бу ўқувчиларни шунақа «интизом»га ўргатиб қўйган мактабдорлигимизнинг айбидир. Балки яқин келажакда бундай меъдага тегиб кетган тартиблардан воз кечармиз, ҳеч бўлмаса юқори синфларда. Мактабларда ҳам «қишги», «ёзги сессия» деган гаплар бўлар. Ҳа, бу таълимга оид мулоҳазалар.

Энди билим ўрганаётган ўқувчиларнинг бошқа, энг муҳим иқтидори ҳам шаклланиб боришини эсдан чиқармаслик керак. Нима экан у, дейсизми?

Айтингчи, уйларимиз бетонлашиб боряпти. Унга мих қоқиб, сурат ёки гилам илиб қўйишни биласизми? Эшикнинг нимага тоб ташлаганию, деразанинг нимага ёпилмай қолганиничи? Синган деразага кўз солишничи? Умрингизда қўлингизга андава ушлаганмисиз? Лой сувоқ қандай бўлади-ю, алибастр сувоқ қандай бўлади? Бетон қориш учун неча ҳисса шағалу, неча ҳисса цемент қўшиш керак? Тугма қадашничи? Унинчи синфни тугатаётган қизларимиз ўзларига битта кўйлак тикиб олишни биладиларми? Неча хил таом тайёрлаш қўлларидан келади? Эҳа, бундай саволларни юзлаб давом эттириверишмумкин. Билимдонликка мана шу санаб ўтганларимиз ҳам киради. Кишининг билимдонлиги турмуш икир-чикирларини ҳал қилишдаям сезилиб турмоғи зарур. Агарда юқоридаги саволларга мактаб шароитида жавоб тополмаётган бўлсангиз, уни бор қилиш учун курашинг. Бир маротаба кириладиган илм тоғидан бўш калла ва қуруқ қўл билан чиқиб кетманг.

Мана, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, фотомухбир Равиль АЛЬБЕКОВнинг суратлари баҳона Сиз билан яна бир марта дардлашиб олдик. Ҳа, қўнғироқ чалинди. Энди бу ёғи ўзингизнинг иқтидорингизга, иродангизга, чидамингизга, келажакда ким бўлишликни барча ҳаю-ҳаваслардан устун қўя олишингизга боғлиқ.

Энди-чи?..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Пешонадаги ёзув

(фантастик қатра)



Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ — Самарқанд область Қўшработ район Мойбулоқ (ҳозирги Майинбулоқ) қишлоғида туғилган. Тошкент электр механика заводида инженер-технолог.

Тақдирдан ҳеч қаёққа қочиб қутулиб бўлмайди.

Пушкинга ҳам бир фолбин: «Қирққа яқинлашганингда бир сариқ машакдан эҳтиёт бўл, эҳтиёт бўл!» деб қайта-қайта таъкидлаган экан. Еки Шоҳ Эдипни олинг, ёки ўша Пушкиннинг карохтли князь Олегини олинг, ёки Бранислав Нушичнинг Петроний Евремовичини олинг. Буларам етарли бўлмаса, ана, яқин-яқин ўтмишимиздаги ҳиндуларни олинг. Улар нима қилишган денг: мағлуб ҳарифининг бош терисини шилиб, пешонасига нима ёзиб қўйилгани билан қизиқишган, яъни бу шўринг қурғур дорил бақога рихлат этиши керакми ё фоний дунёда яна уч-тўрт кун юриши керакми — шуни билиб олишган.

Булар, албатта, мен тўплаган далил-дастакларнинг мингдан бири, холос. Лекин сизларнинг қимматли вақтингизни аяб уларнинг барини тўкиб-солиб ўтирмоқчи эмасман.

Хуллас, гапнинг индаллоси, яқин-яқиндан бери камина ҳам пешонамга нима ёзилганини билишга жон-жаҳдим билан урина бошладим. Чунки, яширишнинг нима ҳожати бор, ёш ҳам чорак асрлик чўққидан ҳатлаб ўтиб, энди ўттизга қараб елиб бораяпти, камина эса ҳамон сўққабош. Асли ўзимга қўйиб берсалар-ку, ҳали-бери уйланмас эдим-а, аммо ота-онам орзуси, хеш-ақраболарнинг сўров-таъналари, ёр-жўраларнинг ҳамдардлик-ботиний ачиниш аралаш ўгитлари... деган ипсиз тузоқлар охири ўз домига илинтирди. Бирини ўпоқ, бирини сўпоқ деб шунда ҳам анча юриб-юриб ниҳоят олтинчими, еттинчими суратга бундай яхшилаб разм солиб қарасам, лаблари сал юпқалигини ҳисобга олмаганда хаёлим тўрида ардоқлаб юрган идеалимга ўхшаш бир ҳурилиқо маъсумона жилмайиб турибди-да.

Худди шу пайтлар фатализм жинниси бўлиб юрган кезларим эди. Идеал ўз йўлига дедим-да, қисматимдан ҳам бир бохабар бўлиб қўяй деган қарорга келдим.

Ўзингизга маълум, тиббиёт бениҳоя ривожланган давримизда оддий гўлахдан тортиб улуғ академиккача етарли медицина кўникмасига эга. Камина ҳам жарроҳлик асбобларини яхшилаб қайнатиб олгач, кеннойим пардоз-андоз қиладиган тошойна қошига ўтириб операцияни бошладим.

Аввалига ғўрлигимга бориб, бутун бошимни анабиоз ҳолатига келтирибман денг. Кўзларим олайиб, қулоқларим шанғиллай бошлагани эсимда... Орадан уч-тўрт соат вақт ўтиб, хона ҳарорати таъсирида муз эриб, томирларимда қон юриша бошлагачгина кўзим очилди. Бахтимга нашатир спирти бор эди. Уюшиб қолгандай жимирлаётган бошимни уқалай-уқалай сал ўзимга келиб олдим. Аччиқ тажрибадан керакли хулоса чиқарганим учун дарров чизғич олиб пешонамнинг кенглигини ўлчаб чиқдим. Терининг тахминий қалинлиги маълум бўлганидан бир пасда музлатишим лозим бўлган ҳажмни ҳисобладим. Керакли миқдордаги дорини тери орасига юборгач, ростдан ҳам пешона терим ажинлари ёзилиб, қуруқшабтортишиб, ҳеч нарсани ҳис қилмайдиган, гўё жисмимдан ташқари жисмга айланди. Тиғдор устарани олиб қошимнинг сал тепарогидан у чаккамдан бу чаккамгача шошилмай тилиб чиқдим. Кутганимдай, қон чиқмади. Тилинган чизиқнинг иккала учидан тепага қараб тиккасига яна икки энликда тилдим. Сўнг устарани қўйиб, чинчалоғимнинг ўткир тирноғида терини сал-пал кўтариб тортдим. Даставвал йиринг босган яра устидан боғланган латта ечилаётгандай оғрик пайдо бўлди, аммо бу оғрик тезда ўтиб кетди; қон чиқмади. Тери соч ўсган манглайимгача осонлик билан шилинди. Теримни сочим устига ташлаб қўйиб диққат билан ойнага термилдим. Аввалига қон гупиллаб уриб турган саноқсиз майда-йирик томирларни, ўргимчак тўридай чалкашиб кетган асаб толаларини кўрдим. Ниҳоят, астойдил тикилаверганимдан кўзларимдан ёш чиқар палла, аллақандай чизиқлар қорая бошлаганини илғадим.

Нафасимни ичимга ютдим. Тезда чизиқчалар ҳарфларга ўхшаш шаклларга айлана бошлади. Қизиқ, бир томондан қараса ҳарфлар танишга ўхшайди, иккинчи томондан — нотанишга; улар худди эски ёзувимиз сингари ўнгдан чапга қараб ёзилганмией! Бирдан жумбоқнинг маъносини англаб қолдим. «Топдим! Эврика!» деб одатимга кўра пешонамга бир шапатиламоқчи эдим, ҳайриятки, вақтида ўзимни тўхтатиб қолдим. Ахир, ойнадаги тасвирим менинг акс тасвирим бўлганидай, ҳарфлар ҳам акс ҳарфлар-да!

Ўзимнинг зийраклигимга ўзим қувониб кеннойимнинг киприк бўёғини олдим-да, қилт этмасдан ўтиришга тиришиб, кўзгуда акс этаётган тескари ҳарфларни мусаввирдай эҳтиёткорлик билан бўяб чиқа бошладим. Нақ бир соатча вақтимни олган бу машаққатли юмушни бажаргач болалар варрак ясайдиган елим билан терини пешонамга қайта ёпиштириб, шапкамни бостириб кийганча югуриб бориб қўшнимизнинг тошойнасини олиб чиқдим.

Ҳаяжондан титраб-қалтираб қисматим акс ҳарфларда битилган ойна қаршисига бу ойнани қўйдим.

Ҳа, худди ўзи — қадимги алифбо! Култегин ёзувига, йўқ-йўқ, араб ёзувига ўхшайди... Ҳарфларни туртиб-туртиб тартибга солган бўлдим. Ҳар туртганимда миямнинг ичи «зирқ-зирқ» этиб оғрийверди, ўқимагунча қўймайман, деб ҳарфларни туртавердим. Ахир, на култегинча, на арабча имлони билмасам қандоқ ўқийман?!. Туртавердим. Шунда акс ҳарфлар оддий босма ҳарфларга айланди ва кўзгуда камина ўқий оладиган ҳарфда сўз пайдо бўлди: «АХМОК».

Довдираб қолдим. «Пешонам қурсин!» деб юбордим аламдан.

Лекин тақдирга тан бериб кетаверадиганлардан эмасман, шу боис дарров ойнадаги «Х» билан «К» га «дум» қўйдим. Бироз енгил тортдим. Енгил тортдиму, бахтимни синай — тақдиримни кўпроқ билай деган кўнгилда яна устарани қўлга олдим...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сулаймон ОБЛОҚУЛ

ҲАЁТ

(Ҳикоя)

1. Телеграмма

Телеграмма келди. «Онам қаттиқ бетоб. Салом билан аканг».

Бахтиёр кийинаётганида, кийиниб бўлиб учинчи қаватдан пастга тушаётганида, йўлакда: хонаси калитини илаётганида — довдиради; кўчада, автобусда ва ниҳоят, мана аэропорт: кўраётганлари, эшитаётганлари — рўё... тушида рўй беряпти, ё ўнгидами — билолмаётибди. Нима бўлдийкин онасига...

Самолёт осмонга кўтарилиб, учяптимийўқми билинмай... осмонда муаллақ туриб қолгандай бўлганда, йиғлаб юборди.

Онаси хаёлида дам элу хешлар қуршовида, ўзини билмай ётипти, юзлари докадай, оппоқ оқарган, кўзлари юмуқ; дам — алоҳида хонага элтиб-киритиб қўйилгандай туйилаяпти волидаси...

У самолётдан тушмоқда — кўзларидан шувиллаб ёш оқмоқда.

«Агар онамни тирик кўрсам (онасининг касали хавфли эди), агар онам яна соғайиб кетсалар фақат яхши гаплар айтаман, ёнларида парвона бўламан...»

2. Камсуқум ака

Онаси билан суҳбатлашиб-чақчақлашиб ўтирибди. Акаси шу ерда.

— Салом билан дебсиз, ака! Мана... телеграмма. Ҳали олганимда ўлдим! Кўз олдим қоронғи. Шу кўйда учиб келдим.

— Шу кўйда учиб келарканман,— давом этди у акасининг оқарган сочидан кўз узмасдан,— дилимда бир илинж: «Салом билан» дебдилар!

— Ростданам онам касал бўлсалар, дедим, онам ростданам қаттиқ касал бўлсалар, «Салом билан» дейишга бало борми, дедим.

Бошини кўтарди ака. Кўзларида:

«Кел. Қишлоққа кел! Тошкент сендан ранжийдими? Ранжимас, укам. Кел, иш шу ёқдаям топилади. Келасанми?»

Акасининг кўзларидаги бу сўзлари Бахтиёрга кўпдан маълум.

Дорилфунуннинг сиртқи бўлимида ўқийди. Заводда ишлайди. Акаси бундан норози.

Телеграмма билан:

«Уни қўрқита оларманми,—...деб ўйлаган экан ака.— Уни ўз измимга сура оларманми...»

3. Бахтиёрнинг дилида эди

Она, қўйинг шу ташвишларингизни. Сиз ҳам бирор кун бундоқ, бизларни ўйламасдан яшанг.

Фикру зикрингиз тўй. Орзу ҳавас. Уйга кирасиз, шуни ўйлайсиз. Кўчага чиқасиз, шуни ўйлайсиз. Қўшнига — шуни... гапирасиз... Қўйинг. Пахта терманг шуни гапириб! Уйқунгизда шуни ўйламанг! Тушингизда кўрманг шуни!

Бировдан каммизми? Йўқ. Кам эмасмиз. Келажагимиз эса ўзимизга боғлиқ. Ўзимиз яратамиз келажагимизни. Сиз қисилманг. Сиз ундан кўра сайр қилинг. Томоша қилинг. Сиз ҳам бундоқ у ёқ бу ёқларни кўринг!

Нима бу...

Пенсияга чиқиб энди.

Тиним билмайсиз!

Тиним билмайсиз, онажон, соғлиғингизни ўйламайсиз.

Қисилманг. Соғлиғингизни ўйланг. Бизларни ўйламанг. Бизларга балоям урмайди. Ўйнаб-кулиб юрамиз ҳар ёқда.

Биласизми, онажон, мен ҳар гал уйга борганимда сизга шу гапларни айтмоқчи бўламану айтолмайман. Нега айтолмайман? Нега айтолмаслигимни билмайман. Фақат яна Тошкентга қайтаётганимда, йўлда, пушаймон қиламан айтмаганимга. Мудом йўлда! Йўл бўйи! Энди айтишга, албатта энди айтишга... аҳд қилиб келаман.

4. Кунлар ўтди

Яна заводда ишлаяпти. Яна имтиҳонларга тайёрланиб юрибди. Яна акасидан телеграмма олди. «Онам вафот этдилар».

Йўл бўйи...

«Дарвозамиз олдида одам тўпланмаган бўлсинда... (Аввалги сафар ҳам у шундай деб тавалло қилган эди). Дарвозамиз олдида одам тўпланмаган бўлсинда... Телеграмма бу сафар ҳам ёлғон...»

Канал ёқалаб бораркан, мотоцикл, қора кийинган аёлни мингаштирганича, тўн-белбоғли киши ўтди. Енгинасидан ўтди-кетди. «Жиғ» этди юраги.

Мотам либосли уч-тўрт аёл енгил машинада ўтди.

Ҳаммаси — у юраётган томонга, қишлоқлари томонга, уларникига...

Йўқ!

У уларга қарамасликка, уларни танимасликка... танимади ҳам...

У тинмай илтижо, тавалло қилаётир: «Тошкентдан келаман. Бутунлай келаман... Нима десалар шуни...»

Уч гилдиракли мотоцикл қошига келиб тўхтаганини...

Сезмай қолди.

Қўшниси.

Маъруф ака.

Тўн, белбог.

Дўппи. Кўзлари қизарган.

Маъруф ака мотоциклини индамай изига қайтарди. Бахтиёр ҳам ҳеч сўз демай орқа ўриндиққа мингашди.

Мик этмай боряптилар. Бахтиёр негадир йиғлаёлмасди.

Маъруф ака мотоциклни бошқариб бораркан, тезликни бироз пасайтириб, ортига юзини бурди:

— Туппа-тузук юрувдилар... (Бахтиёр ўкраб юборди.) Бугун эрталаб бизникига чиқиб онам билан анча гаплашиб ҳам ўтирибдилар... Сени эслабдилар... Кейин уйга келиб...

«Билардим-ку! Аҳд қилган эдим-ку! Келаман... Яхши сўзлар айтаман...»

Ҳа, у билар эди. Онасининг бетоблигини у билар эди. Касали хавфли эканини у билар эди. Онаси... бир кунмас бир кун тўсатдан йиқилиб қолишини у билар эди. Буни тушунар эди. Қаерда бўлмасин, ич-ичидан онасига ачинар эди. Қайғурар эди. Баъзан бу нохуш хаёлларидан даҳшатга ҳам тушар эди...

Бироқ шунчалик бўлишини — ўлим ҳеч қачон ҳеч нарса билан ҳисоблашмаслигини, бу ўлим, одамларни доимо доғда-ҳасратда қолдириб кетишини бари бир етарли ўйлаб кўрмаган, ўйлаб кўрса-да, етарли тасаввур, идрок этолмаган, қандайдир... бир муҳим нарсани: ҳаётда энг муҳимини — шуни!... (Ҳаётда энг муҳими — шу... нима ўзи?! Ота сўзи? Она орзуси? Аканинг йўриғи? Орзу-ҳавасларингми, барисидан муҳим, улуғ? — нима?!) Нима ўзи?! Шуни етарли ўйламаган, ўйлаб, идрок этолмаган, билмаган, билолмаган экан.

Буни билиб бўлмас экан.

Буни билиб-тушуниб тураркансан, рост!

Лекин бунга амал қилиб бўлмас экан. Билиб-тушуниб турганингга. Амал қилиб бўлмас экан. Шунақа экан.



Сулаймон ОБЛОҚУЛ — Бухоро область Шофиркон районидаги Лабижўй қишлоғида туғилган. Эркин ижодкор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗИМИЗ ҚУРАМИЗ

Якка тартибда уй-жой қуриш муаммолари хусусида республика «Узстройреммебельбыт» бирлашмасининг бош директори Адҳам Набиевич Абдуллаев билан «Ёш куч» мухбири Адҳам Даминов суҳбати.



Ёшлар онла қурди. Янги онла учун энг аввал янги, шинам ва замонавий усулда қурилган уй-жой керак. Уй-жой қуришнинг эса ўзига яраша ташвишлари бор. Агар Сиз республика «Узстройреммебельбыт» ишлаб чиқариш бирлашмасига мурожаат қилсангиз мушкулингиз осон кўчади. Дақиқаси олтинга тенг вақтингиз тежалади, ёғоч, тахта, цемент, ғишт синғари қурилиш материалларини қидириб сарсон бўлмайсиз. Барибир уларни топиш ҳам, топгач ташиб келтириш ҳам, қурилишни тиклаш ҳам осон кечмайди, ахир. Асабнинг азият чеккани эса ортиқча. Шунинг учун яхшиси бирлашма билан шартнома тузинг: янги уй-жой айтилган муддатда тайёр бўлади.

— **Адҳам Набиевич, партия ва ҳукуматимиз 2000 йилгача ҳар бир совет оиласини уй-жой билан таъминлаш ҳақида қарор қабул қилди. Сиз бошчилик қилаётган бирлашма ҳам бу долзарб муаммони амалий ечишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Лекин, очиғини айтганда, бирлашмангиз фаолиятидан, унинг ўз олдига қўйган вазифаларидан кўпчилик ёшлар бехабар. Журналхонларимизни аввало мана шулар ҳақида таништирсангиз.**

— Аҳолини 2000 йилгача уй-жой билан таъминлаш программаси эълон қилингандан кейин барча қурилиш ташкилотларида жиддий ижобий ўзгаришлар юзага келди. Уй-жой қуриш программасини ҳал қилишда якка тартибда уй-жой қуриш катта аҳамият касб этади. Қурилишнинг шу турига алоҳида эътибор берадиган бизнинг ташкилотимиз ҳам республика аҳолисига уларнинг буюртмалари асосида якка тартибда иморатлар, дала ҳовлилар, чорбоғлар, гаражлар, ёрдамчи бинолар, эшик-ромлар қуриб, турли ремонт ишларини бажармоқда, янги қурилган уй-жойларни мебеллар билан жиҳозлаб бермоқда. Зеро, бирлашманинг ташкил этишдан муддао ҳам шу эди. Буюртмачимизга шуниси қулайки, агар у хоҳласа бир йўла янги уйда янги жиҳозли ҳам бўлади. Мебелларни ўзимиз тайёрлаб, ўрнатиб берамиз.

Бирлашмамизнинг ҳар бир областда ўз трестлари бўлиб, районларда уларга қарашли 166 та хўжалик ҳисобидаги қурилиш-ремонт участкалари бор. Уларнинг фаолиятини бирлашмамиз бошқариб боради. Аввалари одамлар якка тартибда шахсий уй-жой қурилиши ва бошқа ишлар учун қаерга учрашишни, буюртмани кимга беришни билмасдилар.

— **Айтайлик, ёш оилалар уй-жой қуриш учун ер олди. Бизда қурилиш ташкилотлари жуда кўп. Агар улар ўз буюртмаларини айнан сизларга беришса уларга қўшимча бирон-бир имтиёз борми?**

— Бошқа қурилиш ташкилотларидан бирлашмамиз афзаллиги шундаки, бизда қурилиш учун кетадиган барча нарсаларни ўзимиз топамиз. Бизга буюртма берган одам ҳали цемент, ҳали ғишт, ҳали тахта керак эди деб қурилиш материалларини қидириб, қимматли вақтини сарфлаб юрмайди. Ўзимизнинг ғишт заводларимиз бор, керак бўлса ҳар бири 7 ғишт ўрнини босадиган керамзит-блокларни ҳам ўзимиз чиқаряпмиз. Бетонни ҳам ўзимиз тайёрлаймиз. Шундай бўлгач, албатта уй-жой қуриш учун бизга мурожаат қилган дуруст-да.

— **Районларда якка тартибда уй-жой қурдирмоқчи бўлганлар кимга мурожаат қилишлари керак!**

— Боя айтганимдек, республикамизнинг ҳар бир районида бизнинг хўжалик ҳисобидаги қурилиш участкамиз бор. Буюртмачи энг аввало жойлардаги мана шу участкаларга мурожаат қилишлари, ўзлари билан эса буюртма чизмасини олиб келишлари керак. Шунга қараб биз буюртмачи билан смета, лойиҳа, шартнома тузамиз. Шартнома бўйича келишилган пул буюртмачи томонидан банкка тўлангач иш бошлаймиз.

— **Адҳам Набиевич, шу ўринда журналхонларимизни қизиқтирган бир саволга жавоб берсангиз. Банкка шартномада кўрсатилган пулни бир йўла ҳаммасини тўлаш шартми!**

— Агар қурилаётган уй-жой нархи смета бўйича 3000 сўмдан ошиқ бўлса ярми тўлангач, агар 3000 сўмдан кам бўлса ҳаммаси тўлангач иш бошланади. Турли хил ремонт ишлари учун ҳам олдин смета тузилади, банкка пул ўтказилгачгина иш бошланади. Ҳисобли дўст айрилмас, дейдилар.

— **Республикамизда якка тартибда уй-жой қуришдаги бирлашманинг амалий фаолиятига ҳам тўхтаб ўтсангиз, яъни партия ва ҳукуматимизнинг уй-жой қурилишига онд аҳоли турмушини янада яхшилашга қаратилган қарорлари бирлашмада қандай бажариляпти!**

— Қилинган ишларга келсак, яхшиси, ўтган сўнгги уч йиллик фаолиятимиз якунларида келиб чиқиб фикр юритганимиз дуруст. Шу давр ичида бирлашмада биргина ремонт-қурилиш бўйича 129,8 миллион сўмлик иш бажарилди. 1988 йилда аҳолига 2158 та уй қуриб берилди.

Кўрсаткичларимиз яхши. Бирлашма ташкил этилган 1969 йилда аҳолининг 10 миллион сўмлик буюртмаси бажарилган бўлса, бу йилга келиб бу кўрсаткич 16 марта ошиб, 160 миллион сўмга етди. Йил давомида бажарилиши керак бўлган ишларимизнинг 135 миллиони ремонт-қурилиш ва монтаж ишларига, 15 миллиони мебель ишлаб чиқариш, 7,5 миллиони мебеллар ремонти, 2,5 миллиони эса турли хил хизматларга тўғри келади. Сифатли мебеллар ишлаб чиқариш ва аҳолини таъмин этиш айниқса Тошкент шаҳрида яхши йўлга қўйилган. Наманган, Андижон, Хоразм областларида эса барча соҳадаги ишларимиз дуруст.

— **Аҳолидан тушаётган талаблар қанча-ю уларнинг бажарилиши қай аҳволда!**

— Биз 1986 йили тушган буюртмалар бўйича якка тартибда 400 хўжаликка уй қуриб беришни планлаштирган эдик. Имкониятимиздан келиб чиқиб 560 хўжаликка янги уй қуриб бердик, яъни 2638 минг сўмдан ортиқ иш бажардик. Кейинги йили 500 ўрнига 858 хўжаликни янги уй билан таъминладик. Лекин ҳозирги аҳволимиз мақтангудек эмас. 1988 йили планлаштирилган 763 уй ўрнига 740 хўжаликни янги уй билан таъминлай олдик, холос. Бу йил эса 800 хўжаликка якка тартибда уй қуриб бермоқчи эдик, биринчи кварталда бунинг 133 тасини, иккинчи кварталда эса бор йўғи 233 тасини қура олдик холос.

Ярим йиллик якунлари бўйича 27 миллион 092 минг ўрнига 25 миллион 874,6 сўмлик иш бажардик, холос. Бу планни 95,5 процентни ташкил қилади. Айниқса, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизмат кўнгилдагидек бўлмади (92,4 процент). Ярим йилликда бизга мўлжалланган, лекин биз ололмаган материаллар ҳисобига аҳолига 15,5 миллион сўмлик кам хизматни кўрсатдик. Уй-жой қурилиши бўйича 107 буюртмачига рад жавобини беришга мажбур бўлдик. Айни шу хусусда 1988 йилда ҳам ололмаган материалларимиз ҳисобига халққа 6 миллион 352 минг сўмлик хизмат кўрсата олмаган эдик.

Ярим йиллик якунидан кўриниб турибдики аҳволимиз мақтангудек эмас. Ҳатто дала ҳовли ва гараж қуриш планларимизни ҳам ўз вақтида бажаролмаяпмиз. Шунга қарамай, ўтган йили дала ҳовли қурилиш 1986 йилга нисбатан 9 марта кўпайди. Лекин йилдан йилга буюртмачилар ошгани билан, рад жавоби олганлар сони ҳам кўпайяпти. Масалан, ўтган йили 78 дала ҳовли қуриб 12 минг сўмликдан ошиқроқ иш бажаргандик. Гаражларга келсак, 273 та буюртма бўйича 384 минг сўмлик иш бажаргандик. Бу йил имкониятдан келиб чиқиб бор-йўғи 65 дала ҳовли (500 минг сўмлик), 37 гараж қуришни (91 минг сўмлик) планлаштирдик холос.

Таъминотнинг чатоқлиги бунга сабаб бўлди. Аҳволимизнинг танглигидан СССР давлат таъминот комитетига мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Лекин улардан келган жавобдан таажжубда қолдик. 4 августда бизнинг хатимизга йўлланган жавобда айтилишича, ёғоч-тахталар, дастгоҳлар бизга бу йил ҳам давлат буюртмаси бўйича келмас эмиш, сабаби тегишли иттифоқ министрликларидаги 1989 йилга мўлжалланган ресурслар бизнинг иш планларимиз бўйича кўрсатилган талабни қопламасмиш. Биз бу аҳволни халққа қай тариқа айтишни билмай гарангмиз. Буниси камлик қилгандек, республикамизда ишлаб чиқарилаётган ва бизнинг трестимизга ажратилган энг керакли цемент ва шифер сингари кўплаб қурилиш материалларини жойлардаги область таъминот бўлимлари ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, берухсат олиб қўйишмоқда. Биргина мисол келтирай, август ойида Қашқадарёдаги барча шиферларимизни олиб қўйишибди. Бу ҳолда иш олдинга силжийдими ахир. Ўзи бусиз ҳам муаммолар қалашиб ётган бўлса...

— **Ҳа, сиз айтган рақамлардан ҳам аҳволни сўнгги пайтларда ёмонлашгани аён бўлиб турибди. 1989 йилнинг ярим йилидаёқ уй қурмоқчи бўлган 133 буюртмачига рад жавобини берибсизлар. Эзгу мақсад йўлида ташкил қилинган бирлашманинг бу тариқа оқсаб қолишини қандай тушуниш мумкин! Наҳотки, ҳаммасига таъминотнинг чатоқлигигина сабаб бўлса...**

— Рости, саволингиз ярага туз сепгандек бўлди. Эзгу иш дединг из, тўғри, биз бу хайрли ишни амалга ошириш учун бирлашмамизнинг 16 минг ишчи-хизматчилари ҳамиша чин дилдан меҳнат қилиб келишяпти. Лекин уй-жой қурилиши программасини амалга оширишда трестимизга қарашли барча участкаларимизда бирдек қийинчиликларга дуч келинмоқда. Аввало, зарур бўлган қурилиш материаллари етишмайди. Натижада айрим участкаларда усталар гоҳо ҳафталаб беиш ўтиришади. Бундан буюртмачилар ҳам, ишчи-хизматчиларимиз ҳам норози.

Буларнинг асосий сабабчиси материал ва техник таъминотнинг ёмонлигида. Масалан, «Агропром»га қарашли механика заводидан яқинда ғишт тайёрлайдиган 10 та агрегат олган эдик. Лекин бу агрегатларнинг кўпгина деталлари ишламас экан. Чунки бу

www.ziyouz.com kutubxonasi



Қурилаётган дала ҳовли

деталлар юмшоқ металлдан қилингани учун аллақачон ишдан чиқиб бўлибди. Бундай агрегатлар Жиззахда, Қумқўрғонда, Тошкент областларидаги участкаларимизда фойдаланилмай турибди, лекин бу агрегатни бунёд қилган механика заводидан запчастлар олишимиз учун завод бизни яқинига ҳам йўлатмаяпти. Ахир бу деталлар ўзларининг браги-ку! Шуни бир ўйлаб кўрсалар бўларди.

Бизга эса аҳоли талабини тўла қондириш учун йилига 120 миллион дона ғишт керак. Ҳозирги шароитда эса ярмини зўрға ишлаб чиқара оляпмиз холос.

Қурилишнинг энг керакли маҳсулоти ғишт масаласида аҳвол шундай бўлгач... Андижон, Наманган областлари ўзини ўзи ғишт билан таъминлашяпти. Фарғонада эса 15 миллион дона ғишт чиқарадиган завод қуришимиз керак. Қашқадарё, Бухоро, Самарқандда эса бундай заводлар учун печь йўқ. Сирдарёда эса умуман заводнинг ўзи йўқ.

Транспорт масаласи ҳам бизда ишни энг орқага тортувчи муаммолардан биридир. Баъзи қурилиш ташкилотларида, ПМКларда бекор ётган транспортларни кўриб юрагимиз ачишиб кетади. Бизда эса бирорта участкамизда на бир крану самосвал бор, на бир бетон қориш, на бир цемент ташиш машинаси бор. Ташкилотимизга вагонда цемент келса кураклларда туширамиз, буни кўриб ўл дейдиган одам йўқ. Республикамизнинг уч-тўрт ерида цемент ишлаб чиқарилади, лекин биз улардан сира кераклисини ололмаймиз. Ғишт заводларида одамлар тунда ҳам ишлайди. Лекин бизда ишчиларни уйларига олиб бориб қўядиган автобуслар йўқ.

Яна бир камчилик — таъминотдаги узилишлар. Бу ҳам бизнинг ишимизга жуда катта зиён етказяпти. Ноилождикдан биз материаллар бор вақтдагина буюртма олиб, йўғида буюртмаларни рад этишга мажбур бўляпмиз. Баъзи ташкилотлар материални ўз вақтида жўнатишмаяпти ёки брагини жўнатишмоқда. Чунки уларга бунинг учун кескин бир чора кўрилмайди, атиги жўнатиладиган маблағ ҳисобидан 5 фоизгина жарима солинади. Улар эса кооперативлар билан алоқа қилиб кўпроқ фойдани кўзлашади, жарима ҳиссасини ҳам чиқариб олишади. Кооперативлар чиқиб аҳвол оғирлашди. Бизда ишнинг кўнгилдагидек кетиши учун ҳамиша 3 ойга етарлик миқдорда запас маблағимиз бўлиши керак.

Ҳозир ёғоч билан таъминот ҳам кескин ёмонлашди. Ахир бизнинг шароитда иморатларнинг 60 фоизи ёғоч билан битади. Бизга етарли миқдорда сифатли ёғоч материаллари берилиши лозим. Лекин берилмаяпти. Мисол учун 1988 йилда ёғоч ҳисоби фондидаги 424 минг куб метр ўрнига 307 минг куб метр ёғоч олдик холос. Бу йил эса йил ярмидан ошганда ҳам 268 минг куб метр тахтанинг 80 минг куб метри бизнинг номимизга жўнатилишга тайёр деган хабарни эшитдик, холос. Лекин қолганини ким жўнатади, қачон жўнатади, буниси қоронғу. Қолганларига ҳали қоғоз ҳам йўқ қўлимизда. Шифер, иситгич асбоблари ва шунга ўхшаш материалларни етишмаслигини айтмаса ҳам бўлади.

Кейин ёғочни қайта ишловчи станоклари йўқ. Ёғоч тилувчи дастгоҳларимиз эски, 15—20 йиллаб ишлаган, бизга эса янгилари берилиши керак. Эшик-ромларни тайёрловчи 1914та дастгоҳимиз бор, лекин улардан 1151 таси янгиланишга муҳтож, 746 таси 10 йилдан буён, 405 таси эса 20 йилдан ортиқ ишлатилиб келиняпти.

— Хўш, аҳвол шундай экан, бунга ким айбдор!

Уй-жой қурилишидаги бу қийинчиликлардан чиқиш, ишнинг қамровини кенгайтириш йўллари борми!

— Бизнинг бирлашмамиз Республика маиший хизмат министрлигига қарайди. Биздаги бажариладиган ишларни республика Планлаштириш давлат комитети режалаштиради.

Қурилиш материаллари билан асосий таъминотчимиз эса, республика Давлат Таъминот Комитетидир. Очиғи, бу икки ташкилотга такрор-такрор мурожаат қилиб ҳам ҳозирча бирор натижага эриша олмаяпмиз. Улар биздаги аҳволга жиддийроқ муносабатда бўлишмаса ишимизда ўзгариш ясаш қийин. Ахир 2000 йилгача ҳар бир оилани квартира билан таъминлаш ҳақида партия ва ҳукуматимиз қарор қабул қилган экан, бу ишга ҳеч ким, айниқса масъул кишилар, ташкилот раҳбарлари панжа орасидан қарашга ҳақлари йўқ. Шунинг учун республика давлат таъминотидаги ва давлат план комитетидаги раҳбарлар бизнинг эътирозларимизни тўғри қабул қилиб ишда кескин бурилиш ясашимизга ёрдам беришлари керак. Ахир планлаштиришда хатоликка йўл қўйилмаса, қурилиш материалларининг сони ва сифати бизни қониқтирса, ишимиз юришади-да! Бундан ташқари Министрлар Совети ўз қарорларида бизнинг ташкилотга алоҳида эътибор берса бўларди. Жойлардаги район ижроия комитетидаги ўртоқлардан ҳам якка тартибда уй қуриш билан шуғулланувчи участкаларга эътиборини оширишини сўрардим.

— Адҳам Набиевич, гоҳида бирлашмангизга ишн тушган Тошкент шаҳри аҳолисининг ҳақлн эътирозларнга дуч келяпмиз. Бу хусусда нима дея оласиз!

— Гапингизда жон бор. Тошкент шаҳридаги бошқармамиз бўлимлари ҳали тўғри йўлга тушиб олганлари йўқ. Шаҳарда нима кўп — қаватли бинолар кўп. Бизга шаҳарликлардан квартираларини ремонти, паркет полларни шилифовка қилиш учун кўплаб буюртмалар тушади. Ремонт ишлари учун аввало эмаль, оқ плиталар, гул қоғозлар керак. Бизда эса кундан-кун оқ эмаль, пол эмаллари, импорт қурилиш материаллари, ҳатто унитаз ва линолиумгача камёб товарга айланиб бормоқда. Бизга бундай қурилиш материаллари берилмаяпти. Биз эса ноилождикдан буюрмаларни рад қиляпмиз.

Тошкент шаҳрида бу йил 5 миллион 600 минг сўмлик иш бажаришимиз керак. Лекин шаҳарнинг баъзи районларида бизнинг бирлашма бўлимлари учун шу пайтгача ҳатто жой ҳам ажратилмаган. Жой, база бўлмагач, аҳоли қаерга мурожаат қилишни билмай сарсон бўлади. Масалан, Чилонзор, Фрунзе, Ленин районлари бунга яққол мисол. Шаҳар ижроия комитетида мурожаатларимиз натижасиз қолмоқда. Акмал Икромов, Ҳамза, Куйбишев, Киров, Собир Раҳимов, Октябрь районларидагина аҳвол сал дуруст. Масалан, шаҳар аҳолисига ўтган йили фақат 18, бу йил биринчи кварталда эса 27 дала ҳовли қуриб бердик холос. Имкон йўқлигидан бирорта якка тартибда уй қуришга буюртма ололмадик. Маблағ етишмаганидан кўп ишларни кооператив ташкилотлар ҳисобига бажаришга мажбур бўлмоқдамиз. Бу эса бизга ҳам, буюртмачига ҳам ортиқча харажат.

Шаҳар районларидаги участкаларимизни махсус ишлар бўйича мослаштириб олганмиз. Ҳамза район участкаси шаҳардаги иситгич системалари бўйича тушган буюртмаларни бажаради. Гаражлар қуришга эса Куйбишев район участкаси ихтисослашган. Акмал Икромов райони якка тартибда уй-жой қуриш учун тушган буюртмаларга мослашган. Қани энди шаҳардаги барча районлар ҳам ҳамиша кўнгилдагидек жиҳозланиб ўз базаларига, ўз жойларига эга бўлса... Шундагина ишимизда ҳам ҳамиша унум бўларди. Бунга эришиш учун эса шаҳар ижроия комитетидаги мутасадди ўртоқлар бизга, қолаверса якка тартибда уй-жой қуриш орзусида юрган ҳамшаҳарларимизга ҳамдард бўлсалар, муаммоларни ечиш учун оғизда эмас, амалда биргалашиб ҳаракат қилсалар яхши бўларди.

— Суҳбатимиз якунида журналхонларимизни қизиқтирган муҳим бир масалага аниқлик киритиб кетсак. Ташкилотингиз буюртмаларнинг сифатли бажарилишига кафолат берадими! Мабодо буюртмачи бажарилган иш сифатидан норози бўлса қаерга мурожаат қилиши керак!

— Агар районлардаги хўжалик ҳисобидаги участкалар ишидан буюртмачининг кўнгли тўлмаса у ўз аризаси билан область трестларига мурожаат қилиши мумкин. Агар буюртма область трестлари орқали бажарилган бўлса, улар ўз аризаларини тўппатўғри бирлашмага берса бўлаверади. Шикоят аризаси олингач, биз ҳам, область трестларимиз ҳам дарҳол бажарилган иш сифатини текширамиз ва ўзига яраша тадбир кўрамиз. Сарф-харажатлар ҳам шикоятчи талабига асосан такрор ҳисобланади.

— Агар қайта ишловдан кейин ҳам буюртмачи норози бўлса-чи...

— Унда «Госстрой»га мурожаат қилишлари мумкин.

— Суҳбат учун «Ёш куч» журналхонлари номидан, айниқса, якка тартибда уй-жой қуриш орзусида юрган ёшларимиз номидан Сизга катта раҳмат!



Дала ҳовли қурилиши ниҳоясига етди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КАШКАДАРЁ: НЕГА ШИКОЯТ КЎП?

Асосий мавзуга ўтишдан олдин бир нарсани аниқлаб олайлик: айтингчи, шикоят хати қачон ва қандай шароитда ёзилади? Аслида бунинг ҳеч сирли жойи йўқ. Қаерда социал адолат принципларига амал қилинмаса, инсон қадр-қиммати, қонуний ҳақ-ҳуқуқлари топталса ўша ерда шикоят учун замин яратилади. Ноҳақлик жабрини тортган киши идораларга хат ёзар экан, социал адолат тикланишига умид боғлайди, дилини ўртаётган саволларга қониқарли жавоб кутади. Бундай пайтларда уларга прокуратура, милиция ва судлов ходимлари биринчи бўлиб ёрдам қўлларини чўзишлари керак. Ҳуқуқларини муҳофаза қилишлари лозим. Шунинг учун ҳам улар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари деб юритилади-да.

Хўш, ҳуқуқни муҳофаза қилишга даъват этилган органлар ҳамма вақт ҳам зиммаларидаги вазифаларини муваффақият билан бажаришяптими? Биз бу саволга Қашқадарёдан келаётган хатлар мисолида жавоб бермоқчимиз. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор.

Редакцияга ҳар куни ўнлаб шикоятлар келади. Уларнинг кўпи Қашқадарё областидан.

Яна бу ерга самолёт ва поездларнинг сарфу ҳаражатларини бўйнига олган шикоятчиларнинг ўзлари ҳам тез-тез ташриф буюриб туришади. Уларнинг кўпчилигини қашқадарёликлар ташкил қилишади.

Ахир ҳозир ноҳақликлар авж олган турғунлик даврмас, пахта иши рўкач қилиниб, қама-қамаларга зўр берилган, ҳўлу қуруқ баравар ёнган пайт, ҳайриятки, ортда қолиб кетди. Мамлакатимизда инқилобий жараён — қайта қуриш, покланиш жараёнининг давом этаётганига ҳам, мана, ҳадемай беш йил тўлади. Беш йил... Лекин шунга қарамай юз бераётган ноҳақликлар ҳақида ёзилган шикоятларнинг охири кўринмаётгани, уларнинг аксариятида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятидан норозилик баён этилгани кишини ажаблантиради. Келинг, фикр қуруқ бўлиб қолмаслиги учун хатларга мурожаат этайлик.

Қотилларни ким топади? ёки жавобсиз қолган саволлар

Мана бу хатни ғузорлик Комила Ашурова юборибди. Комила 17 ёшда, бу йил ўнинчи синфни битирди. Унинг юрагини бундан саккиз ой муқаддам юз берган воқеа ўртамоқда.

«Мени сизларга мактуб йўллашга мажбур қилган нарса — бу оғир жудолик. Дугонам Наргизанинг ўлимига нима сабаб бўлди? Мана шу саволга жавоб топа олмай 1989 йил 18 майдан буён қийналаман. Милиция-чи дейсизми? Бизда бундай ишларга ички ишлар бўлими жон койитмайди. Ҳаммаси ёпилиб кетади. Шундай воқеадан Куйбишев номли мактабимизда яқин йиллар ичида 3 та бўлди. 1981 йили Каромат исмли қиз ўзига ўт қўйди, 1986 йил, 17 апрелда Гўзал исмли қиз ўзини осди. Мана Наргиз 1989 йил, 18 майда сувга чўкди. Ҳаммаси 16—17 ёшли, очилмай хазон бўлган қизлар.

...Душанба куни ўқидик, мен тобим қочиб уйга кетдим. Соат 15[30] да кўчага чиққандим, Наргиза консультацияга кетаётган экан. Бизда дарсдан кейин консультация бўларди. У аҳволимни сўради. Одатдагидек шўх, кувноқ эди. Кетди. Консультацияга кам киши борибди. Домла келавермагач баъзилар кета бошлабди. Наргиза кутиб ўтираверибди синфда. Унинг олдида 10 «Б»-синфидан Нурбек деган бола ҳам бўлган. Кейин нима бўлганини ҳеч ким билмайди, фақат ярим соатлардан кейин унинг ранги оқариб титраб чиққан. Буни ташқарида ўтирган 3 та қиз ва 1—2 та ўғил бола кўрган. У мактаб хотин-қизлар совети раиси М. Қиёмовани тезроқ топиши кераклигини айтган. Улар топишолмагач Наргиз кетган уйига... 16 майда мактабга келиб 1 соат ўқидик, Наргиз йўқ. Қарасак домлалар чопишиб қолишди. Сабаб? Нега буни биринчи биз эмас, Қиёмова билади? Менимча дардларини ёзиб амакисининг қизи Хадичадан М. Қиёмовага хатни бериб қўйишни илтимос қилган. Шунда унинг кўринниши худди узоқ ётган касалнинг кўринишидан ҳам оғир, кўзлари қизариб кетган экан. Хадича 16 май куни эрталаб хатни Қиёмовага берган. Кейин тапир-тупур бошланиб кетди. Ҳаммасидан алам қилгани шуки, хатни бизга беришмади... Сўрасак, китоб сўраган экан мендан, деб чекланди. Йиртиб ташлаганмиш. Ҳа, майли, китоб сўрабдиям дейлик, барибир ўлимига бирор сабаб бўлиши керак-ку?

Биз ўша куни Наргизни қидиришга тушдик. Ҳали ўлди деб эмас, йўқолиб қолибди деб, эшитган эдик. Қишлоғимиз ёнидан дарё ўтади. Дарёниям қидирдик. Ҳеч жойда йўқ. Уйидан, столи устидан «Онажон, мен уч кундан кейин қайтаман, хавотир олманг» деган мазмунда хат чиқди. Ҳамма қидирувда... 18 май куни соат 10 лар чамаси эрталаб бир йигит дарёда қизил нарса кўрган, борсаки ўша... Энг саёз жойда сув тиззагаям келмайди. Ҳа, бизнинг дарёда қачонки сув омбори тошиб кетса озгина оқмайдиган сув пайдо бўлади. Майли, Наргиз чуқурроқ жойига тушди дейлик, уни қандай куч саёз жойга олиб келади. Яна нима сабабдан у сув юзига уч кундан кейин чиқади, чиққандаям ҳеч нарса қилмаган, худди ҳозир ташлаган ҳолатда чиқади. Уни уйига олиб келишгандаям оғзидан бир томчи сув тушмади, оғзи юмуқ. Чўккан одам сув ютиши керак ахир? Нега у белига халат боғлаб сувга ташлади, у нега керак бўлди?

Мен ўйлайманки, Наргизни биров ўлдириб 18 май куни тонгда сувга ташлаб кетган. Бир врач мурдани текшириб «қаттиқ таёқ еган» дебди. Буни қандай тушуниш керак? Мен Наргиз ўлимининг айбдорини топишни истайман...»

Комиланинг Ички ишлар бўлими ходимларига нисбатан аччиқ таъналарини бир қарашда унинг ёшлигига, тажрибасизлигига йўйиш мумкин. Аммо ўзингиз бир эътибор беринг. Унинг сўзларида мантиқ кучли. Шунинг учун кучлики, қиз воқеалар оқимини таҳлил қилиб мактабдошларининг жонига қасд қилишга мажбур қилган сабаблар чуқур ўрганилмаганлигига эътиборни жалб қиляпти. Модомики шундай экан, бу тергов органларигагинамас, маҳаллий раҳбарларга ҳам қўйилган жиддий айб.

Комиланинг хатда қўйган саволлари тегишли кишиларга етиб боради, деб ўйлаймиз...

Косон районидаги Ульянов номли колхоз аъзоси, қаҳрамон она Тўхта опа Шарипованинг юраги ғамғуссага, қайғу-ҳасратга лиммо-лим. Мактубдан маълум бўлишича Тўхта опанинг бешинчи ўғли, 16 ёшли Асроржонни 1988 йил, 11 октябрда тележкага пахта босаётган пайтида терим машинасининг ҳайдовчиси бункер билан уриб юборган. Бола тележкага йиқилиб қолган. Тележкани қабул пунктига олиб бориб, пахтани топшираётганда Асроржоннинг мурдаси чиққан...

Ўсмирни бундай оғир ва мураккаб ишни бажаришга юборишнинг ўзи жиноят. Қонун ўсмирларни фақатгина тўрт соат ишлашига, ишлаганда ҳам кучига ва малакасига мос енгил ишда фойдаланишга йўл қўяди. Демак, Асроржонни оғир ишга юборганларнинг ўзи жиноий жавобгарликка тортилиши лозим эди. Бироқ район ва колхоз раҳбарлари 16 ёшли Асроржоннинг ёшини 20 қилиб ўзгартирадилар ва жиноятни бости-бости қилиб юборадилар. Улар бу ҳаракати билан иккинчи жиноятни ҳам содир этдилар.

Онаизорнинг қалбини худди шу нарса — норасида, ўн гулидан бир гули очилмаган фарзандининг умрини хазон қилган кишиларнинг бир йилдан кўпроқ вақтдан буён бежазо юриши пора қилмоқда. Прокуратура бу воқеага қандай баҳо бераркин?..

Қуйидаги хатни шу райондаги Ульянов номли колхознинг Эсабой участкасида истиқомат қилувчи Шарофат Қурбонова юборган.

«1987 йил, 2 июнь куни содир бўлган мудҳиш фожиа бизни ҳозиргача ларзага солади, деб ёзади хат муаллифи, биз бу масала юзасидан қониқарли жавоб олганимиз йўқ. Илтимос қилиб сўрайман, мен онаизорга ёрдам беринглар. Очилмай қолган жиноятлар бошқа бировлар бошига тушмасин, бу қора кулфат бошқаларниям бошини ҳам қилмасин деб, сизга, редакцияга мурожаат қилмоқдаман. Биз район, область, республика прокуратурасига қатнаб ҳеч қандай жавоб ололмадик».

Воқеа қандай бўлган эди?

«...Шодмонов Нишон 10-синфни тугатиб, икки йил ҳарбий хизматни ўтаб қайтди. Тошкент шаҳридаги тўқимачилик ва енгил саноат институтини тугатиб, 1980 йил Қашқадарё область, Косон районидаги Ёғ экстрация заводида ишлай бошлади. Аввал механик бўлди, бош инженерликка кўтарилди. Коллектив ўртасида обрў-эътибор қозонди, партия аъзолигига қабул қилиниши керак эди, афсус партия билети қўлига тегмай бу дунёдан кўз юмди. 1987 йил 26 май куни завод томонидан Москва — Ленинградга командировкага жўнатилди. Нишон 4 июнда қотиллар қўлида ҳаётдан бевақт кўз юмади. 6 кун ичида бўлган воқеалар сирлигича қолмоқда.

Шодмонов Н. Москвадан 15.30да самолёт билан учиб келади. 3 соатдан кейин Қарши темир йўл вокзалидан унинг тенг иккига бўлиниб ётган жасади топилади. Вокзал билан бизларнинг уйимиз орасидаги масофа 30—35 минутлик йўл, лекин бизга бу фожиани кечаси кеч соат 2—3 ларда хабар қилишган. Вокзал билан аэропорт орасидаги 3 км. масофада Ни-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шон 3 соат нималар билан шуғулланган, кимлар билан бўлган, ҳаттоки самолётдан юкларини олишни унутиб қаёққа шошган, ўлимгами? Уни бунга нима мажбур қилган. Бу жиноят билан темир йўл прокуратураси прокурори ўртоқ Самандаров иш олиб борди. Лекин ҳеч қандай натижа йўқ.

«Ўғлинг соғ бўлмаган, жинни бўлган, ўзини-ўзи поезд тагига ташлаган» деган хулоса билан делони ёпдилар.

Бизни қизиқтирадиган саволларга бир эътибор беринг:

1. Самолётдан тушган одам нима учун темир йўл вокзалига йўл олади ва 3 км. масофани 3 соатда босиб ўтадими?

2. Соат 18^{24} дан соат2—3 гача нима учун бизларни чалғитиб, бошқа адресларни бериб қидирдик, дейишди. Марҳумнинг ёнида паспорт — ҳамма ҳужжатлари ва дипломати бўлган-ку, аниқ адресни ўша ердан олса бўларди-ку.

Ҳурматли редакция! Мени юрагим сезиб турибди, бу ерда қора ниятли кишилар қўли қатнашган, бўлмаса бу ишни ҳеч қандай изсиз бажарилганлигига эътибор беринг, прокуратура ходимларим биз томон эмас, бизни эшитишни хоҳлашмайди. Фактларингиз асоссиз деб туриб олишади.

Менга ёрдам беринг».

Хўш, транспорт прокуратурасининг прокурори ўртоқ Самандаровнинг қўлида Шодмонов Н.нинг руҳий касаллиги ҳақида ҳужжат борми? Нега улар онанинг саволларига қониқарли жавоб бермадилар? Бу саволлар ўз жавобини кутади...

Усмон Юсупов районидан келган мана бу хатга 17 киши имзо қўйган. Хатда район банкасининг бошлиғи бўлиб ишлаган Қурбонов Аширбойнинг 1988 йил, 15 февраль оқшомида автомобиль фалокати орқали ҳалок бўлганлиги шубҳа остига олинади ва у маълум кишилар томонидан ўлдирилган деган фикр илгари сурилган. Яна унда терговчи Эркуловнинг терговни юзаки олиб борганлиги ҳам айтилган. Модомики, А. Қурбоновнинг автомобиль фалокатида ҳалок бўлганлиги қариндош-уруғларида шубҳа уйғотган ва бунга асослари бор экан, ариза ёзиб чуқур тергов ўтказишларини сўраган экан, уларнинг талабини қондириш лозим, токи ҳеч бир шубҳа-ю гумонларга ўрин қолмасин.

Мана яна битта коллектив хат: Унга Чироқчи районидаги Уйчин қишлоқ советига қарашли 100-сакиз йиллик мактабнинг ўқитувчиси О. Армонов билан бирга яна 15 киши имзо чекишган. Маълум бўлишича А. Умировнинг педагогга хос бўлмаган хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ жиноий иш жабрланувчиларнинг турли идораларга қайта-қайта шикоят қилишига қарамай судралмоқда экан.

Нима учун фожиа юз берди?

«Ёш куч»да босилган «Ҳақсизлик сиртмоғи» суд очерки (1989 йил, 5-сон) журналхонларга яхши таниш. Мен унга озгина қўшимча қилмоқчиман. Бунинг учун аввало воқеани яна бир бор ёдингизга соламан. Яккабоғ районидаги Қайқи қишлоғида 9-синф ўқувчиси Дилшод Шоймонова далага ўтин тергани борганда мол боқиб юрган мактабдоши Анвар Улашев уни зўрлаб номусига тегади. Дилшоднинг онаси органга хабар бермоқчи бўлганда Анварнинг дадаси, ўқитувчи Улаш Эргашев Дилшодни ўзим келин қиламан деб тинчлантиради. Орадан маълум бир вақт ўтади. Улаш Эргашев сўзининг устидан чиқмайди. Совчи юбормайди. Анвар яна бир бор тегажоқлик қилади, уни сўкиб, мазах қилади. Умиди пучга чиққан Дилшод молхонада ўзини осади. Синглисининг ўлимига сабабчи бўлганларни жиноий жавобгарликка тортилмаганлигини кўрган Гулсум жиноятга қўл уради...

Редакцияга яқинда марҳум Дилшоднинг онаси Чучук Хўжаниёзова билан Дилшоднинг акаси — Мансур Шоймонов ҳамда Гулсумнинг қизчаси — Нурия келишди. Фарзанд доғидан қадди дол бўлган онанинг қўлларида бир даста ҳужжат. Улар турли идораларга ёзган хатларининг нусхалари-ю, идоралардан олган жавоблар эди. Хатлар кўп, жавоб эса бир хил: текширамиз, топширамиз, хабар қиламиз... Шулардан бири эътиборни тортди. Хатда область прокуратураси раҳбарлари Дилшод Шоймонованинг ўлими билан боғлиқ ишни терговчига топширганликларини ва у текшириш натижасини маълум қилиши айтилган эди.

— Терговчи бориб текширдими? — сўрадим Чучук момодан.

— Борди. Бир ойдан кейин борди, — деди момо хўрсиниб. — Бу пайтга келиб Гулсум... — момо юзини юваётган кўз ёшларини артди.

Бу ёғи маълум: Гулсум синглисининг ўчини олиш учун Дилшоднинг номусини поймол қилган Анварнинг синглиси 13 ёшли Матлубани, бегуноҳ, маъсума қизни пичоқлаб ўлдирди. Қотиллик юз берди. Бу пайтга келиб Дилшоднинг вафотига олти ой тўлган эди. Олти ой... Нима учун орадан шунча вақт ўтгач қон тўкилди. Масалага Дилшоднинг акаси Мансур Шоймонов аниқлик киритди.

— Дилшод ўз жонига қасд қилгач, биз айбдорларни жазолашни сўраб кўп идораларга хат ёздик, — деди Мансур Шоймонов. — Чунки Дилшоднинг ўлгани етмагандай қишлоқда оиламиз шаънига, сингилларим шаънига хунук гаплар тарқала бошлади. Бунинг устига аризамизни текширишда сусткашлик қилинди. Кута-кута тоқати тоқ бўлган Гулсум ишдан қайтаётиб прокурор қабулига кириб, Дилшоднинг ўлимига сабабчи бўлганларнинг иши нима учун тўхтаб қолганлигини билмоқчи бўлганда у, «Сен ҳам ғар, онанг ҳам ғар, ўлган синглинг ҳам ғар, сизлар туҳматчисизлар» деб кабинетидан ҳайдаб чиқарибди. Бу ҳақоратларга чидай олмаган, айбдорларнинг жазоланишига кўзи етмаган бахти қаро синглим қотилликка қўл урган.

Гулсумни тушуниш мумкин, бироқ унинг қилмишини мутлақо оқлаб бўлмайди. Лекин... тергов органлари сусткашликка йўл қўймаганда, ҳузурига умид билан кирган одамга тасалли бериш ўрнига, вазиятни хотиржам тушунтириш ўрнига қўполлик қилмаганда қотиллик, балки, юз бермаслиги мумкин эди. Табиий, прокурор бугун Гулсумга бундай демаганман дейиши аниқ. Гувоҳлар йўқ-да. Аммо муҳофаза қилиш органларининг айрим ходимлари одамлар билан муомала қилганда ҳамон 37-йиллар услубини қўллаётгани кўпчиликка аён...

Эътибор беринг-а, Гулсум фожиаси Сизга ҳеч нарсани эслатмаяптими? Менга у Фарғона воқеаларини эслатди. Фарғонада социал адолат принципларига амал қилмаслик, бепарволик бориб-бориб бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилишига олиб келди. Яккабоғда ҳам...

Чучук момонинг бизга берган аризасида шундай сатрлар бор: «Кучли руҳий ҳаяжонланиш оқибатида жиноят содир қилган Шоймонова Гулсумнинг жиноий иши область суди Тошпўлатов раислигида кўрилди ва бир томонлама олиб борилди. Аёл киши, ёлғиз оналиги ҳисобга олинмади, жуда катта муддатга озодликдан маҳрум қилинди, жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ҳар томонлама ўрганилмади...»

— Биз оиламиз билан Чироқчи районида деҳқончилик қилаётган эдик, — деди Чучук момо, — энди Яккабоғ қишлоғимизга қайта олмаяпмиз. Уйимизни кимдир бузаяпти. Улар қишлоққа қайтиб келишса ундай қиламиз, бундай қиламиз деган таҳдидлар эшитяпмиз.— Чучук момо набираси Нурияни бағрига босди.

Учинчи фожиага йўл қўйилмасмикин? Мен алам, хавотир ўтида ёнаётган Чучук момонинг ажин босган юзига тикилар эканман, хаёлимдан шу фикр ўтди.

Қадр-қиммат топталганда...

Кейинги пайтларда республикамизда хотин-қизларнинг ўзига ўт қўйиш ҳоллари авж олганлиги ҳақида ҳам, уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ҳақида ҳам кўп гапирилмоқда. Шикоят хатларни ўқир экансан, бу борада ҳали-ҳануз қуруқ гапдан нарига ўтилмаётганлигига ишонч ҳосил қиласан киши. Чунки аёл кишининг шароитини яхшилашнинг биринчи ва энг муҳим шарти унинг қадр-қимматини гапдамас, амалда кўтариш, ҳақ-ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилиш... Бироқ минг афсуски, қўлимиздаги хатлар Қашқадарёда бу борадаги ишлар ҳамон ўлда-жўлда эканлигини тасдиқлаб турибди. Яқинда редакцияга Нишон районидаги «Юлдуз» посёлкасида яшовчи Ҳолида Мамадалиева шикоят билан келди. Унинг айтишича, эрининг сафарга кетганлигидан фойдаланиб, қўшниси Хуррам Эргашев кечаси тунда уларникига бостириб кирган ва номусига тажовуз этишга уринган. Бу ҳақда Нишон район прокурорига ариза ёзиб Х. Эргашевга нисбатан чора кўришларини сўраган. Лекин ариза беоқибат қолибди. Устига устак Х. Эргашевнинг қариндошлари уни уриб, тан жароҳати етказибди. Уни ҳимоя қиладиган, далда берадиган одам топилмабди ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари орасида.

— Мана тўрт ойки, уйимда тинчлик йўқ, — деди йиғлаб Х. Мамадалиева. — 18 июлда терговчи Ҳайдаровга учрашдим. У киши менга: «Мен сизларнинг ишингизни текшириб кўриб, ҳеч қандай жиноят иши йўқлиги учун делони ёпиб юборганман» деди. Мен, ярим тунда бировнинг уйига босқинчилик қилиб кириш жиноят эмасми, десам, «агар бу ишни қайтадан қўзғайдиган бўлсанг сенинг ўзингни қаматиб юбораман, хоҳлаган жойингизга бораверинг, кучингиз етмайди», деди...

Худди шундай воқеа Чироқчи районидаги Ф. Ҳўжаев номли совхознинг 2-бўлимида яшовчи Ойдин Очилова ҳаётида ҳам содир бўлди. Қўшниси Бозор Маҳкамов унинг номусига тажовуз қилишга уринди. *«Бу ҳақда Чироқчи район Ички ишлар бўлимига ариза ёзиб бердим, — деб ёзади О. Очилова, — орадан 30 кун ўтиб, буни қарангки, Маҳкамов Бозорнинг иши бўйича ўртоқлик судини ўтказгани унинг амакиси Маҳкамов Бўрининг келгани ҳайратдан ёқа ушларли ҳол бўлди. Ҳурматли редакция! Бу борада конституцион ҳуқуқларимни ҳимоя қилиб район ички ишлар бўлимига, қишлоқ советига, хуллас ҳамма жойга арз қилдим, аризам жавобсиз қолдирилди».*

Бу икки аёлни ғийбату миш-мишлар оловига ташлаб, ёрдам сўраб, илтижо қилганда тескари ўгирилиб турган қонун посбонларига қандай баҳо бериш керак? Қандай! Наҳотки, улар орасида оқни оққа, қорани қорага ажратишга қодир одам топилмаган бўлса? Шундай экан, уларнинг қонун номидан иш кўришга маънавий ҳақи борми? Айтгандай, редакцияга чироқчилик кўп болали она — Ойхол Раззоқова айни шу район ички ишлар бўлими ходими ёрдам бериш ўрнига ургани ҳақида арз қилиб келганди. Буни қандай тушуниш мумкин?..

* * *

Энди редакцияга шикоят юборган, аммо мазкур мақолада қаламга олинмаган қашқадарёликларнинг номларини келтирмоқчиман. Зора, уларнинг хатлари астойдил ўрганилса...

Косон районидаги Энгельс номли совхоз, Губалах қишлоғидан Рўзивой Бобоқулов, Қамаши районидаги Фрунзе номли совхознинг 3-бўлимида яшовчи Нурия Диёрова, Чироқчи районидаги Ворошилов номли совхознинг 1-бўлим 2-бригадасидан Эшқобил Бўриев, Муборак районидаги 31-совхоздан Элмурод Ягмуров, Қамаши районидаги Катта Араб қишлоғидан Дилфуза Ғазнаева, Чироқчи район «Восход» совхозида Раъно Юсупова, «Коммуна» колхозида Зокир Хуррамов, Косон районидаги Ворошилов номли колхоздан Аҳрор Холдоров, Шаҳрисабз районидаги Полмон қишлоғидан Бекназар Аширов, Қарши станцияси, П. Лумумба кўчаси, 25-уйда яшовчи Ҳасан Хотамов, Яккабоғ районидаги «Шарқ Юлдузи» колхозидан Суюн Жўллиев, Яккабоғ посёлкасидан Т. Тоғаева, Ульянов районидаги 15-совхознинг Қорақўнғирот қишлоғидан Тамара Қурбоновалар шикоят йўллашган. Уларнинг кўплари район, область прокуратурасига, милицияга бир неча бор хат юборгани учун хатлар мазмунини баён қилиб ўтирмадик.

Хатларга жавоблар

Биз редакцияга келган шикоят хатларнинг айримларини тегишли идораларга текширишга юборамиз, айримларини журнал ходимлари жойларга бориб текшириб, текшириш натижасини чоп қиламиз. Ҳар икки ҳолда ҳам мутасадди раҳбарлардан кўтарилган масала юзасидан жавоб кутамиз.

Биз Қашқадарёдан олаётган жавоблар, аксарият ҳолларда юзаки бўлиб чиқаётганлиги бизни ташвишлантирмоқда. Журналнинг шу йил- 6-сонида область прокурорининг бош ёрдамчиси вазифасини бажарувчиси, адлия кичик маслаҳатчиси ўртоқ Р. Қўчқоровнинг имзоси билан жавоб хати босилди. У ғузорлик 15 ёшли Холида Болтаеванинг шикоят хати муносабати билан ёзилган, аммо хатда қўйилган муаммо ҳал қилинмаган, шунинг учун редакция Р. Қўчқоровнинг жавобига ўз муносабатини билдириб қуйидагиларни қўшимча қилган эди. «Қашқадарё область прокуратурасидан олинган юқоридаги жавоб бизни қониқтирмади. Сабаби прокуратура ушбу шикоятга (Х. Болтаева шикоятига — Ш. А.) юзаки қараган. Марҳумнинг фамилияси Э. Болтаева эмас, Раҳимов эканига ҳам эътибор бермаган. Терговчи Х. Чориевга қандай чора кўрилгани ҳам айтилмаган. Редакция бу хусусда прокуратурадан яна жавоб кутади».

Орадан беш ой утди. Аммо область прокуратураси ҳамон сукут сақламоқда.

Шикоят хатлар меҳнаткашларнинг кайфиятини белгиловчи ўзига хос барометр ҳисобланади. Модомики, Қашқадарёдан шикоят кўп экан, бу ҳол кўпчиликни ташвишга солиши табиий. Шунинг учун ҳам биз область ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарларидан Қашқадарёдан нега шикоят кўп? деб сўрашга ва бу саволга тўлақонли жавоб кутишга ҳақлимиз.

Область партия комитети ҳам мақолада кўтарилган муаммоларни вужудга келтирган шарт-шароитларни ўрганади ва зарур чора-тадбирлар кўради, деб умид қиламиз.

Шоҳрух АКБАРОВ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОЛЛОЕР

Ахир жонман, туришим туйғу...

Руҳимда бир очлик ҳукмрон —
Порлоқ ранглар излайди кўзим,
дил туйғуга торлик қилган он
Қийналаман ўзимдан ўзим.
Ғамда кўрсам дўстим бошини
кўпаймасми икки бор дардим?!
Ҳар ким ичса ўзин ошини
қолармиди дунёда мардум?!
Тўқмиз — шундан очлик бор руҳда!
Безовталик — тинчимиз ёви.
Етдир оромсевар гуруҳга
шу сабаб шеър — нотинчлик дови.
Руҳимда бир очлик ҳукмрон...
Дилнинг тўкин ёзи уфқда —
Тушарми кеч, сўнг отарми тонг
солмоқ истар барин қўшиққа.
Руҳимда бир очлик ҳукмрон:
Ўтганлардан сўрайман даъво —
бир-бир китоб ўқиган замон
кўз ўнгимда кенгаяр дунё.
Кўз ўнгимда кенгаяр юрак —
унда қат-қат севинч ва қайғу:
Мен ўзимни ёзишим керак —
ахир жонман, туришим туйғу!
Руҳимда бир очлик ҳукмрон...

* * *

Баҳормасми, томорқа бўм-бўш.
Ҳали сокин боғлар қўйнига
Қайтишмаган сон-саноқсиз қуш.
Бир қиш ичи қўлда боқилган
Қўйлар емай қўйган хашагин...
Томорқа-ю, ҳовлини кезиб
Титадилар ҳазон тушагин.
Сўнг умидвор ўчоқ бошига
Айвон томон келаверарлар,
Отам эса қўлда супурги
У ён, бу ён елаверарлар.
— Тўйга буюргирлар,қўш-ш,
қўш-ўш!!! — деб
Қўйхонага қамайдилар ҳам,
Сўнг онамни эслаб ўтириб
Йиртиқларни ямайдилар ҳам,
Мен бир кулиб, бир ўкинч билан
Қараб туриб сураман ўйлар:
Келин келса бари бўлади!
Эҳ, бошлана қолсайди тўйлар!

Ленинобод.

Обид ОЛИМЖОНОВ,

* * *

Йиллармас, вайрона этган — ўзимман,
Жаҳолат сендами, жаҳолат менда?!.
Қайтадан тиккалаш қўлимдан келмас,
Камолот сендами, камолот менда?!.
Рудакий кўзига мил тортган мозий,
Надомат сенгами, надомат менга?!.
Элнинг кўзларига мил тортган-у ким,
Жароҳат сенданми, жароҳат мендан?!.

Ўш

Очил ТОҲИРОВ

Саккизлик

Ҳар доим дардини ичига ютиб,
Яшаш бир одамга қилар оғирлик.
Гоҳо тўлган юрагингни бўшатиб —
Турмасанг қафасга айланар борлиқ.
Шунданми, қадимдан яшар бир ҳикмат:
«Одамнинг тафтини одам олади».
На фақат одам, ҳаттоки жонзот —
Елғизланган куни ўлиб қолади.

Қашқадарё.

Тўрабек ИСКАНДАРОВ

Мен сени соғиндим... Хиёбон

Эсингдами, фасли кузакда
Хиёбонда учрашган кезлар:
Кезар эди булутлар кўкда,
Яширинган эди юлдузлар.

Шитирларди барги хазонлар,
Топталарди ерда беаёв.
Эсиз... унга узилган онлар
Ҳеч ким назар ташламас бирров.

...Кезарканман яқинда, жоним,
Хиёбонда кўрдим қизиқ ҳол:
Дарахтларда уч бериб куртак
Кўклам билан айлабди висол.

Навбаҳордан хурсанд одамлар
Бир-бирига бермайин ҳеч сўз.
Хиёбонда шодон кезишар.
Бир чеккада фақат мен ёлғиз...

Юлдуз

Усмон Носирга...

Фазонинг тўрида бир митти юлдуз
Чақнарди, имларди кечалар уйғоқ.
Гоҳи тунлар юлдуз васлида беҳуш
Хаёлан фазода кезардим узоқ.

Кезардим... бу олам нақадар чексиз,
Ойдан наридаям шу улкан фазо.
Бу қудрат олдида қолардим унсиз,
«Нақадар буюксиз, деярдим, дунё!»

Оҳ, кеча осмонда бошланди сурон,
Зилзила мисоли тебранди руҳим.
Кўз очиб юмгунча қий-чув, тўполон,
Қайгадир йўқолди менинг юлдузим.

Юлдузим васлида йиғладим тунда.
Ахийри тўхтади бу разил бўрон.
Бўрон-ку тинаркан, лекин бу кунда
Ҳувиллаб қолгандек кўринди осмон.

Э воҳ, юлдузим ҳам турибди хира,
Милтираб боқади фазода туриб.
Энди кечалари қароломай унга
«Торгина уйимга кетаман кириб».[1]

Москва.

Ҳабиб РАҲМАТ

Мен ҳам...

Менинг ойим иш қиларлар
Пишиқ-пухта, саришта.
Мақтар таниш-билганлар:
«Бу аёл бир фариштa».

Иштиёқда тинглар одам,
Гап-сўзлари бир майин,
Каттани ҳам, кичикни ҳам
Сизлайдилар бирдайин.

Кулсалар-чи, юзларидан
Нурми, гулми ёғилар.
Мен уларнинг қизлариман
Бирам ўхшагим келар.

[1] А. Орипов сатри

Тошкент.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нукус. Алоқачилар уйи.

Г. ЕҚУБОВ сурати

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу суратларда Нукус шаҳридаги 30-СПТУ ўқувчиларининг ҳаёти акс этган. Фаол комсомоллар саналмиш бу ёшлар ўз етакчилари Заура Қаипназарова раҳбарлигида нанки билим юртининг кўпгина муаммоларини ҳал қилишда, балки кўпгина ажойиб ғояларни ҳаётга татбиқ этишда ҳам серғайратдирлар.

Бўлғуси киномеханик Зокир Абдиев устози З. Галинадан касб маҳоратини ўрганмоқда.

Эльмира Кинеева ва Женя Лакатош — бўлғуси котиба-машинисткалар.

Физика... ва газ пайвандлаш кабинетида.

Дурадгорлик цехи болаларни яратувчилик сеҳри билан ўзига мафтун этади. Бердулло Кеулимжаев ва Оллоёр Утегеновлар шунинг учун бу цехнинг доимий мухлисидирлар. Ошпазлик Ўрта Осиёда эркакларнинг севимли ҳунарларидан бири. Лекин қизлар ҳам унга кўнгил қўйишган экан, бунга фақат хурсанд бўлиш мумкин. Зеро, оилада эркакларнинг кўнглини ошқозонлари орқали забт этиш оила мустаҳкамлигининг бир гарови ҳамдир.

Бош ошпаз Х. Тлеубаев шогирди Ширин Қаюмова билан.

Слесарлик дурадгорлик каби қизиқарли касбдир. Айниқса ишлаб чиқариш устаси Зиналиддин Унгирбоевга ўхшаш одамнинг қўлида ҳунар ўргансанг, бу касб бутун умринг сенга йўлдош бўлиши аниқдир.

А. КУДРЯШОВ суратлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

Суратда: Маҳмуджон Азимов дўстлари — янги қўшиқларининг ижоди-ю, ижросида ҳамнафас бўладиган «Парвоз» ансамбли аъзолари билан.

Маҳмуджон Азимовнинг касби ўқитувчи. Тошкент Давлат Университетининг филология факультетини тугатган. Фикри теран, элимизга, тилимизга, тарихимизу келажагимизга муносабати ўзига хос. Суйгани, куйгани, ўйлагани — бари-бариси янгроқ сози, дилдор овозига жо. Унинг орзуси — маданиятимиз гуркирасин, маънан бой, қалбан юксак бўлайлик. Меҳру оқибат, саҳоват, мурувват ришталарининг ноёблашиб бораётгани ёлғон бўлсин. Ўзаро ҳурмат, халқлар ўртасидаги иззат-икром, эъзоз қонимизга, жонимизга сингисин!

Яхши қўшиқ тинглаган одам бамисоли яхши асарни ўқигани каби ҳузурланади. Маҳмуджоннинг наздида яхши ҚЎШИҚ илҳом билан ўтилган яхши ДАРС соатига тенгдир. У ўзи туғилиб ўсган Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхоз далаларида деҳқончилик қилганида ҳам, жамиятимизнинг турли жабҳаларида билими, ҳалол меҳнати билан обрў топиб, фаолият кўрсатаётган беш оға-иниси билан гурунглашганида ҳам, отаси Мақсуд ака, онаси Инобат аялардан турмуш уринишларидан сабоқ олганида ҳам, умр йўлдоши Нафисахон, фарзандлари Наргиза, Нигора ва Умиджонлар билан бағри тўлиб, баҳри дили очилганида ҳам... ЎЗ ҚЎШИҒИни излайди. Одамлар шеър ўқимаслиги мумкин. Аммо қўшиқ тинглашдан ҳеч қачон ҳеч ким тўймайди. Ахир, қўшиқ куйлаб ота-боболаримиз жангга кирганлар, ғалаба нашидасини сурганлар. Севишганлар, курашганлар, эртанинг пойдеворини қўйганлар. Шундай экан, шоирнинг дарду қувончини, бастакорнинг дил изҳорини маромига етказиб куйлаш керак. Одамларга дарс бўладиган, сабоқ берадиган қўшиқлар яратиш керак.

А. КУДРЯШОВ сурати

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қамбар ЎТАЕВ

ДАРД АЙТАМАН ҲАР БИР ЯПРОҚҚА

Кеча ва бугун
Кечагина —
Оқни қора деган,
Порани совға деган,
Қаллобни мақтаб,
Ўғрини ёқлаб,
Шерикчилик қилган.
Тирикчилик қилган.
Бугун —
Барча нопокни,
Виждони носоғни
Ҳиқилдоғи йиртилгунча
Бақириб,
Ҳайқириб,
Қаллоб!
Муттаҳам!
Дея сўкса ҳам,
Ҳаммасини номма-ном
Санаб берса ҳам
Поклик ҳақида
Яратса-да ўлмас ақида,
У ҳаётда
Е тарих олдида
Ҳеч қачон,
Ҳеч қачон
Бўлиб қололмайди
Бир ҳалол инсон.

* * *

Бу кўчанинг аввал бағри
кенг эди.
Бор эди йўлаги,
Кўп эди тилаги.
Хизмати ҳаммага тенг эди.
Интилиб яшарди,
Серқатнов эди.
Йўлларга қўл бериб,
Йўлакларга йўл бериб,
Тўлиб яшарди.
Бир пайт ҳиссиз девор
Йўлини кесиб,
Олди бу кўчани
Тамоман тўсиб.
У гангиб, хаёлга
Бойланиб қолди,
Боши берк кўчага
Айланиб қолди.
Бу кўчадан юрган
Энди адашар...
Йўли узоқлашар,
Одамлар келишар
Ўнгу сўлларда,
Айланиб ўтишар
Бошқа йўллардан.
Ҳақли ўй-хаёллар
Ўтар диллардан:
Қайдаки учраса
Кўчалар чалкаш,
Қийин эмас оғир
Ҳасратин англаш.
Кўринса қайдаки
Адашган киши —
Бу тўнка-тўсиқлар,
Деворлар иши...

* * *

Ойдин кеча. Япроқ денгизи
Тўлқинида сузади шамол.
Ой — ошиқнинг тушдаги қизи.
У севгидай мангу безавол.
Сочилади юлдузлар нури
Япроқларнинг нозик танига.
Дарахтларнинг тутиб ғрурури
Ойни чорлаб турар ёнига.
Сув остида кемалар каби
Уйлар сузиб боришар гўё.
Ухлаганда одамлар қалби
Ғафлатга ғарқ бўлмасин дунё?!
Танбаланган эшикни очиб,
Ташланаман хаёлан ойга.
Юлдузларга сиримни сочиб,
Қалб ураман куйловчи сойга.
Дард айтаман ҳар бир япроққа,
Дарахтларга тикиламан шод.
Тин бермасман асло юракка,
Бошлангунча қуёшли ҳаёт.

* * *

Эй суянчиқ, йўл бер менга,
Ҳа деб пешонамга тиралаверма!
Орқа миям билан йиқилмай тағин...

* * *

Эй тўнка,
Тўқнашган бўлсак ҳам раҳмат сенга.
Қўлларимни тираб йиқилдим...

* * *

Эй мевасиз дарахт,
Бунча ҳайбатлисан, бунча соянг катта...
...Мен қуёш фарзанди,
Менга мева керак.

* * *

Гапирмоқчимисан?
Оғзинг тўла-ку!..
Бировнинг ғамини ея олармидинг!

* * *

Бошлиқ.
Бошинг ўзингникими?
...
Даврингни суриб қол!
Бировнинг боши бошлик қилармиди.
Тўғрисини гапирсанг-чи.
Мўм тишлаганмисан.
Мойланган оғиз ҳам сирачланадими?!

* * *

Неча жонзотларнинг дилин қақшатган,
Ҳақини кемирган кўзини ўйиб.
Хумордан чиққунча ботқоққа ботган
Тўнғиз ётар бошин кундага қўйиб.
Келгандай умрининг қора заволи,
Жон бериб қилмишин оқламоқчидай.
Жаллод болтасини кутган мисоли
Етар гуноҳлардан поклanмоқчидай.
Бунга ишонади нодонлар фақат.
Асли тўнғиз зоти тўнғизлик қилар.
Ана у уйқудан уйғонган заҳот
Кунданинг чириган пўстини шилар.

Кўршапалакнинг дегани

Ишонмайман бу дунёда нур борлигига,
Парвонанинг қисматига келади кулгим.
Кўзи очиқ кимсаларга бахт ёрлигига
Ким гувоҳлик бера олур, айтинг, ахир ким.
Минг шукурким бўлганимга мен
кўршапалак,
Менга қолса, дунё тунга айлансин мангу.
Кимлар учун нурга тўлиб бормоқда фалак
Мен қуёшни ҳис қилганда чекаман қайғу.
Эркин қанот қоқишимга йўл қўймас шуъла,
Зарра нурдан борлиғимда олам ғулғула...

* * *

Йил сайин Ер дарди қилмоқда ошкор,
Тушуниб етмаслик гуноҳ сўзига.
Қай бир ернинг суви пастликка чўкар,
Қай бир ернинг суви чиқар юзага.
Замин фарзандлари бойиган сайин
Ер бўлиб бормоқда қашшоғу фақир.
Шўр босиб келяпти танин атайин,
Нажот истар, кўкси минг пора-тақир.
Яшадик, бас. Ернинг лаззатин сўриб,
Меъёридан ортиқ эркалик қилдик.
Оғир азоблардан дармони қуриб,
Дардга чалинганини жуда кеч билдик.
Биз қандай фарзандмиз,
Ким оқлар бизни,
Бўлолмасак замин, юртга муносиб.
Касал қилиб қўйиб ўз онамизни,
Эсиз, яраларин юрибмиз босиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АСАБИНГИЗНИ АВАЙЛАНГ, ЁШЛАР!

Врач-невропатолог Ҳусан СОДИҚОВ билан суҳбат

Мухбир: Бугунги кунда қадимий бир тушунча эскириб қолди. Илгари ЁШЛИК ва САЛОМАТЛИК бир-бирига эгиз деб ҳисоблаб келинарди. Афсуски, XX асрга келиб ёшлар ўртасида ҳам турли касалликларга гирифтор бўлиш кучайиб кетди.

Ёшлар ўртасида кенг тарқалган асаб системаси касалликларидан бири — бу невроз касаллигидир. Невроз касалини «XX аср хасталиги» ҳам дейишади. Унинг келиб чиқиш сабаблари нима! Умуман невроз ўзи нима!

Ҳ. Содиқов. — Маълумки, асаб касалликлари жуда кўп. Лекин улар ўртасида невроз касаллиги айрича бир эътибордаги хасталик ҳисобланади. Бу касалликнинг келиб чиқишига бош сабаб, шахснинг атроф-муҳит билан зиддиятга учрашидир. Невроз келиб чиқишининг бош сабаби руҳий зарба, қаттиқ ҳаяжондир. Инсон табиати унинг илк болалик чоғларидан шаклана бошлайди. «Болалик ҳаётнинг олтин дамлари» деб ҳисобланилади. Айни шу даврда болада ўз ҳис-туйғуларини бошқаришни тарбиялашимиз керак. Ғиж-ғиж ахборотлар тўлиб-тошган давримизда ёшлар улкан бир юк билан яшамоқдалар. Бу юкни ўсмир мияси зўр-базўр сингдирмоқда. Негаки, улкан ҳажмдаги билимларни ҳамма мия ҳам сингдира олмайди. Ана шунда асаб системаси бузилиб, невроз касаллиги келиб чиқади. Умумжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг (ВОЗ) расмий маълумотларига кўра невроз касаллиги кейинги 65 йил давомида 24 марта кўпайди. (Таққослаш учун мисол: руҳий касалликлар, 1,6 марта ортган.) Хуллас, давримизни атом, ядро асри дебгина эмас, балки асаб касалликлари асри деб ҳам «сифатлаш», мумкин.

М: — Неврознинг келиб чиқиши ҳақида қаттиқ ҳаяжонни (стрессни) типга олдингиз. Умуман қаттиқ ҳаяжоннинг ўзи нима, у инсон организмига қандай таъсир кўрсатади!

Ҳ. С: — Стресс сўзи афсуски кундалик ҳаётимизда ўрнашиб қолди. Ҳар бир инсон у ёки бу тарзда ўзида стресс таъсири сезади. Стресс сўзи инглизча бўлиб, тазйиқ маъносини билдиради. Медицинага бу терминни олиб кирган канадалик машҳур олим Г. Селье кундалик ҳаётимизда стресснинг икки типини ажратиб кўрсатади. Булар — эустресс ва дистресс. Эустресс саломатликни сақлашга, дистресс эса аксинча хизмат қилади. Биз стрессдан чўчимаслигимиз керак. Негаки, стрессдан фақат вафот этгандагина мосуво бўлинади. Г. Селье бу хусусда шундай деган эди.

«Ҳаётимизга қут, мазмун бериш учун биз ўз олдимизга мураккаб ва узоқ вақт талаб қиладиган вазифа, мақсад қўйиб олишимиз керак. Шу мақсадга етиш учун тинимсиз интилишимиз керак. Бундай мақсадларнинг йўқлиги — кучли ҳаяжонга, у эса ўз навбатида ошқозон яраси, инфаркт, ҳафақонлик ёки шунчаки завқ-шавқсиз, ҳиссиётсиз ҳаёт кечиришга олиб келади». Бу сўзларни ҳар бир ўзбек ёшлари ўйлаб кўриши керак.

М: — Долғали асримизда кишининг саломатлигига зарар етказадиган стресслардан қутилишнинг иложиси борми!

Ҳ. С: — Бор. Психотерапия самарали стресслардан бири ҳисобланади. Унинг энг асосий қуроли — сўз, асосий санъати — яхши муомала қила билишдир. Врач инсонга сўз орқали таъсир қилишдай қудратли воситага эга. Сўзни маҳорат билан ишлата олиш ҳам касалликни тузатишда врачга жуда асқотади. Врач билан суҳбатдан сўнг кўп ҳолларда невроз касалига йўлиққан беморлар ўзларини яхши ҳис эта бошлайдилар: кайфиятлари кўтарилиб, асабийлашишлари йўқолади, бош оғриғидан халос бўладилар. Рус врач В. Бехтерев «қабулдан кейин бемори ўзини яхши ҳис қилмайдиган врач яхши врач эмас» деб бежиз айтмаган. Афсуски, жуда кўп невропатологлар психотерапияга унча эътибор қилмайдилар, гарчи неврозга йўлиққан беморларнинг деярли ярми қабулларига биринчи марта келишган бўлса ҳам.

Мазкур касаллик билан самарали курашишнинг усулларидан яна бири игна билан даволаш — иглорефлексотерапиядир. Биз 10 йил давомида шу усулни қўллаб жуда яхши натижаларга эришдик.

М: — Кўпчилик одамлардаги нотўғри бир тушунча ёшларга ҳам юққан. Эмишки, ичиш-чекиш сиқилишнинг, демакки турли кўринишдаги стрессларнинг олдини олади. Бу фикр тўғрими! Ичиш ва чекиш инсоннинг асаб системасига қай тарзда таъсир кўрсатади!

Ҳ. С: — Яқин йилларгача наркомания ҳақида очиқ гапириш ва ёзиш мумкин эмасди. Биз наркомания ва унга боғлиқ бўлган фахшбозлик фақат Ғарбга хос иллатлар, улар биз учун бегона деб ўзимизни алдаб, юпатиб келдик. Ҳолбуки, касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, дейишганидек бугунга келиб наркомания бизда ҳам «камёб ҳодиса» эмаслиги аён бўлиб қолди. Турли стресс ҳолатлардаги оғриқларни қолдириш учун ичиб-чекишга ружу қўйган ёшлар бу билан организмларини ишдан чиқараётганликларини ҳис қилмаяптилар. Бу зарарли, ярамас одатлар туфайли ёшдар иродаси пуч, ақли суюлиб, ўзини тута олмайдиган бўлиб қолмоқдалар. Медицинанинг оталаридан бири Гиппократ бекорга ичкиликбозликни «ихтиёрий телбаликка берилиш» деб ҳисобламаган эди. Гораций «ичкилик одамни ўлдиради, ёшлик палласидай бебаҳо дамларни қисқартиради» деган эди.

Мана, бугунга келиб шу нарса аён бўлдики, наркоманлар инсониятга вабодан ҳам баттар хавф солиб турган СПИД касаллигини юқтиришга яқин қўшни эканлар. Ҳозирча ақли тетик ўсмирлар — «Ёш куч» мухлислари буни унутмасликлари даркор...

М: — Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

ШЕЪРИЯТ

Абдураҳмон ЖЎРАЕВ

Алишер Навоий музейидаги ўйлар

Навоий у дейсиз, замона бундай,
Биз сизга ишониб улгайдик устоз.
Елларга совурдик имкони шундай,
Мўмингина бўлиб тўлдириб қоғоз

Қанча семинарлар ўтказдик, аён,
Неча том китобдан кўчирдик доклад.
Билган билмаганин қилсада баён,
Кунлар ўтаверди ойлик ҳам аклад.

Навоий жимгина ўй сурар бунда,
Бунда шоир Бобур бош эгиб турар.
Байтмас-безак бўлиб турар шоҳ мисра,
Келганлар таржима қилишни кутар.

Экскурсовод ҳам гўёки сўқир.
Хиёл кулимсираб узр сўрайди.
Энди бу ёзувни қай ўғлон ўқир.
Аслин танимоққа кимлар ярайди?!

Ҳар яхши инсонни қўллайди замон,
Хайрли ишларга бошчидир Ватан.
Курсидан нарини кўрмайин ҳамон.
Ўшанга мослаймиз имконларни ҳам.

Навоий бобомиз ўй сурар бунда,
Бунда шоир Бобур бош эгиб турар.
Маъно дурларига тўла қўлёзма,
Оқил фарзандларнинг келишин кутар.

Турғунлик йилларининг шеъри

Ҳасратлар тўкилмас, дардлар аримас,
Мактублар манзилга етмайди зинҳор.
Балки бу кунларни ёзмоқ арзимас,
Ҳали ёруғ куннинг келмоғи ҳам бор.

Кимдир бардошлидир барчасин кўриб,
Кўрмадим дейишга етади журъат.
Кимдир пичирлайди аламдан тўйиб,
Ҳали жавоб учун келади фурсат.

Фарғона область, Киров райони.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(қисса)

6

Болажоним, олдинги хатимда бир воқеани эслатмоқчи бўлувдим, шекилли. Ҳа, эсингдами, ўшанда сен учинчи синфда ўқирдинг. Синглинг билан уканг боғчага боришарди. Улардан кўнглим тўқ эди-ю, сендан нотинч бўлаверардим. Жудаям ўйинқароқ, шўх эдинг-да!.. То ишдан чиқиб, боғчага ўтиб уйга боргунимча, ҳали у-ҳали бу гаплар чиқиб қоларди. Гапларнинг бир учи сенга бориб тақаларди. Нимагадир ўша куниям ишда бетоқат бўлавердим. Қарагинки, онанинг юраги сезадида, ўғлим, ишимни охирлата олмадим. Уйга борсам, тоғаларингнинг хотинлари сени ҳали мактабдан келмаганингни айтишди. Айтишди-ю, бирдан ўзларим қўрқиб кетишди. Ахир бу вақтда сен аллақачон уйда бўлишинг керак эди-да. Кўчама-кўча тентираб, охири мактабга қараб чопдим. Мактабга етай-етай деганда сен тенги болалар «ана ойиси, ўшанинг ойиси» деб қўллари билан мени кимгадир кўрсата бошлашди. Оҳ, боламга бир нима бўптида деган қўрқувдан жоним оғзимдан чиқай деди. Яхшиямки, кўча девори бор экан, суяниб қолдим. Кўзим чуғурлашаётган болаларда. Шу пайт бир нотаниш хотин мен томонга қирғийдек қанотларини ёйиб парпароз бўлиб кела бошлади. Тушунмадим, менга кўмаклашмоқчими, ёки шум хабар етказмоқчими?

— Сиз Шернинг онасими? — деди лаблари пирпираб.

«Ҳа, менман», дедимми, ёки «ҳа» деган маънода кўзимни юмиб, бошимни қимирлатдимми, ишқилиб нима гап деб сўрашга тилим айланмай қолган эди. У аёл ҳам менга саросимада тикилади-ю, бир нима дея олмайди... Оҳ, оналар-а, оналар... бир қарасанг, улардан кучли, улардан қудратли одам йўқ дунёда. Энг заифи, энг хокисориям оналар, аслида...

Ниҳоят, аён бўлдики у аёлнинг ўғлини сен йўлдан урибсан. Икковинг бошлашиб, қаёққадир кетган эмишсизлар. Мана шуни билгунча икки она ўн йилга қаридик, чамамда. Мендан шум хабар эшитаманми деб у бечоранинг ҳам эсхонаси чиқиб кетган экан. Нимагадир лоп этиб аданг ёдимга тушди. Биринчи, иккинчи синфларда ўқиб юрганларингда келиб-кетиб турганларини эшитган эдим. Ўшанда сенинг ҳатти-ҳаракатларингда қўрсликка ўхшаш бир нималар пайдо бўла бошлаган эди. Албатта буни мен отангнинг келиб-кетишидан кўрдим. Маҳалла оқсоқолларига бориб отангдан арз қилдим. «Болаларимни икки ўйлик қилмасин, шунча берган азобларим етади» дедим. Шу-шу аданг қорасини тортиб кетган эди.

Ҳалиги аёл билан тўғри ўша ёққа жўнадик. Борсак, не кўз билан кўрайликки, икковинг ҳам папкаларингни тагларингга босиб, дарвоза тагида мунғайиб ўтирибсизлар. Икковимизниям юзимизга нур, лабимизга кулгу югурди. Ҳа, ўша паллада икковимизданам бахтлироқ одам йўқ эди дунёда. Гўё биз баҳри-уммо тагига тушиб кетган топилмас жавоҳиримизни топиб олгандек эдик. Сенинг ўшандаги маъюс ўтиришингни кўрганда отанг билан минг марта қайта ярашишга рози бўлган эдим ўғлим. Боласи деб ёнган она наҳотки боласини тушунмаса. Шундоғам тушундимки, лекин отанг ҳам тушуниши керак эди-да...

Сизларни олиб келиб, бунинг устига яна куттириб қаёққадир даб бўлганлигидан ғазабим тошиб кетди. Билмадим, ўшанда рўпарамдан чиқиб қолса нима қилардим.

— Ичавериб миясиям айниб қоптида, бўлмаса ўзини боласи қолиб сизникиниям бошлаб келадими, — дедим узр сўрагандек ёнимдаги аёлга.

(Охири. Боши ўтган сонда.)

— Сизларни бу ёққа даданг олиб келдими? — деб сўрадим сени етаклаб.

— Ўзимиз келдик, автобусда келдик... — дединг болаларга хос зарда билан.

Ҳайрат ва қўрқувдан танам музлаб кетди. Топиб келганингни қарая! Бошқа автобусда, бошқа томонларга кетиб қолганларингда, то дараклаоинг чиққунча биз икки аёлнинг ҳоли нима кечарди? Соғинч деган нарса каттадир, кичикдир адаштирмай излаган одамининг ёнига олиб келар эканда. Мен билан келган аёл уйда эмизикли боласи қолганлигини айтиб, ўғлининг қўлидан ушлади. Шунда сен кутилмаганда ўртоғинг ёқасига ёпишдинг:

— Кетмайсан, кетмайсан, дадамни кўрасан, дадам бор...

— Қани даданг, йўқ-ку, — деди ўртоғинг ҳам бўғилиб. Кейин сени итариб юборди. Сен бўлса уни тортиб ерга қулатдинг. Икковинг тупроққа беланиб айқашиб кетдиларинг. Икки хотин тепаларингда шувола ҳай-ҳайлаймиз, қани энди ажратиб бўлса! Сен жон жаҳдинг билан «бор» дейсан, ўртоғинг ҳам жон-жаҳди билан «йўқ, йўқ» дейди.

Бир амаллаб ажратиб олдик — уст-бошларингни чангдан қоқа бошладик. Сен тўтиқушдек нуқул ўша гапни қайтарардинг:

— Бор-а, ойи, дадам бор-а, ановингга «бор» денг!

— Йўқ, йўқ, йўқ! — деди ўртоғинг ҳам кўзларини лўқ қилиб.

Мендан садо чиқмасди. «Бор» деб ўзимни мажбурлашдан кўра анови боланинг «йўқ» дейиши юрагимга ёқаётган эди. Икки аёл икковининг ораларида нима гап бўлганлигини англаб етдик. Аёл менга ачингандек қаради-да, ўғлини етаклаб кета бошлади. Шунда сен ўзингни тутиб туролмадинг. Мендан нажот чиқмагач, йиғлаб туриб, ўртоғингга ёлбора бошладинг:

— Жичча тўхтаб тургин, Аваз, ҳозир кеп қоладилар, менинг дадам бор ахир...

— Йўқ!.. Менинг дадам бор-а, ойи, — бақирди бола. Онаси уни жаҳл билан силтади.

Сен шундоғам бўшашиб турган қўлимдан қўлингни зарда билан тортиб олдингда, папканг устига ўтириб, бошингни тиззаларинг орасига олиб ҳиқ-ҳиқ йиғлай бошладинг.

Мен ўша дақиқани ҳеч қачон унутолмайман. Фақат битта нарсага қаттиқ ишонаман ўғлим, сен ҳеч қачон ўз фарзандингни бундай аҳволга солмайсан.

Мен нима қилишимни билмай тепангда серрайиб туриб қолдим. Сен йиғлардинг, ҳар замон, бир замон бошингни кўтариб йўл адоғига қараб қўярдинг, тепангда занг босган қулф осиғлиқ... Бу манзара мени гўримгача таъқиб қилса керагов!..

«Бўлди» дедим ўша куни ўзимга-ўзим сўз бериб, эрим ит бўлсаям ярашаман. Отанг билан учрашиб туришингга йўл қўймаганимга минг бора пушаймон бўлдим. У бормаса сен келар экансанда. Қўшнини чақирдим. «Шернинг отасига айтиб қўйсангиз, биз у одамни жудаям соғиндик, кўргани ўзимиз келувдик, йўқ эканлар, жилла қурса Шернинг мактабига борсин, ё менинг ишхонамга» дедим.

Отангда мардлик етишмадими ё ўзини қўлга ололмадими, ишқилиб келмади. Сен узоқ вақт буларни тушунмадинг, отангга интилавердинг. Кейинчалик яна отанг ёнингга келадиган бўлди, ора-сира учрашиб турдиларинг. То ўша, ҳа, ўша кунгача отангнинг кимлигини англаб етмадинг. Аммо англаб етишинг, оқ-қорани танишинг соғлигимнинг тенг ярмига тенг бўлди. Ке, қолган гапларни эртага қолдирайлик, оппоғим.

7

Болажоним, мактубнинг чаласини ёзяпман. Ўшанда сен саккизинчи синфни тамомлаб, мендан сўрамай шоҳодатномангни кўтариб келдинг, тўғримми? Ҳа, дедим ҳайрон бўлиб. Мактабни йиғиштирдим дегандек хотиржам қўл силтадингда, «билим юртига бораман, слесарликка» дединг. Илгари ҳам бу ҳақда бир-икки ғира-шира гап бўлган эди. Қароорингни тоғаларинг дуруст деб маъқуллашган, менга ҳам ёққандек бўлган эди. Аммо билим юртига борганларнинг кўпчилиги бузилиб кетаётганини эшитиб, тўққиз-ўнни давом эттирармиканса деган ўйда юрардим. Шаҳодатномангни кўтариб келганингдан билдимки, ғишт қолипдан кўчган. Шошиб қолдим. Шошганимнинг боиси билим юртига борадиганлар рўйхатида сени кўрмаган эдимда, шунга хотиржам юргандим. Бу ўзингдан, ҳа-ҳа, ўзингдан чиққан ташаббус эди. Бундайларни ўқитувчилар байроқ қилиб олишларини ҳам билардим. Уша куни дардим ичимда қолди. Эртасига сен айтган билим юртига бордим. Директори билан гаплашдим. Бундоқ об-ҳавони билай дедим-да. Директори чин педагог одам экан. Таржиман ҳолингни эринмай эшитди-да, хаёл суриб қолди. Кейин лўнда қилиб шундай деди:

«Она тарбиясида ўсган болалар ё ўта маъқул бола бўлишади, ё ўта номаъқул бўлишади. Гапингизга қараганда ўғлингиз ўта маъқул болага ўхшайди. Бундай болаларни биздагилар энка-тинкасини чиқарворишади. Қарабсизки, бундай бола ҳалиги таъсирдан ё ҳамиятсиз бўлиб қолади, ё ҳамиятини ҳимоя қиламан деб қўлига эрк беради. Қарабсизки, маш-машалар бошланади».

Бу гапларда жон бор эди, ўғлим. Мен сени тергайвериб, тергайвериб ўта маъқул қилиб қўйган эдим-да. Қара-я, қўрқа-қўрқа нима куйга солибман сени. Ишқилиб бир хил отасиз болаларга ўхшамагин деган эдимда.

Шуларни йўл-йўлакай ўйлаб, ўзимни ўзим яниб билим юртидан қайтдим ўғлим. Уйга келиб мактабни давом эттиришингни ёлборгандек бўлиб сўрадим.

— Бўлди, бўлди, — дединг қовоғингни уюб, — шунча боқдийз, шунча кийдирдийиз, энди ўзим...

— Ҳали «ўзим»лаб қолдингми, шу-да бўйинг чўзилиб, ақлинг узайиб қолди-да? — дедим аламимдан нима қилишимни билмай.

— Бўпти, — дединг бирдан юмшаб, аммо бу юмшаш сўнгида тош отгандек бир гап қилдингки, чеккамни ушлаб қолдим. — Бу ёғини адамлардан сўрайман, улар ҳам бир нима дерлар...

Шунда сени энди ортиқча кўз-ёшлар, панд-насиҳатлар билан ушлаб туриб бўлмаслигини пайқадим. Мен нима дедим ўшанда:

— Қанча насиҳату, маслаҳат керак бўлса ана, тоғаларингдан сўра, отанг ўрнида оталик қилишяпти ахир.

Сен менга ярқ этиб қарадинг. Кўзингда чақин чаққандек бўлди гўё. Бу чақин юрагимнинг кўпгина зулмат жойларини ёритиб юборгандек бўлди. Сен тоғаларингга ҳеч қачон ота деб қарамаганлигингни, қарамаслигингни ҳам сездим. Тоғаларинг болалари қатори сенгаям кийим-кечаклар олиб келишарди. Болалари оталарини ялаб-юлқашарди. Сен бўлса қарзга олаётгандек совуққина қилиб «раҳмат» деб қўя қолардинг.

Хуллас, болани отасиз катта қилиш дорбознинг арқонида лангарсиз юришга ўхшаркан.

Шундай қилиб шанба куни эди, кечга томон отанг ёнига отланиб қолдинг.

— Нега энди бемаҳалда, қачон борасану, қачон келасан? — дедим.

— Кундуз кунлари уйда бўлмайдилар, қайтмасам ётиб қоларман, — дединг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Отанг сени мендан тортиб олаётгандек, бунинг устига ўзинг унга интилаётганинг вужудимни ўртаб турарди. Сен ўзинг билмаган ҳолда юрагингдаги тўлмай қолган, тўлмай келган кемтикни тўлатишга интилардинг. Отанг деганда кунгабоқар юзини қуёшга бургандек нурланиб кетардинг. Шунгами, ётиб қолишингга бир нима дея олмадим. Ахир, отанг билан менинг орам очиқ. Никоҳ қоғози бирлаштирган эди бизларни, шу қоғоз бекор бўлгач — бегоналашдик. Аммо болани ота-онадан ҳужжат билан бегона қилиб бўлмас экан. Ахир томирингда отангнинг қони гупиллаб турса, қон-қонга интилиб турса мен нимаям қила олардим, жоним болам.

Сен кетдингу, бор-йўғини бой берган қиморвоздек каловланиб қолдим. Қоронғи ҳам тушди. Кутдим. Автобуслар ётгандагина умидни уздим. Қани энди кўзга уйқу деган нарса кела қолса. Юмшоқ ўрин баъзида одамга тош метиндек бўлиб туюлишини ўшанда билган эдим, ўғлим. Ўзимча ота-боланинг гурунги қизиётганини тасаввур қиламану, нима гаплар бўлаётганини тахмин қила олмайман. Фақат отанг ёнида яйраб-яйраб, энтикиб-энтикиб гапираётганингни ҳис қиламан. Ҳатто овозингни эшитгандек ҳам бўламан.

Эрта саҳар келиб қоларсан деб нонушта тайёрлаб туз тотмай ўтирдим. Чой совуди, дам олиш куним бўлса-да, чалғийман, деб ишга бордим. Енимга бориб қоларсан деган ўйда кунни кеч қилдим. Бормадинг. Уйга ошиқдим. Келдиму, тақдирга лаънатлар ўқидим. Ахир сендан ҳалиям дарак йўқ эди-да! Андиша деганларини бир томонга улоқтириб, эрта билан уйқиларингда бостириб бормайманми, мен шўр пешона!.. Боласини юбориб, орқасидан ўзи кепти деса дерди. Устимдан кулса куларди! Отангда зиғирча инсоф бўлганда бундай қилмасди. Жўнатиб юборарди сени. Э, унда инсоф нима қилсин?!

Мана шу азоблар, қийноқлар ҳайдовида отангникига, ҳа ўн тўққиз ёшимда не-не умидлар билан қадам қўйган остонага етиб бордим, болагинам. Бордиму, кўзларимга ишонмай қотиб қолдим. Ўша бундан беш йил бурун сени излаб борганимда кўрган занглаган қулф қандоқ бўлса шундоғлигича осиғлиқ турарди. Шошиб қўшнини эшигини тақиллатдим. Эшикни Наврўз хола очдилар. Қучоқ очиб, кўзёш қилиб кўришди бечорагина. Кўришяптию, нуқул гапиринади: «Бадбахтгина, сендек хотинни билмади-я. Келин эмас, олтин эдинг. Сен кетдингу бу жойларнинг чироғи ўчди. Бойўғлихона бўп қолди, бойўғлихона! Олдингда гуноҳкормиз қизим, у дунё-ю, бу дунёмиз қора. Инсофга чақирмаймизми, йигит ўлмагурни ўшанда томошақовоқ бўп тургунча»...

Э-ҳа, қанча гапларни гапириб ташламади Наврўз хола тушмагур. Наврўз холага қолса-ю, шу бугуноқ қайта никоҳласа-қўйса. «Ҳай, келин, кеча кечқурун десанг мени кўргани ўғлинг чиқди. Ҳа, жоним қоқиндиқ, отаси иккови бошлашиб чиқишди. Вой, кап-катта йигит бўпти-я. Ишқилиб қилиғи ўхшамасину, отасини ўппа-ўзия. Эрингни урушдим. Энди ўғилни уйлаш пайидан бўл, ичовирма, баттол, дедим. Эринг боладек ишшайиб кулади дегин, илоё инсоф бергур».

Бу гаплардан сал ўзимга келиб, юзимга қон югурди шекилли, энди сени сўрайман деб турсам холанинг келини гапни илиб кетди: «Эйй, қўйсангизчи ойи, бу бечорани яна балчиққа ботирмоқчимисиз. Аврашингизни-чи, агарда ўша Анвар пиён етти туғиб бир қолганингиз бўлсаям. У аллақачоноқ тамом бўлган, одамликдан асар ҳам қолмаган-ку. Сизгаям ҳайронман, — деди менга қараб, — шундоқ гулдек ўғилни нима қилиб олдига юбориб ўтирибсиз. Пиёласидан одам ирганади-ю, кирмаган кўчаси, кўрмаган бекаси қолмади буни. Чапагингизни чалиб қолманг тағин!»

Ана холос, бири бир челак сув сепса, иккинчиси шунча керосин сепиб ўтирибди. Безгак тутгандек танамга қайта титроқ кирди. Кўзларимга жиққа ёш тўлиб сени, отангни сўрадим. «Балиққа кетишди, бомдодга турганда кўрдим, шу эрингга сувдан текканов», деди хола. Отанг сениям ўз йўриғига тортганини эшитиб, адои тамом бўлдим, ўғлим.

Вой, бу одамзоднинг асаблари тағинам чидаркан-да. Ана келасизлар, мана келасизлар билан тунниям ярим қилдим. Дарақларинг йўқ, қўшниларниям эсноқ тута бошлади. Уйдагилар хавотир олиб ўтиришгандир деб бемаҳалда йўлга чиқдим.

Тоғаларинг урушган бўлди. Бувинг нуқул таскин берадилар. Уйдагиларни сал тинчлантирдимда, ўғринча кўчага чиқиб, йўловчи машинада яна изимга қайтдим. Сени кўрмагунча дунё кўзимга тор эди. Шундай аҳволга тушган эдимки, агарда боланг мана бу ёқда деб мунчоқнинг кўзини кўрсатса, ўша кўздан ўтган бўлардим!.. Оналар мана шунақа, ўғлим! Минг марта афсуски, оталар бунақа бўлолмайдилар. Ўша дақиқаларда мен муштипаргинани на отанг ва на сен ўйладинг. Занг босган қулф осилган дарвозага бўзлаганча тикилиб қопман. Ишқилиб ҳеч кимнинг уйига ҳам, бахтига ҳам қулф тушмасин дунёда. Қанийди, дод дейишнинг иложи бўлса-ю, номингни айтиб бутун дунёни остин устун қилсам. Йўқ, бунинг иложи йўқ эди болагинам. Қаршимда сени ёрилтошдек бағрига яширган, бир тепса қулаб тушадиган отангнинг кулбасигина турарди.

Тун салқин тортдими, шу туришда қанчалар заиф ва нотавонлигимни ҳис қилдимми, этим жунжикиб кетди. Сени сўроқлаб борадиган на бир уйим, на бир кўчам қолган эди...

...Учинчи кун деганда қорангни кўрсатдинг. Мен унда пилиги тугаган шамдек ўчиб борардим. Сени кўрдиму, дунёга қайта келдим. Эҳ, болажоним, овқат, емиш деймизу унга туз маза киритишини ўйламаймиз. Ҳаёт, турмуш, яшаш деймизу тузи бола, фарзанд эканлигини кўпам ўйлаб кўрмаймиз.

Сен келасолиб ўзингни бағримга отдинг. Юз-кўзларимдан шундоқ ютоқиб ўпдингки, гўё мен сени йўқотиб эмас, сен мени йўқотиб топиб олгандек. Гўдаклигингда шунақа одатинг бор эди. Қаттандир келиб қолардингда юз-кўзларимдан чўлп-чўлп ўпиб, яна шаталоқ отганча кўчага чопардинг.

Энди билсам сен туғилганингдан бери биринчи марта шунча кун узоқлаб кетибсан. Сен яна нима деб бағримни нурларга тўлдирдинг азаматим ўшанда: «Ойижон, мени кечиринг, эшитяпсизми, мени кечиринг, кечирасиз-а? Энди ҳаммаси сиз айтгандақа бўлади». «Энди дейишингдан билдимки, отанг билан ораларингдан нимадир ўтган. Бу ҳанузгача менга қоронғи...

Мен боягина аламдан бутун дунёга сиғмаган бўлсам, энди севинчдан шу дунёга сиғмаётган эдим. Шунда ўтган уч кун ўчмас из қолдирганини сездим. Буни аввало сен пайқадинг. Менга ғалати тикилдинг-да:

— Ойи, сочларингиз нега оқарди? — дединг...

Ҳа, ўша уч кун ичида мен нари бориб-бери келдим, сен бўлса бамисоли қайта туғилдинг.

Бу ўтган воқеаларни зинҳор-базинҳор отангдан совигин деб ёзмаяпман, ўғлим. Бундай ниятдан узоқдаман лочиним. Езганларим ҳаётга эндигина кириб келаётган сендек бир йигитга чорраҳа чироқларидек йўл кўрсатармикан деган умиддаман, йўловчи болам. Чорраҳаларда кўргансан-ку, бири — «кўзингга қарагин» дейди, бири — тўхтатиб туради, яна бири — энди юравер, йўл сеники» дейди?! Ўша чироқларни айтяпман, ўғлим...

www.ziyouz.com kutubxonasi

8.

Шундай қилиб бари мен айтганча бўлди. «Тўққиз, ўнни давом эттирасан» дедим. «Ҳа» дединг қатъий қилиб. Ўшанда мен сен танлаган йўлга қарши туриб бекор қилган эканман. Буни кейинчалик билиб қолдим. Аммо билгунимча орадан қанча гаплар бўлиб ўтдия!.. Сен бехабарсан улардан... Соддалигимдан кулма ўғлим. Ҳаётда не-не турли — туман тоифа одамлар борлигини билиб қўйсанг бас. Сен ўқишни давом эттиришга қарор қилганингдан сўнг бўйин эгиб мактабга бордим. Қароримизни эшитиб, завучнинг фиғони фалакка чиқди:

— Нима, мактаб каптархонами? Бўлмайди! Биздаям тартиб, қоида бор. Болангиз мактабдан чиқарилган, ҳужжатлари ўзи айтган билим юртига жўнатиб юборилган. Тағин, биз ўғлингизни ҳаммага намуна қилиб кўрсатиб юрибмиза, сиз бўлсангиз...

Ҳа, кирар эшигингни тақа-тақ ёпган экансан, ўғлим. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, чиқиб кетаётсам таниш фаррош хотинни учратиб қолдим. Шўрлик ҳасратимга қулоқ солиб турди-да:

— Э-э, айланай битмайдиган иш бораканми бу дунёда, магазинда ишлайсизку,— деди.

Хўш, магазинда ишласам нима, дегандек унга қарадим.

— Қанақадир бир матохни завучимиз магазин у ёқда турсин чайқовданам тополмаяпти. Бўладиган тўйи ўшанга қараб қопти. Қизи ўша бўлмаса эрга тегмайман деётганмиш, айланай, кўрдингизми, ҳозирги ёшларни. Биров немисларнинг юртига кетаётган экан азза-база заказ қиворди. Ўшани топиб келинг олам гулистон. Бу ёғини десангиз, директорни ишдан олишди, ўргилий завучнинг ўзи директор бўлиб қолади деган гаплар юрибди.

— Тополмаётган матохи нимайкан? — ҳайрон бўлиб сўрадим.

Чойшаби етишмас эман, чойшаби. Қуриб кетгур бўйрадеккина нарсани минг сўмгаям тополмади!

Ўша чойшаб менда бор эди. ГДРга тажриба алмашишга борганда синглингга деб олиб келган чойшаб. Ҳа, шу чойшабни мен ўзимизнинг пулга уч юз сўмга олган эдим. Битта қизнинг бахти шу арзимаган нарсага қараб қолган бўлса берақолай деган ўй кўнглимдан кечди. Қизимга деб аталган нарсани бергим келмай иккиландим ҳам. Ундоқ десам бу ёқда сенинг ўқишинг кўндаланг бўлиб турибди. Хўп, майли бердим ҳам дейлик. Порахўр деб қувиб чиқарса ким деган одам бўламан? Совет педагогини ким деб ўйлаяпсан десачи? Таваккал қилдим.

Завуч қўлтиғимдаги нарсани кўриши билан ғалати бўлиб, юзига табассум югурди.

— Тўйингиз шунга қараб қолган экан,— деб чойшабни ёзиб юбордим.

— Воййй! — деганча унинг кўзлари қамашиб кетди.

— Немислар юртига борганда олиб келувдим, қизимга атаб, қизим ҳозир учинчи синфда ўқияпти, унгача худо пошшо.

— Ҳай, ҳали бизда ўқийдиган қизингиз ҳам борми? — сўради қувона-қувона.

— Ўғлим бу йил биринчи синфга келади.

— Шундайми, сиз мени энг танг пайтида қўллайсизу, мен қараб турармидим.

Ростини айтсам бировнинг иложсизлигидан фойдаланиш жудаям ноқулай бўларкан. Ўзимча бу ноқулайликдан қутулмоқчи бўлдим.

— Қўша қарисин, эшитдиму сота қолай дедим.

— А? — деди завуч қути ўчиб. Ҳа, албатта пулга оламизда, нархини сал келиштириброқ айтасизда.

— Совет пулига уч юз сўмга олгандим...

— Неччи сўм дединг?

— Уч юз сўм, ўа пули...

У котиба қизни йўқлаб кечаги фаррош хотинни чақириб келишни буюрди. Кейин менга муғомбирона қараб:

— Анча устомон аёл экансиз, одамдан қандоқ ўч олишни биларкансиз. Кеча мен илтимосингизни рад қилгандим, мана бўлмаса, деб бугун менинг ҳожатимни чиқириб турибсиз.

— Бундай деб ўйласангиз олмай қўя қолинг.

— Э нималар деяпсиз,— у ҳандон отиб кулди,— қанийди шундайлардан тез-тез бўлиб турса.

Хонада фаррош хотин пайдо бўлди. У дарров масалага тушунди шекилли, айтмадимми дегандек менга қараб қўйди.

— Ҳалиги коллективнинг тўнасини буларга бериб қўя қолинг, роппа-роса уч юз сўм экан,— деди қошларини чимириб завуч.

Фаррош хотин бир зум ўзини йўқотиб қўйди. Кейин нажот кутгандек менга қаради:

— Эртага ойликда йиғмоқчийдик, уйингизга элтиб берсам нима дейсиз, айланай?

— Узр,— деди завуч,— яқинда бир танишимиз ГДРга кетаётган экан, бор пулни қоқиштириб бериб юборувдим.

— Ҳай,— деди фаррош хотин қувониб,— ўша олиб келадигани ўрнига-ўрин бўла қолсин. Сиҳам куймайди, кабоб ҳам.

Завуч елкасини қисиб, менга қаради. Ҳозиргина сотаман деб турган одам «майли» деб юборибман. Эҳ, шу ерда бир умр ўзимга наша қилиб юрадиган бир иш қилиб қўйдимда болажоним. Одам қанчалик этиқодли бўлмасин тойиб кетиши ҳеч гап эмас экан! Ўзи бу хайрли ишнинг бошланиши нобоп эди.

Ҳаёт деганлари шунақа ўғлим, биз унинг бағрида ҳоҳлаган мақомимизга ўйнаймиз. Ўзимиз қўйган тузоққа ўзимиз илиниб ҳаётга тўнкаб юраверамиз. Ҳаёт нима, ўғлим. У бамисоли дарё. Балиқ сузолмаса, ўзини-ўзи ҳимоя қилолмаса дарё айбдор эмаску?

Ҳа, кейин нима бўлди, дейсанми? Завуч елкамдан қучиб, ҳудди эгачи сингилдек кузатиб қўя бошлади. «Хотиржам бўлинг, мен шўттайканман уччала болангизга ўзим кўз-қулоқ бўлиб юраман. Ўғлингизни ҳужжатларини училишидан ўзим олдиртираман. Медалга битиради мана кўрасиз!..

Биламан ўғлим, хатимни ўқиб ўзингча ғижиняпсан. Айтдим-ку онангнинг соддалигидан кулмагин деб. Ахир сентябрга довир фикринг ўзгариб қолишини мен қаттан билай. Кундузи ишлаб, кечаси ўқийдиган ишга кирдингу, чойшаб ҳам сув бўлди-кетди, на ўрин бўлди, на пули. Бошида сени тушунмаганимни айтдимку...

9.

Болажоним, хатларим кейинги ойларда анча камайдида-а? Тўйнинг тараддудида юрибман ўғлим. Шу десанг саруполар ҳар куни бир қўлдан ўтади. Биламан, сен мендақа узундан-узоқ хат ёзмайсан, ёзолмайсан ҳам. Ахир сен жанг қиляпсан. Хизматингни ўз юртимизда ўтаб юрган пайтларингда узун-узун хатлар ёзардинг. Мен ўқиб тўймасдим. Хатларинг ўртоқларим орасида қўлма-қўл бўларди. Айниқса ҳалиги командирнинг билан ўрталарингда бўлиб ўтган жанжалли воқеа ҳақидаги хатчи? Кейин Афғонистондан ёзган анови хатингчи? Гапнинг рости, ўша хатларингдан кейин ўғлим кап-катта дардлашадиган, йигит бўп қопти деб шундай қувондимки! Биринчи хатингни эсласам этим жимирлаб кетади. Қарая, сенларни ҳарбий машқ қилдириш ўрнига уч ой совхозда ишлатиб, топган пулларингдан айшу-ишрат қилишибдия. Ҳарбийда ҳам шунақа одамлар бўларкан-да. Яхшиям, инсофлилар бор... Юқоридагилар текширгани келганда командиринг оёғи куйган товуқдек типирчилаб қопти. Яна бу жанжал партия аъзолигига ўтишингга тўғри келиб қолганини қара. Командиринг сендан бошқаларнинг барини қўлга опти. «Совхозда ишламадик, ҳарбий машқ қилдик» дейдиган қипти.

— Оғир аҳволга тушиб қолдим сержант,— дебди командиринг сени чақириб.

— Эшитаман, ўртоқ майор,— дебсан.

— Биз уч ой мобайнида совхозда ишламадик, ҳарбий машқ ўтказдик, тушунарлими? — дебди у.

— Тушунмадим, ўртоқ майор,— дебсан сен.

— Тушунгин-да, ахир! — дебди у.

— Битта мен тушунганим билан,.. бошқалар-чи,— дебсан.

— Э, улар нимаю, мол нима, ҳамма гап сенда қолди энди,— дебди у.

— Мен ҳам ўша сиз айтган моллар қаторига қўшилайми? — деб сўрабсан.

— Гапни қисқа қил сержант, мана КПСС номзодлигига тавсияномам.

— Тушунмадим, ўртоқ майор, партияга молларни қабул қилишадими? — дебсан-а, ўғлим.

Хатингни сўзма-сўз ёд олганимга ишондингми, ўғлим? Афғонистондан ёзган бир хатингни ҳам сира унитолмайман. Анови сенга аср тушиб қаймоқлашиб қолган афғонистонлик ўзбек, Йўлдошчи ўшани айтяпман, Қара-я соқчиликда турганингда ўзи келиб таслим бўптия. «Ҳай йигит мусулмон боласимисан» — деб сўрабди ҳарсанг панасига яшириниб. «Ҳа» дебсан сен ҳушёр тортиб. «Бундай сўровга ундай жавоб бермайдилар» дебди у. «Қандай жавоб берадилар» — сўрабсан сен, ўша томонга қуролингни тўғрилаб. «Ҳей, бола, феълинг айнимасин, отганимда сени алақачон отиб қўярдим» депти у. «Мусулмонмисан?» «Ҳа» дебсан яна жаҳил билан, «ўзбекман». «Яна ҳа дейсан-а, алҳамдулиллоҳ мусулмонман дейишинг керак, жиян! Тўғри, ўғлим биз ҳам бунақа гапларни болалигимизда эшитардик. Аммо бу гап мендан сенга ўтмаган эди. «Гап шу,— депти у,— асир тушмоқчиман, отмайсанми?» «Бизда асирларни отмайдилар, айниқса ўз хоҳиши билан ўтганларни». Шу пайт каттакон ҳарсанг ортидан тиш-тирноғигача қуролланган, девсифат одам чиқиб келибди. У қурол-аслаҳаларини оёғинг остига ташлабди. «Энди олиб бор, олиб боргандаям мусулмон бошлиқларинг ёнига бошла» дебди. Сен постни ташлаб кетолмаслигингни, кейин постда турганда гаплашиш мумкин эмаслигини айтибсан. У анчагача индамай ер чизиб ўтирибди. Кейин яна сени гапга сола бошлабди. «Қаттансан»? — «Тошкентдан». «Мени отанам Фарғонадан». «Ҳей, сен ҳеч одам отдингми, мен ҳечам отолмадим. Олдин қўлимга қурол бериб Савр инқилобини ҳимоя қил дейишди. Тепкини босолмадим. Тўғридан тўғри у ёққа ўтиб кетдим. У ёқдагилар бўлса, бу ёққа ташлашди «дину исломни ҳимоя қил» деб. Мана, кўриб турибсан. Қуролимдаги ўқлар садоғидан чиққани йўқ, бус-бутун. Ахир мен қандоқ қилиб одам ўлдирай. Бир бечора пўстиндўз бўлсам»...

Бир маҳал асиринг ўрнидан туриб сойликка туша бошлабди. «Ҳа, қаёққа» дебсан ҳайрон бўлиб? «Таҳорат олиб, пешинни ўқиб олай». Шу пайт командиринг қоровулларини алмаштиришга келиб қолибди. Ҳалиги бечоранинг номозиниям ўқитмай керак жойга ҳайдаб кетибди. У бўлса нуқул сенга «тушунтирасан-а», «отишмайди-а», дермиш...

10.

Болажоним омонмисан? Отишмалар тўхтаганини эшитиб юрагим ёришди. Ишқилиб, инсоф бергани рост бўлсин... Кеча қизиқ бўлди дегин. Назаримда сенга муносиб қиз топгандекман. Ким экан, дейсанми? Ошиқма, ўғлим, бир бошидан айтиб бераман. Ишга бормайдиган куним эди. Кечроқ ётиб, ухлаб қопман. Шу катта тоғангни қизи тушмагур кўзга жудаям яқин бўлган-да!.. Ҳар кўрганда кўнглим бир суст кетарди дегин. Бироқ бир ҳовлида катта бўлишиб, қандоқ бўларкин деган истиҳола бор эди менда. Шу десанг Гулигинам саҳармардонда менга сумалак кўтариб кепти-да!..

— Войй, аммажон, ҳалиям ухлаб ётибсизми? Биз бўлсак бугун биттаям ухламадик. Сумалак пиширириб чиқдик. Роса ўйнадик, ҳовлимиз тўй бўб кетди. Нимага бормадиз-а, деб теппамда чулдираб турибди. Эсингдами, ўғлим, чопқиллаб юрадиган пайтларингда икковинг мени талаш-талаш қилардинглар. Бирингқўйиб, иккинчинг ёпишардинг. Ўша пайтларни эслаб Гулигинамни бир бағримга босгим келиб кетди!

— Келақол, уйқудан қолган бўлсанг ёнимда бир зумгина мизғиб ол,— дедим. Бағримга боладек сингиб кетди. Шунда бирдан бир нима чақ қандек сесканиб тушса бўладими.

— Вой ўлай, амма,— деди у бир менга, бир ёстиққа қараб.

— Ҳа,— дедим.

— Нима бу,— деб ёстиққа ишора қилади дегин.

— Э, буми,— деб қотиб-қотиб кулибман,— ўтакамни ёрдингку, дўхтир қизим, бу Шер акангни ёстиғи, ҳарбийга кетганидан бери ғилофини ювмайман, ҳиди кетиб қолади деб. Жоним қизим, шунақа!

— Мени қизим деманг, жиян деяверинг, ўша яхши,— деди нимагадир гинали йўсинда у.

— Балки замонанинг зайли билан қизим бўлиб қоларсан...

— Э,— деди-да бошини кўксимга босиб, елкамдан маҳкам қучоқлаб олди.

— Нима, қизим бўлгинг келмаяптими?

Гули «ярқ» этиб менга қаради-да, бошини ёстиғинга босиб, юз-кўзини беркитиб олди. Ишорамга тушинди, шекилли. Сочларини силаб эркалай бошладим. Гули бўлса ҳиқиллаб, елкаси уча бошлади.

— Сенга нима бўлди, нима гап, йиғлаяпсанми?

— Шер акам билан ҳарбийга кетмасларидан олдин пом чиққан эдик, ҳозиргача поммиз...

Гули ҳам, мен ҳам қўшилишиб, кулдик...

11.

Болажоним, бу гапларни сенга ёзиш, ёзмаслик ҳақида кўп ўйладим. Ахир ҳаётда айтадиган гаплар бўлади, ичингга ютиб кўмирга айлантирадиган гаплар бўлади. Мен кўмирга айлантиришга минг марта розийдим. Бироқ сен фотиҳа ҳақидаги хатимни ўқигач, аданг билан қизиқиб, соғ-саломатмиканлар, бир-икки тушимда кўрдим дебсан. Бу саволингга жавобни қандоқ топдим экан деб тургандим, худонинг ўзи мушкилимизни осон қилди-қўйди.

Ҳалиги, эсингдами, отангнинг ўнг ён қўшнилари бўларди. Ўша қўшнининг келини уч қизидан кейин ўғил кўрган эди. Ўша ўғлига суннат тўйи берадиган бўбти. Сенинг тўйингда унчамунча қаридор қилиб қўйишганди. Ҳижолат бўп юрардим. Ўша қўшни тўйга айтиб кетибди.

Таниш-билишлар кўриб ҳол сўрашди. Эсларидан чиқаришмабти ҳали-ҳануз барака топкурлар. Турмуш қимапсиз, ҳалиям бағримизга келақолинг, эрингизам ичкиликни орқасидан абгор бўлиб, ўтир деса ўтирадиган бўлиб қолган, деб у чекка, бу чеккадан гапира кетишди. Қани энди гапнинг нишоби ўзгара қолса! Қайтага баттар авжига чиқаверди. «Бир нима бўлса отамлаб, болаларингиз кўмадида, айланай».

— Ҳаҳ,— деди тўй эгаси гапни чўрт кесиб,— болалари энди кўзингизга кўриниб қолдими, бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

тийини куйдимикан у сўхтаси совуқнинг. Боланинг азобини ким тортса, роҳатиниям ўша кўради. Кўмишмиш-а?!

Вой, болажонимей, бу хотинлар бунча фаросатсиз бўлишмаса. Шу гапларсиз тўлиб турган юрагимни бунча сиқишмаса. Наҳотки қўлларидаги гап савағичларининг учи менга тегаётганини билишмаса. Ахир минг қилсаям у сенларни отанг, этни тирноқдан ажратиб бўлмайдику. Ўзларича мени кўкка кўтарганларими, бу!..

— Сизларга айтсам,— деди тўй эгаси, гапнинг каттаси бу ёқда дегандек томоқ қириб.— Сизларга айтсам у аллақачон одамгарчиликдан чиқиб бўлган. Мен камқонлик касалига йўлиқдим. Донор излаб қолдик. Девор дармиён қўшни, бир ўзи туради деб бир қошиқ иссиғимни аямасдим. У бўлса қонини пулга сотдия. Вой, алҳазар!..

Бор гап шу ўғлим, сендан яшириб нимаям қилардим. Бу сабил қолгур ароқ иродаси бўшларни мана шунақа қилиб тугатар экан-да!..

12.

Болажоним, қаттанам қўшнимизни тўйига бордим. Қаттанам отангни сўраб-суриштираман дедим. Дастурхонини тузатиб Сабохатдан бериб-юбора қолсам бўлмасмиди. Мана энди отангнинг аҳволини эшитиб унгаям куйиб ўтирибман. Наҳотки бир кори ҳол юз берса уни кўмадиган одам топилмаса. У дунёга нимага келди-ю, нима деб кетади? Қайси гуноҳларига шу куйга тушди у? Бизни хўрлагани учунми? Агарда шунинг учун бўлса, биз ундан бу тахлит ўч олмаймиз, ўғлим. У меҳир-оқибат кўрсатмади, биз ҳам кўрсатмаймиз дейишимиз инсофдан эмас. Агар ҳамма шундай қилаверса одамзодга аллақачон қирон келган бўларди. Охиратни унутиб қўйиш одамни не куйларга солишини ўша тўй кечаси ўйлаб кетдим. Қайнотам раҳматлик жудаям ҳокисор одам эди. Бир кафт тупроқдан ўн кафт насиба териб оларди. Доимо яктагининг елкаси тердан қотиб, кафти қавариб юраради. Иккала ўғлини ёнига олиб шувола бўйинларини ишга эгишга тиришардики, қани эди улар бундоқ эгилса. Дам олиш кунларининг бирида отангни жаврай-жаврай балиқ овидан олиб қолдим. Қулупнайни ўт босиб кетган эди.

— Ҳў-ўп, бобой,— деди отанг бугун балиқ овиям сабил қолди дегандек оғриниб,— қўлни бир қадоқ қилиш керак бўлса, қиламиз-да. Локин жазирамада ишлашнинг ўзи бўлмайди. Пивоси қургур терлаб турганда жа кетадида! Озроқ деҳқончиликдан чўзасизда энди.

— Шунчалик дедингми, шунисигаям шукур, инсоф бергани рост бўлсин, деб қўйнидан беш сўм чиқардилар, қайнотам.

Амакинг иккита шиша идишни олиб кўчага зинғиллади. Қани энди отанг ишга туша қолса. У ёққа шип-шип ўтади, бу ёққа шип-шип ўтади. Бир маҳал пивоям келди. Иш қаёқда, ака-ука қоқ балиқни ўртага қўйиб сен ич-мен ичга тушиб кетишди. Қайнотам шўрлик битта кетмон уради, тўрт букилади. Чидаб туролмадим, ўғлим.

— Инсоф борми ўзи сенларда, одам боласимисанлар,— деб «сан»-«сан»лаб юборибман.

— Кир, уйга, ота бизники, сенга нима, ё отамга текканмисан,— деб ўшқирди отанг.

Қайнотамнинг ҳам сабр косаси тўлиб турган эканми, кетмонни отиб урдиларда, шаҳд келиб столни пиво-мивоси билан ағдариб юбордилар. Қутурган ўғиллари отага ташланиб қолишса бўладими. Дод деб қўшниларни бошимга тўпладим. Отани бу нотавон ўғиллар панжасидан зўрға қутқариб олишди.

— Айиб ўзимда,— деб хўнг-хўнг йиғларди қайнотам шўрлик.— Ўз қўлим билан ҳаром нарсага пул бердим, шунга яраша худо мени жазолади. Бечора, шундаям ўзини гуноҳкор деб билдия!..

13

Болам, сенку, ҳар тугил отангга жон тортиб турасан, синглингчи, укангчи? Эсларигаям келмайди, уларнинг. Синглинг бугун-эрта ёруғ жаҳонни кўрай деб турганда бир хунук иш бўлган, ўғлим. Ўшандаям қайнотамга жоним ачиб, тилимга келиб қолган гапни қайтара олмаган эдим. «Кекса одамни нимага аямайсиз, эртага ўз болангиздан ўн чандон, юз чандон бўлиб қайтади» деганимни биламан, юзимга тарсаки тортиб юборса бўладими?.. Эртасига юзимни кўкартириб, туғуруқхонага кетибман. Шу боламни қиз бўлишини шунчалар орзу қилгандимки, асти қўяверасан!.. Қиз бола онага яқинроқ, дардкашроқ бўлади-да. Ўшанда биласанми, ўғлим, тарсаки тушган юзимни худди отангнинг қўлини силагандек силабман. Нима қилгандаям, у қизимнинг отасику. Қўл кўтаришга мажбур қилганим учун кечирим сўрашга ҳам тайёр эдим.

Бироқ отангдан дарак йўқ эди. На икки энлик хат, на бир даста гул, дегандек. Жим-жит. Уйга олиб кетишга тараддудланиб бувинг келиб қолдилар. Отангдан бўлса дарак йўқ...

Бир маҳал отанг кўчадан гандираклаб кириб келди. Ўн кунча аввал тарсаки тушган юзим қайта ловуллагандек бўлди.

Ўша кундан бошлаб бефарқ бўлдим-қолдим. Ҳа, музладим, ўғлим, музладим. Отанг ўшанда бира тўла ҳамма нарсага — ўзига, менга, сенларга тарсаки тортиб юборган экан-да...

Мен бир нарсага ҳайрон эдим. Синглинг эсини таний бошладиямки, отангга талпинмасди. Гўё ўша тарсаки менинг эмас, синглингнинг юзига тушгандек!.. Аслидаям шундай бўлсачи? Ахир она билан бола битта тана-ку. Сутдан ўтмайди дейсанми, қондан ўтмайди дейсанми?!

14

Раҳмат, ўғлим, Гули билан ярашибсан, открытка жўнатибсан. Бошим кўкка етди. Аввал Гулига открытканг келганидан ҳабарим йўқ эди. Бироқ Гулиси тушмагур, ўзини алланечук тортиб юрадиган бўлиб қолди. Келинойингни айтмайсанми, мулозаматга ўтиб қопти... Сен юборган открыткани кўрдим. Топган открыткангни қарая, ям-яшил майса устида никоҳ узуги думалаб боряпти. Бир қарасанг битта, сал қайрихон қилиб қарасанг — иккита бўлиб кўринади. Шу бир парча қоғоз орқали бор гапни мухтасар айтибсан-да, ўғлим!..

— Илоё бахтли бўлишсин,— дедим шоша-пиша.

— Тақдир қилган бўлса, Шер яхши йигит. Ҳозир синаштароқ йигитниям, қизниям топиш қийин. Сизники-меники, меники-сизники, яхши-ёмониям ўзимизники...

15.

Ҳозир соат тунги ўн! Уканг икковимиз ўтирибмиз. Синглим қаёқда дейсанми? Шуни ёзаяпманда сенга, болажоним. Ўтган ҳафта практика ўқитувчиси азза-базза ишхонамга қўнғироқ қипти. Айтишича, билим юртида икки гуруҳ қизлар бор экан. Бир гуруҳи шаҳар марказида яшайдиганлару, иккинчи гуруҳи шаҳар атрофидан қатнайдиганлар. Ҳаммаларини анча муддатга практикага ёзишибди. Иш икки сменалик экан. Шаҳар чеккасидан келадиган қизлар саросимага тушиб қолишибди. Ахир иккинчи сменадагилар уйларига қандоқ етиб боришади? Шунда синглинг шаҳар атрофидан келадиганлар биринчи сменада, шаҳар марказида турадиганлар иккинчи сменада ишласин деган таклифни айтибди. «Ҳозир бир-биримизни қўлламасак қачон қўллаймиз» депти. Иккинчи сменада ишлашни биз ҳоҳламаймиз деган қизлар бўпти. «Ҳоҳламаётганларни мажбур қиламиз, инсофга чақирамиз» деб бўш келмапти синглинг... Ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетибди. Уқитувчилар томонидан тузилиб, тасдиқланган рўйхату, тартиблар бекор қилинибди. Янги рўйхат тузилиб, комсомол мажлисида тасдиқланибди. Мана шунга ўқитувчиси фигони фалак бўлиб қўнғироқ қилган экан. Синглинг билан гурурланиб кетдингми, ўғлим? Менам гурурландим. Инсоф деган нарса борда, ахир. Уни оёқ ости қилавериш яхшимас! Ҳай, соат ўн бир бўлиб қопти, синглингдин ҳалигача дарак йўқ. Мен қарайчи...

16

Болам бошлаб қўйган хатимни ўн кундан кейин давом эттиряпман. Кўп кўнгилсиёҳликлар бўлиб ўтди, сирдошим. Эй, бу дунё тушуниб бўлмайдиган сир экан. Менга қолса бўтана сув дердим. Кўзга кўринмас қат-қат девор десаям бўлади. Қанийди, қайси муюлишда сени нима кутиб турганини билсанг!.. Аввалги хатни ёзган куни синглингдан хавотир олиб ҳовлига тушдим. Ҳамма ёқ ёп-ёруғ, чироқлар чарақлаб турарди. Фақат иккита тўққиз қаватли бинонинг оралиғидаги йўлаккина қоронғироқ эди. Синглинг шу томондан юргувчийди. Беихтиёр ўша ёққа юра бошладим. Юрагим бежо уриб, қадамларим ўзидан-ўзи тезлашаверди. Шу пайт биров менга қараб югуриб келаётгандек бўлаверди. Оҳ, онаизорнинг сезгиси қаршисида ҳамма сезги аппаратларим ип эшолмаса керак. Бўғизимдан «Сабоҳат!» деган ҳайқириқ қандай отилиб чиққанини билмайман. «Ойи-жо-оон!» Ҳа, ҳа Сабоҳатим, ёлғизгинам, ҳудди ўзи Менга етай деганда қанотларини ёзиб йиқилиб тушди. Жон ҳолатда бағримга олдим. Вижуди ўқ еган қушчадек қалтирайди. Йиғлайди, овози чиқмайди. Тили айланмайди. Бир маҳал, «Шер акам у ёқда, Шер акам деб, қоронғиликни кўрсатса бўладими. А, дедиму, Сабоҳатни бағримдан қўйиб, ўша томон интилдим. Чироқнинг ола-чалпак нурида бирнимага туртиниб кетдим. Қарасам, биров ҳарбий кийимда юз тубан ётибди. Уни шундоқ бағримга олдиму, Шер! деб нола чекканимни биламан, у ёғи ёдимда йўқ.

Ўша куни синглинг ёмон болалар қуршовига тушиб қобди. Йўловчилар ўтиб-кетиб турганмиш яна. Безориларнинг бири пичоқ ўхталиб, бошқалари гапга солган бўлиб, тақинчоқларини ечиб олишибди. Шу пайт харбийдан отпускага келаётган йигит шу тўдага адрес сўрайман деб яқинлашадими? Ахир ота-оналари яқиндагина уйлари бузилиб шу ёққа кўчиб ўтишган эканда, бизга ўхшаб. Синглинг ҳарбий болани кўриши билан «Шер ака» деб бақириб юборибди. Икки ўртада ола-тасир олишув бошланибди.

Қарая, иккита тўққиз қаватли бинодан биров «ҳай» деб чиқмаптия. Яна ур-йиқит шундоққина ўша жангчи боланинг уйи рўпарасида бўлаётганига нима дейсиз? Йигитнинг ота-онаси биринчи қаватда тураркан. Телевизорга андармон бўле-еб ўтиришган экан. Ахир бу бинодагилар яқиндагина Қоратош, Чақар томондаги маҳаллалардан кўчиб ўтишган. Бу маҳаллаларга йўлтўсарлар у ёқда турсин, сал бежо қадам ташлайдиган одамнинг ўзи оралай олмасди. Одамлари шунақа салобатли, шунақа сиёсатли қадим маҳалланинг одамлари эди. Нима, кўп қаватли уйлар одамларни шунақа тил жағсиз парвойи фалак қилиб қўядими? Е маданий уйларга кўчиб ўтдик, бўлар-бўлмасга аралашавериш маданиятсизлик деб ўйлашармикан? Тўққиз қаватли биргина бинонинг ўзида бутун бошли маҳалла яшайдия. Одамлар бир ерга жам бўлса меҳр-оқибат ортиши ўрнига, акси бўларкан-да! Е бетон уйлар одамларниям ўзидек музга айлантириб қўярмикан?!

Шундай қилиб ўша йигит билан битта касалхонага тушиб қолдик, ўғлим. Икки жойидан пичоқлашибди яшшамагурлар! Кун иссиқлиги учунми йигит дардни оғир кўтарди. Тинимсиз қон қуйишарди. Қариндош уруғимиз билан қон бериб турибмиз. Ҳар куни толиққанимча тепасида ўтираман. Аммо ота-онаси ғалатироқ одамлар эканми, тушунолмадим. Нуқул биздан кўради дегин... Кеча йигит хиёл ўзига келди. Оғзидан чиққан гап шу бўлди: «Қиз қани?» Бугун Сабоҳатни олиб бордим. У синглингга тикилиб турди-да, юзлари бирдан ёришиб кетди. Бу йигитнинг соғмисан, омонмисан, ҳимоя қилиш қўлимдан кела олдими, дегани эди шекилли. Синглинг ҳам «тузукмисиз» деди-да, уялганидан лов-лов ёниб, нима қилишини билмай туриб қолди. Йигит бирдан кўзини юмиб олди. Қўрқиб кетдим, худди йигит синглингга илҳақ бўлиб, жон узолмай ётгандек...

Кўрдингми, синглингнинг дугоналарига қилган ушоқдеккина яхшилиги, тоғдек қурбон талаб қилди. У ҳамма қатори биринчи сменада ишлайверганда, кеч қолмасди, ановиларга йўлиқмасди, бу йигит шўрлик ҳам эсон-омон уйига кириб келарди. Ишқилиб йигит яшаб кетсинда.

17.

Шундай қилиб ўғлим, фикри-ёдим жангчи йигитда бўлиб қолди. Дўхтирлар айтишадику, ҳалиги, нимайди ҳах, тилимнинг учида турибди — «кризост». Ўша ҳалиям давом этаяпти-да. Йигит ҳар замон-бир замонда ўзига келади. Яна ўша савол: «қиз қани?» Йигитнинг ота-онаси бўлса, бизни кўраргa кўзи йўқ. Ҳатто «битта мегажинни деб» ...қарғаганини эшитиб эшитмасликка олдим. Ота-онага осон тутиб бўладими? Ахир ўшанда ўзим ҳам йигитни сен деб ўйлаб ўзимдан кетиб қолдимку. Тавба, худди Ҳасан-Ҳусанга ўхшайсизлар-а?

Синглинг ҳам қаттиқ қўрққан. Ҳар қалай ўтиб кетади дейишяпти. Ҳатто анави безориларни дурустроқ исташмади. Учаскавой бўлса синглингдан «кўрсанг танийсанми» деб сўрабди... Йигитнинг соғайишини кутишяпти. Бир-икки шубҳали болалар бор экан — юзлаштиришармиш. Бу гапдан кейин баттар ўтакам ёрилди, дегин. Йигитнинг ётган жойида пайига тушиб қолишмасмикан деб. Мелиса деганлари шунақа бўлиб кетган, гўрингни олдин ўзингга қаздиришади!..

Мендан бемор учун қон олмай қўйишди. Қайтага ўзимга қон қуйиш керакмиш. Аммо лекин дўхтири тушмагурлар битта ноўрин гапни бекор айтишди-да. «Боланинг ҳирсдек-ҳирсдек ота-онаси бор экану, ҳали болам деб бир томчиям қон беришгани йўқ». Йигитга жонимни кўчириб ўтказсангиз ҳам розиман, у менинг беморим, дедим...

18

Болажоним, бугун дунё кўзимга бошқачароқ кўриняпти. Ҳа, ҳа ёруғроқ, ёркинроқ. Йигит кўзини очди, ҳа, ҳа муз кўчди, худо хоҳласа. Буни нимадан билдим дегин. Йигит тушмагур синглингдан «яхши кўрганинг йўқми» деб сўрабди. Синглинг бўлса бу гапга жаҳл қилиб ҳайир-мазурни насия қилиб жўнаб қолибди. Йигит нега даб-дурустдан бундай дедийкин, тушунмадим. Борсам йигитнинг онаси ўғлининг ёнида ўтирган экан, менга бир ғалати қараш қилиб, чиқиб кетди. Йигитнинг юзига қон югурган, мени жилмайибгина қарши олди. Сўрашдим, сеникига ўхшаш жингалак сочларини силаб, сийпаладим. У бўлса, каф-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тимга пешонасини тутиб турдида, алланечук ҳўрсинди.

— Ҳа, Улуғжон, нима бўлди?

У норозидек юзини девор томонга ўгирди-да:

— Қизингизни ҳафа қилиб қўйдим,— деди.

— Ўғлим иккитайди, сиз билан учта бўлди, қизим билан эндн ака-сингилдайсизлар, шундай бўлгач нимага хафа бўларкан, сираям хафа бўлмайди-да.

Бу гапларимдан йигитнинг чеҳрасида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади, қайтага тундлашиб қолди.

— Балки қизингиз ўрнига ўзингиз жавоб берарсиз...

Наҳотки! Нималар деяпти бу йигит? Ғалати бўлиб кетдим. Йигит мендан жавоб кутиб, ҳаяжонланарди, юраги безовта ураётганини шундоқ кўриб турардим. Эҳ, ёшлик! Худди китобларда ёзилгандек бўлиб қолдику, бу ёғи!..

— Қизимнинг сиз ҳимоя қилиб қолган шаънн-ҳурмати айтаманки, Сабоҳат ҳали ҳеч кимга тишининг оқини кўрсатмаган.

Йигит «ярқ» этиб менга қаради. Юзида «ўзим ҳам шундай бўлса керак деб ўйловдим» деган бир ифода, ҳа, мамнуният пайдо бўлган эди. Одамзод бахтиёр дамларида янаям чиройли бўлиб кетади, деганлари рост экан. Улуғжоннинг кўпдан қиртишланмаган қоп-қора соқоллари товлангандек, йилтираб кетди. Кўзларнам алланечук ёнарди. Лаблари биров атайлаб кулдираётгандек ёйилиб-ёйилиб кетарди. Сезиб турардим болажоним, бу ёш кўнгилнинг, илк севгининг мавжланиши эди. Оҳ, билмадим, билолмадим — буни Сабоҳат қандай қабул қиларкин? Бу томони қизиқ бўлдику. Йигитнинг ота-онаси бунга нима деркин? Улар на менга, на синглингга рўйхушлик беришади. «Ҳали бевамисиз» деб юзини ошкора бурган эди бир куни дардлашиб қолганимизда. Мана бўлмаса деб мен беванинг қизини севадими, йигит тушмагур. Бошим қотгандан қотдику ўғлим.

19.

Болажоним, бир ёзувчи ҳаётни гирдобга ўхшатса, ундан хафа бўпман, бунча қаҳри қаттиқ бўлмаса деб. Бу бор гап экан. Сабоҳатнинг ҳақ йўлидаги битта хатти-ҳаракати қанчадан-қанча савдоларни бошимизга солди. Жангчи йигит-Улуғжон оёққа тургунча кўп эмас, оз эмас-қирқ беш кун касалхонада ётди. Унинг хизмат жойига касаллиги, жасорати ҳақидаги ҳужжатларнинг барини ўзим тўғрилаб жўнатдим. Ота-онаси бунақа ишлар билан боламизга жабр етказишга сабаб бўлганлар шуғуллансин дейишди. Мен бу ишларни мингдан-минг рози бўлиб, югуриб-елиб адо этдим. Ахир йигитнинг хизмат жойи, айтувдимми-йўқми, Афғонистонда эди-да!

Йигит уйига чиққач, таомилимизга кўра бош-оёқ сарупо қилиб уйига йўл олдим.

Оҳ, ўғилжоним-а, бормай мен ўлай. Йўлак эшигига борганда оёғим қирқилди. Уйлари биринчи қаватда деган эдим-ку. Йигитнинг онаси бир ўлимдан қолган боласини шундоқ қарғардики, оғзидан чиқаётган гапга илон пўст ташларди... «Ергина юткур, бу кунингдан ўша пичоқ тиғида кета қолсанг бўлмасмиди?» «Темир тобутларда келганинг яхшимасмиди». «Биззи тенгимиз ўшалар бўптими, яхши бўлса бева юрармиди, хотинсирамай ўл!..»

Назаримда йигитнинг онаси мени кўргану, жўртага эшитсин деб атайлаб қарғаётгандек бўлди. Зўрба-зўр судралиб изимга қайтдим, ўғлим. Чидолмадим иситмам чиқиб, ётиб қолдим. Кўзимни юмдим дегунча Улуғжон кўз олдимга келаверади. Вой, соддагина-ей, дарровда онасига ёрилиб нима қилардия!.. Е шу қизга оғиз очиб қўйинг демоқчи бўлдимикан...

Икки кун ишга боролмадим. Учинчи кун деганда йигит уйимизга кириб келди. Ҳарбийча кийиниб олган. Барваста, чиройли. Аммо руҳи сўник, паришон кўринарди. Бошимни кўтаргунча бўлмай, кроватим ёнида пайдо бўлди.

— Етаверинг, қўзғолманг, нима бўлди сизга,— дерди жонсараклик билан. Кафтини пешонамга, юзларимга босди.— Иссиғингиз борку, дори ичдингизми, дўхтир келдими?

— Ҳеч нима қилгани йўқ болажоним, ўзи ҳар замонда шунақа бўп тураман, ўтиб кетади. Ўзингиз туззукмисиз, биз йўқлаб боришнинг ўрнига сиз кепсиз-да.

У алланечук энтикди, бош кийимини олиб тизасига қўйди, сенникидек жингалак сочларини тўғрилаган бўлди. Шунда гилам тепасида осиғлиқ суратингга кўзи тушдию, ҳайратдан қотиб қолди.

— Менинг суратимми?

Бир ширин қилиб кулди Улуғжон! Юзининг бир томонида билинар-билинмас кулгичи бор экан, бирам чиройли!..

— Бир-бирингизга ўхшайсизларда, Сабоҳат бекорга Шер ака деб дод солмаган-да,— дедим.

Естиғимнинг тагидаги хатларингдан бирини бердим. Адресингга қараб «биздан анча олисда экан» деди. «Улар турган жойда душман йўқ» деди. Орага жимлик чўкди. Кейин йигит арзи бордек бир алпозда, узр сўрайдиган бир аҳволда менга қаради.

— Кетяпман.

— Бунчалик шошилинч?

— Энди бориш керак. Йигит яна хижолатлик билан ерга қаради. Нима, йигит кеча уйларига бориб, кирмай келганимни бировдан эшитдимикан. Шунга эзиляптимикан? Онанинг бу қарғишлари ҳар қандай одамни ҳам диндан чиқариши турган гап. Бечорагина севгида шошиб қолди-да. Онаси «бор айт, қизини сенга асраб ўтирмасин, ўз оғзинг билан айтиб кет» деб жўнатган бўлса-чи!.. Шундай бўлган, шунинг учун ҳам оғиз жуфтлай олмаяпти.

— Мен, мен сизга,— дедию, йигит сўзлари оғзидан тўкилиб, ўйланиб қолди.

— Биламан, нима демоқчилигингизни Улуғжон,— дедим жилмайишга тиришиб, уни ўша сўзни айтиш ташвишидан қутқармоқчи бўлдим.

— Сабоҳат ҳали гўдак, севги деган гапларни тушунмайди, у жудаям хом. Ҳали ман-ман деган қизларни учратасиз ҳаётда. Балки ота-онангизнинг кўз остига олиб қўйганлари бордир. Ҳа бор, борлиги аниқ. Мана мен ҳам Шеримга битта қизни аллақачон топиб қўйганман. Қолаверса, ота-она рози — худо рози,— дедим.

Йигит менга анграйганча қараб қолди. Худди унинг елкасига биров пичоқ тираб турардию, додлашдан кўра чидашни афзал кўрарди.

— Сиз, сиз мени аябсиз-да бундан чиқди, йўқ аяб туриб алдабсиз-да. Тузалгунча хўп, хўп, ундан кейин орқасига теп бўптида бу ёғи.

Вой, топган гапини. Мен нима деб, нима қилиб қўйганимни тушунмай довдираб қолдим. Азои бадаимдан қора тер чиқиб, бир зумгина кўзимни юмиб-очдим шекилли. Кўзимни очсам, Улуғжон йўқ. Улуғ-жо-о-он!, Улу-у-уғ... Овоз бермади. Жон — жаҳдим билан туртиниб-суртиниб осма айвонга чиқдим. У аллақачон пастда, бутун аламларини оёғидан олаётгандек ер тепиниб борарди.

— Улуғ-жо-о-он! Қани, овозим чиқса. У муюлишга ўтиб, кўздан йўқолди. Нима қилиб қўйдим?!. Онасидан қарғиш эшитаётганда қарғишнинг сабабчисига суяниб, чидаб турган эди. Мен ўша суянчиқни кўр-кўрона, қаёқдаги шубҳаларга берилиб олиб ташладимку! Худди томга етай деганда оёғи тагида турган нарвонни тортиб юбордимку!

Хат ёзаман, кечирим сўрайман, бола бечора мендан бошқа гап кутган экану. Айтмайманми, хизматни ўтаб келинг, битта қизим эмас ўнтаси бўлсаям сиздан айлансин, деб. Мени бу чалкаш кўчага ўша куни эшитган қарғишларим олиб кириб қўйганинни ҳам ёзаман. Ана шунда тушунади Улуғжон.

20.

Шундай қилдим ўғлим. Улуғжонга хат устига хат ёздим. Сабоҳатгаям ёздирдим. Қизим тушмагур атрофимда гирдикапалак бўлаётувдия, ҳалоскорингга хат ёз дейишим билан, столга ўтириб ёза кетди. Сабоҳатнинг ҳам юрагида нимадир уйғонган экан-да. Кейинги кунларда совчиларни ёқтирмай бошлаганидан ҳам сезиб юрардим. Гулини уйга олиб келиб олайлик-а, ўғлим.

Шу десанг кеча қизиқ бўлди. Ишдан келсам синглинг билан Гули чақчақлашиб ўтирибди. «Кетаман»лаб қолди. Ишга бизникидан борасан деб, олиб қолдим. Овқатдан кейин иккови қанақадир бир журналдан ўзларига бичим излаб ўтиришди. Шу пайт мен ҳам сандиқни очиб саруполарни кўтариб қолдимку! Чулдирашиб тепамга келишди. Тўрт кийимлик матони олдим-да стол устига ташладим. «Вой-вой» дейишиб кийимлик устида парвона бўп қолишди. Ўша пайтди Гулгинам менга келин бўлишни унутиб қўйдиёв!..

— Аммажон, кимга булар, бунча чиройлик,— деб қолди.

— Сенга жоним, икковингизга, ҳозир журналдан танлаган кўйлакларингни тиктиринглар, илоя келинликка буюрсин,— деганимни биламан, бўйнимдан маҳкам қучоқлаб олибдию, қани қўйворса. Ҳай, бу аҳволда тўйгача қайнонангни ўлдириб қўясан, бўлди, нафасим қайтиб кетди, дейман кулиб. Алла-паллагача гаплашиб ўтирдик. Илоя ёруғ кунлар келақолсинеи, болагинам!..

21.

Болажоним, мени кечир, яна бир неча кун қўлимга қалам ололмадим. Ололмас эдим ҳам. Одамнинг зуваласи нимадан ясалган экан ўзи? Жони бунча қаттиқ бўлмаса? Бу тонна-тонна зарбаларга тариқдек тирқираб кетмаганига ҳайрон қоламан. Ҳа ўғлим, қиёмат қўпти, қиёмат!

Мен касалхонага қатнаб юрганимда Улуғжоннинг қўшниси билан танишиб қолган эдим. Ўша хотин соат учларда ишхонамга кириб келди, дегин. Умрида қадам изи қилмаган хотин, сўраб топиб кепти, ҳайрон бўлдим. Аввалига бирон нарса керак бўлиб қолгандир, шуни сўраса керак, деб ўйладим. У дабдурустдан нима дейди дегин?» Ҳай, айланай анови Афғонга қайтиб кетган бола борку, қизингизни хулиганлардан қутқарган, ўшани ўлиги кепти. Бехабар қолманг тағин, деб айтгани келдим.»

Ичимда бир нима узилгандек бўлди! Кўз олдимни дувва қоронғилик босди. Кўзимни очганимда ишхонамизнинг амбулаторийсида ётардим. Тепамда ҳалиги хотин кўзёш қилиб ўтирибди. Кўзи кўзимга тушиб: «Қандай хотинсиз, етти туғиб бир қолганингизми, онаси куйсин, жодугар онаси. Уша ўлдирди, ўшани қарғиши тегди, жодугар она ниятига етди. Темир тобутларда келсин ўлигинг девди, яхши ният қилса ўлармиди...» «Қўйинг ундай деманг, қайси она боласига ўлим тилайди. Жаҳл чиққанда ақл кетади-да, қарғиш билан одам ўлмайди» дедим. «Қани, тура оласизми, мен кетаверайми, шум хабар келтирмай мен ўлай».

Дийдам қотиб қолган эди. Қани энди кўзимга икки томчи ёш келсаю, оёқ-қўлим бўшашиб, йўлга кирсам. Ҳалиги аёл билан таксига ўтириб Улуғжонларникига жўнадик. То эшиги тагидаги йўлакда турган одамларни кўрмагунча ишонмадим, болам. Нимага ундай бўлди? Улуғжон дунёга келиб нима кўрди? Йигит кишига ўлим йўқ дейишардику. Бу қандоқ адашган ўлим бўлди-а? Биров етмиш, саксонга кирса, биров ўшанинг ярмини, ярминиям яшамаса. Керакмиди бизга ўша афғонларни ҳимоя қилиш?! Қўшнингникига ўт тушса, сеникигаям туташади деганлари шумикан-ё?!.

Оҳ, онанинг фарёди тўққиз қаватли бинолар орасида сарсону — оввора эди. Ҳаҳ, онаизор-а, бундоқ бўлиб қолишини билмагансан-да! Бўлмаса ўғлинг нима деса шунга рози бўлардинг-а? Вой, қарчиғайдек йигит эдия! Унинг гаплари, жонсарак кўзлари! Кечир мени, болажон, олдингда гуноҳкорман. Бахтингга зомин бўлиб қолдимов!.. Ушанда нимага чайналдим мен бахти қаро хотин. Кимни ўйладим? Отанг билан онангними? Ўзингни ўйласам бўлмасмиди?!.

Бориб бир чеккада қотдик. Жасадни ҳали олиб келишмаган экан. Бир маҳал усти очиқ машина келиб тўхтади. Турганлар бесарамжон бўлиб қолишди. Ундан оппоқ темир тобутни базўр кўтариб олишди. Шунда онанинг овози бир зум қумга сингандек ўчдию, кейин яна портлади: у бағрини темир сандиққа босганича фарёд чекарди. Унинг ноласи чор атрофга шундай бир куйдирувчи ўтдек ер бағирлаб ёйилардики, бу ўт тик турганларнинг оёғига илашиб, танасига уриб, юрагига кириб борарди. Эркагу-аёл оҳ деб ўтириб қолди. Она ҳеч қачон болам деб оҳ чекмасин. «Вой, темир қафасга тушган бола-а-аам... Вой темир кафанга лойиқмидинге-е-ей! Вой, хону-моним куйде-е-е-е, қандоқ қиламан, қандоқ чидайма-а-ан, қандоқ чидайман! Вой до-о-о-од! Вой мен ўлсам бўлмасмиди, орқамда қолсанг бўлмасмиди! Вой совуқ юзингга зор қилдинг болам. Буни очинглар одамлар, буни очинглар. Совуқ юзини кўриб қолай. Очинглар, очингла-а-ар!!!» Онанинг оҳ-зорларига темир тобут эриб кетмаганига ҳайронман! Ўлим олдида одамзод доимо ожиз. Ўлим бу тубсиз жарлик, ўғлим. Унга қараб қанча оҳ чекма, қанча ялиниб-ёлворма овозингни ютаверади, ютаверади. Жавоб бермайди. Шундай қилиб яна битта армон юрагимга кўмилди, паҳлавоним. Улуғжоннинг руҳи ҳурмати менам, синглинг ҳам кўк кийдик, кўк...

Хотима

Азиз ўқувчим, мени кечиринг. Кўпгина хатларни сизга баён қилолмадим. Хатлар муаллифи — онаизор розилик бермади. Қолаверса, ҳа, қолаверса... айтишга — тилим, ёзишга — қўлим бормайди... Бу муштипар онанинг ўзи айтгандек пешонаси шўр экан! Ҳали устидан кўк тушмай, Улуғжоннинг қабри совимай унинг ёнига Шернинг қабри сафрост бўлди!.. Шум тақдир лоақал сенгинага тикилмаса бўлмасмиди, онаизор! Шу қадар шафқатсизлик!.. кечир, сенинг иродангга қарши бориб тақдирни айблаяпман. Тақдирдан кўрганларни ёқтирмасдинг. Айбдори ўзимиз, ўзимиз дердинг куйиб-ёниб. Сен юз карра ҳақсан, Она! Минглаб Улуғжонларни, минглаб Шерларни ўлдирган ўзимиз. Минглаб оналарга кўк кийдирган, минглаб Сабоҳату, Гулиларнинг илк келинлик либосидан бенасиб қилганлар мана шу жаллод қўлларимиз!.. Кел, Она сенга тоғдек бардош тилайлик, ўзимизга эса зиғирча бўлсаям инсоф, сўрайлик, инсоф!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЎЛҒУСИ ЖУРНАЛИСТ: ЭРТАНИНГ ОВОЗИМИЗ!

Маълумингизким, «Еш куч»нинг шу йилги 1-сонида эълон қилинган шу сарлавҳадаги талабалар гурунги муштарийларимиз томонидан қизғин муҳокамага сабаб бўлди. Турли мунозаралар журналнинг бир неча сонида эълон қилинди. ТошДУ журналистика факультети мисолида бошланган суҳбат умуман олий ўқув юртларида ўқиш ва ўқитиш муаммоларига доир баҳсларга айланмоқда. Демак, муҳокама давом этади...

Қайта қуриш зарур

Бўлғуси журналистларнинг гурунгини ўқидиму ҳайрон қолдим. Наҳотки, кўпчилик ўқишни орзу қилиб юрадиган дорилфунунда аҳвол шундай бўлса, деб ўйланиб қолдим. Мен ўзимча университетни бошқача тасаввур қилардим. Тўрт йиллик умрига ачинаётган Жаббор Эшонқуловнинг сўзларини ўқиб, кўзларимга ишонмайман.

Ўрта мактабни муваффақиятли тугатгач, 1988 йили ТошДУнинг журналистика факультетига ҳужжат топширдим. Ижодий конкурсдан ҳам ўтдим. Ҳали имтиҳонлар бошланғани йўғу, навбат кутишдан, югур-югурдан чарчаб бўлдим. Ҳужжат топшириш бир машмаша бўлса, ижодий конкурсга кириб чиқиш ундан ҳам ўтиб тушади.

Оғзаки имтиҳонда эса ўқитувчи — имтиҳон олувчининг лоқайдлиги сизни қийнайди. Баъзан абитуриентнинг бераётган жавобини эътибор билан тингламайди. Бир гапни такрорлаяптими, бир бошидан тартиб билан гапиряптими, ишқилиб тўхтаб қолмаса бўлгани.

Имтиҳонларни ҳам топширдим. Афсус, тўпларган балим етмади, мандатдан қайтдим. Ҳозирги янгиланиш даврида олий ўқув билим юртларидаги қабул комиссиялари ҳам ишларини қайта қуриб олишлари зарур деб ўйлайман.

Дилфуза ЖАРБЕКОВА,
Сирдарё область Ильич райони.

Мен қандоқ қилай?

Камина ҳам икки йилдирки, журналистика факультети дарвозасидан кўнгилга қандай умидлар тугиб борган бўлсам, худди ўшандай ноумид чиққанлардан ҳисобланади. Биринчи йил-ку, ўзимдан ўтди — ёзма ишим қониқарсиз баҳоланганди. Иккинчи йили эса, конкурсдан қайтдим. Тушкунликдаги киши мисоли маст одам қиёфасида бўлади. Бошқаларни билмадим-у, лекин менинг деканатга қатнай-қатнай товонларим қавариб кетди. Мени бир нарса ажаблантиради, у ҳам бўлса ижодий конкурс (учта!) нима учун, нима мақсадда ўтказилади?! Абитуриентнинг афт-башараси билан танишиш учунми, ёхуд бўлажак студентнинг ижодий қобилиятини синаш учунми? Икки йил бориб, шу нарсанинг гувоҳи бўлдимки, абитуриент (яъни, бўлажак журналист!) ташқарида қўрқа-писа зарур нарсаларни ёд олади, суҳбатга киргач эса, эшитган, ёдлаган жамики фикрларини тўкиб соларади. Ваҳоланки, абитуриентларнинг ярмидан кўпи республикага таниқли ёзувчининг асари у ёқда турсин, номини ҳам энди эшитаётганлиги маълум бўлади. Аудиторияларнинг паст партала-ри тагига яшириб қўйган шпаргалкасидан фойдаланиб, ёзма конкурсда мақола кўчираётганларни ўз кўзим билан кўрганман! Тўғриси, уларнинг кўпчилиги бугун журналистика факультетининг биринчи курсида таҳсил олаяптилар (кундузги ва сиртқида). Оқибат, худди гурунгда айтилганидек, Иттифоққа таниқли журналист чиқиши у ёқда қолиб, кичкина район газетасининг бир бўлимини оқсаб тебратадиган «ҳамкасблар» пайдо бўлади, уларнинг сони яна биттага ошади холос! Мен бу сўзларим билан, вақтида «рақибим» саналган ҳурматли тенгдошларимни ҳақорат қилмоқчи эмасман. Асло! Бундай фикрдан мутлақо узоқ ҳолда, факультетнинг «катта»лари диққатига ҳавола қилмоқчиманки, 1988 йили факультетга эндигина ўрта мактабни тугатиб, қўлларида район газетасида чоп этилган уч-тўртта хабар билан, ҳали журналистиканинг ўнгу-тескарисига тузукроқ назар ташлаб кўрмаган ўқувчиларнинг (айниқса, сиртқи бўлимга!) қабул қилиниши ўйлаб кўргудек масала, менимча. Яширишнинг ҳожати йўқ, фаннинг барча жабҳаларини ҳаттоки профессор саналган домлаларимиз ҳам мукаммал билмайдилар. Бинобарин, имтиҳон пайтида ҳаммага ҳам «бахтли» билет тушавермайди. Бундай пайтда абитуриентдан эпчиллик талаб қилинадики, «юракларнинг малҳами» шпаргалкалар жонга аро киради. Мабодо бошимни қотириб икки сафар ўн йил ўқиган адабиётларни титкиламасдан, мен ҳам шу йўлни танлаганимда, балки бу хатни сизга журналистика факультетининг студенти бўлиб ёзармидим. Ўзимни оқламоқчи эмасман. Мен ҳам кўчирганимда, юқори балл олиб, «йиқилган» деган номни тамғадек осиб юрмасдим.

Етоқхонада журналистика факультетининг студентлари билан баҳслар, тортишувлар авжга чиқарди (ёз ойида). Уларга ҳавас билан боқиб: «Эҳ, мен қачон студент бўларканман-а?!» деб қўйибман. Шунда улар: «Э, синглим, журналистикага кириш қийин, аммо киргач ташлаб кетиш ундан ҳам қийин» дегандилар. «Филологияга боринг, нима қиласиз чуқур билим ололмай овора бўлиб бу ерда?! Ўтган умрингизга ачинганингиз қолади, холос. Эсингиз бўлса кирманг!» Бу сўзларга бепарво қароломайман, шунча чеккан машаққатларим, ёмғир, қор кечиб, куёшнинг иссиғини писанд билмай, қалбимга яқин одамларнинг «Ҳой, сен қиз боласан, ҳамшира бўл, сенга ярашмайди муҳбирлик қилиш», деган сўзларига қарамай журналистикага интилганимни эсласам хўрлигим келади.

Бу йил ушбу хаёлларим оғушида тунларни тонгга улаб тақдирдан мадад сўрайман: «Мен албатта ўқишга киришим керак!» Лекин қайси факультетга? Журналистика факультетининг келажагига умид боғласам бўлармикан?!

Клара МУХАНОВА,
ҚҚАССР, Беруний райони.

Ҳайрон қолдим

Гурунгни ўқиб жуда хафа бўлдим. Чунки қайта қуриш ва жадаллаштириш кетаётган бир пайтда студентларга шунчалик бефарқ қарашликлар кишини ҳайратда қолдиради. Қайси юз билан таълим бераётган ўқитувчилар эскириб кетган, ҳозирги пайтда кераксиз бўлган программаларни ўтадилар. Мен шундай хулосага келдим — ҳали бу факультетга қайта қуриш етиб келмаган!

Зилола ТОШЕВА,
Бухоро область, Коғон район, ўқувчи.

Жамоатчилик қаёққа қараяпти?

Мен ҳам университетни бутунлай бошқача тасаввур қилардим. Мақолани ўқиб, ўзимдан-ўзим ажабландим: нега, талабалар илгарироқ эмас, айнан шу мавзу кўтарилганда, ёки редакциядан бирон-бир мухбир келганида факультетдаги камчиликлар, масалан, аудиториядаги «не-не журналистларни «кўрган», кўпдан бўёқ тегмаган стол-стулларининг» аҳволини, фотожурналистика дарсидаги камчиликларни айтишади? Илгари қаерда эдилар? Ёки мақоланинг бошида «Факультетимиздаги камчиликлар тўғрисида ёзишга ёзамиз-у, ҳеч қайси газета, журнал босмайди-да» деб берилган изоҳ кифоями? Аммо, мен айбнинг ҳаммасини талабаларга тўнкаб қўймоқчи эмасман. Университетдаги комсомол комитети, касаба союз комитети, партия комитети ҳозирги қайта қуриш, жадаллаштириш даврида қаёққа қараяптилар? Нега илгарироқ дадил бош кўтармадилар? Қани улардаги журъатлик, ишчанлик? Агар, ҳаракат шу бўлса, келажак нима бўлади? Бундай ҳаракат билан олға босиш ўрнига орқага кетамиз-ку?

Университетда-ки, аҳвол шундай экан, институт, техникум ҳамда ҳунар-техника билим юртларидаги аҳвол тўғрисида гапирмаса ҳам бўларканда-а?

Феруза УСМОНОВА,
Андижон область Жалолқудуқ район Ильич номли совхоз.

Қувватлаш керак

Мен ҳам шу факультетда таълим олганман. Аудиториялар, лекциялар, домлаларнинг сиймолари куни кечагидай ёдимда. Биз ҳам Очил Тоғаев, Тоҳир Пидаев, Ирисмат Тошалиев, Бойбўта Дўстқораев ва Саидоваларнинг дарсларини қандайдир бир ҳаяжон билан тинглар, Абдураҳмонов, Абдуллаевларнинг лекцияларида эса эснаб ўтирар, баъзан ўзимизни қўйишга жой тополмасдик.

Аммо, ўшанда Ориф Саидов, Мухтор Худойқуловларнинг дарслари, лекцияларини қизиқиб тинглар эдик. Наҳотки, ўтган 9—10 йил биз кези келганда фахрланиб юрадиган ана шу домлаларимизни ўзгартириб юборди?

Мен яна бир нарсани таъкидламоқчиман. 1975 йилда биринчи курсда биз эски ўзбек тили курсини ўтар эдик. Адашмасам бу курсдан Миртожиев деган домламиз жуда қизиқарли, мароқ билан дарс ўтардилар. Ана шундан менга 96 варақли конспект қолган. Ҳамон уни қўлга олганимда: «Шу курс яна бир йилга ўтилганда мен бу тилни ўзлаштирардим» деган хаёлга бораман.

Менга ёш ҳамкасб дўстларимнинг куюнчаклиги, демократияга ўчлиги ёқди. Аслини олганда ҳам журналист ана шу характери билан бошқа касблардан фарқ қилади. Шу боис халқ журналист аҳлига бошқача ихлос, бошқача бир кўз билан қарайди.

Менга айниқса Ойсара Музаффарова, Шуҳрат Рўзиев, Шодиқул Ҳамроев, Жаббор Эшонқуловларнинг фикри маъқул келди. Бўлажак журналистларнинг бу гурунгини Шуҳрат Рўзиев таъкидлаганидек ўқув-профессионал тарбияни кўтаришга бўлган ажойиб бир истак сифатида қабул қилиш ва қувватлаш керак.

Мен ёш ҳамкасбларимнинг гурунги янада дадилроқ тус олишини истайман. Бўлғуси журналист эртанингина эмас, балки бугуннинг ҳам овози бўлсин!

«Еш куч»нинг бу ташаббусини эса чин кўнгилдан табриклайман.

Болта КАМОЛОВ,
журналист,
Қашқадарё область
Усмон Юсупов район Жўйнов қишлоғи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЎЗАХГА

Гиёҳвандлик... Уни дўзахга йўлланма деб ҳам аташади. Бу иллат жамиятимизнинг покланиши йўлида турган энг биринчи ғовлардан биридир. Гиёҳвандликнинг даҳшати шундаки у қисқа вақтда вабо ёки ўлатга ўхшаб, кенг тарқалиб кетишга қодир.

Бизда таносил касалликлари билан оғриган деб гумон қилинган шахсларни назоратдан ўтказиш тўғрисида қонун бор, аммо бангиликда шубҳа қилинганларни зарур текширувдан ўтказиш учун ҳеч қандай қонун қабул қилинмаган. Афъюнга ружу қўйган ёшларни бу йўлдан қайтариш учун ҳам ҳеч қанақа қонун йўқ.

Вақтли матбуотда кўплаб материаллар эълон қилинганига қарамай, гиёҳвандлик тўғрисида ҳали жуда оз нарса биламиз. Негаки, узоқ вақтлар бизнинг жамиятда гиёҳвандлик илдиз отишига ҳеч бир асос йўқ деб ҳисоблаб келишарди. Йўқ, бу кулфат аллақачон эшигимизни қоққан, кўплаб одамларнинг ёстиғини қуритган, кўплаб тақдирларни мажруҳ қилиб бўлган эди.

Шуни айтиш керакки, бу иллат билан жамиятимиз биринчи бор тўқнаш келаётгани йўқ. Йигирманчи йилларда ҳам гиёҳвандлик кенг тарқалган эди.

Афсуски, ҳозирги пайтда баъзи кимсалар афъюнни бош оғриғи, ошқозон хасталигига даво деб биладилар. Инқилобнинг дастлабки ўн йиллигида гиёҳвандликка қарши кўрилган чора-тадбирлар бу иллат ўша даврда ва ундан кейинги ўтган қирқ йил давомида бутунлай йўқ бўлиб кетди, дегани эмас. Ўрта Осиё регионида (қисман чойхона, бозор ва чекка қишлоқларда) афъюнни истеъмол қилиш мунтазам давом этган. 60-йилларнинг охирига келиб ўсмирлар ўртасида гиёҳвандликка ружу қилиш натижаси ўлароқ, жиноятлар ҳам кескин ортиб кетди. Шундан кейингина юқори маҳкамаларда унга қарши чоралар излай бошладилар. Ушбу идоравий чора-тадбир ҳужжатларининг тепасига «мутлақо маҳфий» деган жумла ёзиб қўйиларди. Маориф, ҳунар-техника мактабларидаги болалар гиёҳвандликка учраётгани тўғрисида ҳали умуман гап бўлмасди.

Фақат яқин-яқинларда «Правда Востока» газетасида собиқ республика ички ишлар министри У. Раҳимовнинг гиёҳвандлик тўғрисида қуйидаги гаплари айтилди: Ҳозирги вақтда республика милиция органлари «Қора лола» операциясини ўтказаётир. Унга ички ишларнинг юзлаб ходимлари, вертолётлар жалб этилган. Буни махфий тутишнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман, негаки шу сабабли бўлса керак, таркибида наркотик моддалар бор ўсимликлар экилган майдонлар кўплаб аниқланаяпти. Ваҳоланки, ўша ерлардаги совхоз ва колхозларнинг партия, совет ходимлари, бизга бу ҳақда ҳеч қанақа маълумот бермаган.

Пойтахтнинг Октябрь райони ички ишлар бўлими балоғатга етмаганлар билан ишловчи инспекцияси ходимлари билан Навоий кўчаси бўйлаб Хадра майдонига боряпмиз. Ёзги ошхонага кириб, столлар оралаб ўтамиз. Тўсатдан ёш участкавойнинг синчков нигоҳлари ошхонадаги оломоннинг ичида кўзлари бежо айланаётган икки ўспиринга тушди. Ички ишлар ходимлари кўмагида уларни бир чеккага бошлайман. Улар дастлаб қаршилик кўрсатишади, аммо жиноий иш қўзғатиш учун етарли миқдорда қорадори топилгандан кейин улардаги кибр-ҳаво ғойиб бўлди. Улардан бири ҳали ўн саккизга ҳам тўлмаган.

Медицина статистикаси нашавандларнинг ўртача ёшини 30 деб белгилайди. Ҳайрон қоладиган жойи йўқ, ҳар қандай организмнинг ҳам мунтазам равишда тинкани қуритадиган афъюнни истеъмол қилишга қуввати етмайди. Табиат бангиларнинг умрларини қирқиб, улардан интиқом олади. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Александр П. отаси ичкиликбоз бўлган, кейинчалик гиёҳвандликка берилган. Ўғил отасидан ўғрилаб афъюн истеъмол қилган. Бошқа гиёҳвандлар билан танишган. Сархушлантирадиган оғуни топишда қийналиб, унинг ўрнини босадиган дорини кўп миқдорда қабул қилганлиги учун ўта оғир ҳолатда касалхонага келтирилган ва вафот этган. Гиёҳвандининг ёши —15 да.

Тоҳир Б. Ўн олти ёшидан афъюнга ружу қилган. Гиёҳвандларнинг даволаш-меҳнат профилакториясига тушган. Катта дозадаги дорини истеъмол қилиш туфайли ҳушини йўқотган. Изоляторга ўтказилгандан сўнг, шу ерда ўлган.

Миша Б. дўсти билан подъездга кирган, уни портфелдаги нарсани ҳидлашга мажбур қилишган. У бош тортган, Мишанинг жасадини эртасига портфель устида чангак бўлиб ётган ҳолда топишган. Ёши 12 да.

Омон. С. Ўттиз ёшларда. Афъюнни қарзга олган. Ундан қора бозор нархларига кўра маълум миқдордаги пул талаб қилишган. Тўлашга қурби етмаган, уйининг ертўласида пичоқлаб ташлашган.

Азиз П. Касалхонада даволанган. Юқори дозадаги наркотик моддани истеъмол қилгандан сўнг ўлган.

Қаерда гиёҳвандлик бўлса, ўша жойда жиноят содир бўлиши табиий. Бангилар кўпинча афъюнни ўзлари тайёрлаб, «жамоа» аъзоларига тарқатадилар. Бу «жамоа»нинг тартиби шафқатсиз. Кимки ўғирлик ёки бошқа бирон бебошликнинг уддасидан чиқолмаса, улар «қуён»га айланади. Унга алоҳида афъюн тайёрланади. У ҳалок бўлади ёки кейинги синовгача тирик қолади. Бу жуда хавфли, аммо текинга. Павел С.ўн етти ёшида худди шундай синовнинг қурбони бўлди.

Нашавандлар талай хасталиклардан азоб чекишади. Улардан ўттиз фоизи юқумли касалликлардан, яна ўттиз фоизи ўз жонига қасд қилиш билан нобуд бўлади. Қолганлари ҳам муттасил ўлимга маҳкум бўлишади. 70 фоиз гиёҳвандлар жиноятчилик кўчасига кириб кетади. Баъзилар афъюн касофатидан сархуш бўлиб, баъзилари уни хумор қилиб жиноят содир қилади.

Тўқсон фоиз ёшлар афъюннинг оғир оқибатларини, СПИДга дучор бўлишдан тортиб, жиноят ва ўлимга олиб борадиган хусусиятларини тасаввур қилмаган ҳолда уни истеъмол қиладилар. Гиёҳвандлик иллатига қанча тез чек қўйилса, у туфайли юз берадиган фожиаларнинг ҳам олди шунча тез олинади. Бу борада бир мисол келтиришни лозим топдим.

Виктор П. ишчи оиласида ягона фарзанд эди. Отаси таксопаркда, онаси заводда ишларди. Ота-она рўзғор ташвишлари билан болани эътибордан чиқариб юборишди. Натижада ўз эрки ўзида бўлган бола дарсларни ўзлаштирмади. Ўқитувчилар эса 8-синфгача сабр қилишни, кейин у ёғи маълум бўлгунча кутиб туришни маъқул кўришди. Аммо кўча уни аллақачон арақ ва нашага гирифтор қилган эди. Саккизинчи синфдан ҳунар-техника билим юртига жўнатилган ўсмир у ерда улфатлар ёрдамида баданга игна билан ўйиб татуировка қилиш билан биринчи сабоқни бошлади.

Тўғрисини айтиш керак, билим юрти покдомон қизларнинг пансиони эмас, бироқ талабалар арақ ичишса, наша чекишса, бир-бирининг баданига ўйиб ёзишса, уни билим берадиган даргоҳ дейиш ҳам хато.

Кунларнинг бирида наша ўралган бир неча сигаретани чекиб олишган Виктор ва унинг улфатлари кўчада жанжал чиқариб, ўтиб кетаётган кишини уришди, бошқа бировнинг уйи деразасини тошбўрон қилишиб, уй эгасига оғир тан жароҳати етказишди.

Халқ суди Викторни учига чиққан безориликда айблаб икки йилга озодликдан маҳрум қилди. Жазони балоғатга етмаганларнинг Тошкентдаги тарбия-меҳнат колониясида умумий режимда ўташга ҳукм қилинди.

Равшанки, кимки ёшлигидан жиноят кўчасига кирар экан, у кейинчалик бу ишга такрор-такрор қўл ураверади. Викторнинг қисмати шундан даполат бериб турибди. «Жаннат гиёҳи» содиқ кишилар кўмагида колония дарвозасидан кириб туради. Виктор бу ерда нашавандликнинг давом эттириши билан бирга гомосексуализмни ҳам ўрганди.

«Тарбия-меҳнат» колониясидагилар қанақа қилиб бундай ишлар билан шуғулланиб юрар экан, деган савол туғилиши табиий. Барибир нима бўлмасин, колония санатория эмас, Виктор қочишни мўлжалладн. Якка ўзи буни эплаши мушкул бўлгани учун яна икки кишини бунга жалб этди. Алексей П. ва Эдуард К. У «замин неъматлари» бўлмиш наркотиклар билан таъминлашни вазда қилганда болалар рози бўлди. Аммо болалар қочолмади. Қоровул сезиб қолиб уларга ўз мақсадларини амалга оширишига йўл қўймади. Шунда улар қоровулни ваҳшийларча ўлдириб, қотилга айландилар. Тошкент шаҳар суди уларнинг ҳар бирини тўққиз йилга, илгариги муддатни ҳам қўшиб ўн йилга ҳукм қилди.

Маҳкам ўн саккизга тўлгандан сўнг уни тарбия-меҳнат колониясидан аҳлоқ тузатиш колониясига ўтказишди. Ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида ҳам у қочишни мўлжаллади, наркотик моддалар қабул қилди. Шу сабабли уни эркин юрадиган колонияга чиқариш рад этилди. Бироқ орадан бир йил ўтиб, унинг ёшлигини, беш марта рағбатлантирилганлигини эътиборга олишиб эркин юришга тавсия қилинди. Бари бекорга эканлиги тезда маълум бўлди.

Эндигина йигирма беш ёшга кирганига қарамай, у кучайтирилган режимдаги колонияга ўрганиб, бошқача турмуш тарзини истамай қолди. Дастлаб у озодликка чиқиш учун қотиллик қилишгача бориб етган бўлса, энди у эркин колонияга чиқишдан ваҳимага тушди, яъни ахлоқан мажруҳ бўлиб қолди. У жазо ўташ учун келган янги жойда аввалгича ҳаёт кечиролмасликдан қўрқди. У эркин юрадиган колонияга келган куниёқ маъмуриятга илгариги жойга қайтаришни, агар қайтаришмаса қочиб кетишини билдирди. У ҳозир кучайтирилган режимдаги аҳлоқ тузатиш лагерида жазо муддатини ўтамоқда.

Гиёҳвандлик касофати билан бир йигитнинг ўсмирлиги, навқиронлиги адо бўлди. Виктор рисоладаги инсоний жамиятда яшашдан маҳрум. Хароба, яримта одамга айланди.

Тошкентда квартираларни тунаш авжга минди. Квартиралар ўғирлигини очиш қийин иш. Республика пойтахтида рўй бераётган ўғирликларни очишнинг мушкуллик томони шунда эдики, ўғрилар ҳатто кундуз куни ҳам қўрқмасдан шаҳарнинг турли чекка-ларида ўз кирдикорларини амалга оширарди. Айниқса шаҳар маркази ўғрилар дастидан безиллаб қолди. Туналаётган квартираларни битта гуруҳ ўғрилар амалга ошираётганига ишониш амри маҳол эди. Лекин бу жиноятларнинг «изи» бир хил. Оператив-қидирув ходимлари ўғриларнинг ҳали совимаган изларидан бориб, баъзи маълумотларга эга бўлишди. Милициянинг диққатини еттита гиёҳванд ва битта балоғатга етмаган бола жалб этди. Улар ҳар қанча эҳтиёт бўлишмасин барибир милиция ходимларининг назаридан қочиб кетолмади.

Шамил М, Александр С, Юрий Л, ва Виктор К лар. Буларнинг ҳар бири турли айбномалар билан илгаридан судланган. Аввалги жиноятлари ҳар хил бўлсада эндиликда уларни бир нарсага «иштиёқ» бирлаштирган. Гиёҳвандлик. Улфатларнинг ҳар бир учрашувида наркотик моддалар истеъмол қилинган. Юқоридаги 4 улфат ўзларининг жиноий қилмишларига ҳали судланмаган уч кимсани — Николай Ж, Михаил А, Петр М. ва балоғатга етмаган Додик П. ни шерик қилишган.

Гиёҳванд томтешарлар аҳолига жами 31570 сўмлик моддий зиён етказган. Ўғрилардан Александр С ва Шамиль М лар уй эгаларига ҳужум қилишдан ҳам тап тортмаган. Улар дастлабки терговда нашани милиция ходимлари қўлга тушириш пайтида чўнтагимизга солиб қўйишган демоқдан ҳам тортинмадилар.

Александр Иванович Х. — ёши эллик учда. Шу вақтгача 4 марта ўтириб чиққан. Сўнгги бор у қурилиш материалларини ноқонуний ўзлаштирганликда айбланиб 2 йилга мажбурий меҳнатга тортиш ҳукми билан кесилган. У жазонинг юмшоқлигини тўғри баҳоламасдан, махсус комендатура ҳисобида туришига қарамай Тошкент область Бектемир шаҳрида истиқомат қилувчи Лидия Геогриевна Ч. билан наркотик моддаларни пуллаш тўғрисида келишиб олади. Уз шахсий машинасида Лидия Гаоргиевна Ч.нинг уйига наша келтирган. Бир ойнинг ўзидаёқ у уч марта, ҳар келишида 10 пакетдан наша келтирган. Аёл эса ҳар пакет нашадан унга 225 сўм берган. Х. нинг ниятаҳаси очилиб ўзининг комендатура ҳисобида туришини ҳам унутиб қўйган. Махсус комендатура маъмурияти ҳам назоратни бўшаштириб қўйган, албатта.

Суд уларни қилмишларига яраша жазолади, узоқ муддатли қамоқ жазоси ва гиёҳвандлик асоратидан даволаш. Аммо, қуйидаги одатий иборани айтмасдан бўлмайди. Бу фалокатлар асло юз бермаслиги мумкин эди-ку...

Б. МИРЕНСКИЙ,
ички ишлар подполковниги.

ЎҚУВЧИЛАРИМИЗ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Садриддин АЙНИЙ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Иброҳим Имомнинг асл мақсади шу эди. Иброҳим Имомнинг арабларни қирғин қилишдан мақсади бини Умияни қўллаб-қувватлайдиган арабларни йўқотиш эди. Сулаймон бинни Косир ҳам умавийлар қирғинига рози бўларди.

Абўмуслим иложи бўлса бирон имконият топса, Аббосийларни ишга солмай — ҳокимият тепасига келтирмай туриб, бирон-бир бошқа восита билан ўзининг асл мақсади — миллий давлат тузишга эришишни истарди. Зероки, Аббосийларнинг анча иқтидорли ташкилотчиларга эга эканлигини, бани Умиялардан ранжиган араблар уларга эргашиши, айниқса, Аббосийлар халифалик тахтига ўтиргач, уларни қўллаб-қувватлашини Абўмуслим яхши биларди. Унда Аббосийларни орадан кўтариб, ўз мақсадига эришиши жуда қийин бўларди. Шунинг учун ҳам у амалда Аббосийлар тарафида туриб қурол ишлатаётган бўлсада, пинҳоний тарзда пайти келганда Аббосийларни қулатадиган бирон-бир восита қидирарди.

Абўмуслимнинг фикрича, бу ишда Алавиялар (Али авлодлари) асосий куч бўлиши мумкин эди. Чунки, Алавиялар содда, ҳукмронликда бўшанг ва тажрибасиз бўлиб, феодал ҳукмронлик учун характерли бўлмиш фирибгарлик, ўзаро келиша олмасликдан анча узоқ эдилар. Шунинг учун Абўмуслимнинг фикрича керакли пайтда уларни ҳукуматдан четлаштириш мумкин эди.

Ана шу осон имкониятни амалга ошириш иложини топа олмагач, Абўмуслим Аббосийларнинг тахтга ўтиришига рози бўлди. Лекин бари бир у ўз мақсадига эришиш йўлини излар, Аббосийларга қарши исён кўтаришни кўзларди. Буни сезган Аббосийлар у исён кўтаришга улгурмасданоқ алдаб ўлдириб юбордилар.

Ўқувчилар назарида шахсий мулоҳазалардек кўринган бу фикрларимизни биз бир неча воқеа ва фактлар асосида тасдиқлаб борамиз ва шу орада Абўмуслим саргузашти ҳам китобхон кўз ўнгида яхлит гавдаланади. Биринчи воқеа: Абўмуслим яхшигина тайёргарликдан сўнг ҳижрий 129 (мелодий 747) йилнинг рамазон ойида бош кўтарди ва қисқа вақт ичида Хуросон ҳамда Мовароуннаҳрни бани Умия ва унинг тарафдорларидан тозалади. Шундан сўнг Каҳтаба бинни Шабиб сардорлиги остида Тус (Машҳад) ва Ироқ томонга аскар юборди. Ҳасан бинни Каҳтаба, Холид бинни Бармак (машҳур бармакийларнинг отаси) ва бошқа бир қанча қўмондонларни унга ҳамроҳ этди. Ўзи бўлса, исённинг асосий суянчиғи сифатида Хуросонда қолди.

Шиддатли жанглар билан бутун Эронни забт этган Коҳтаба Араб Ироқига етади ва Фурот дарёси соҳилида бўлган бир муҳорабада сувга қулаб ўлди. Унинг ўрнига ўғли Ҳасанни бошлиқ этиб тайинладилар. Ҳасан музаффарона жанглардан сўнг араб Ироқининг марказий шаҳарларидан бўлмиш Кўфани қўлга киритади.

Ўша пайтда Кўфада Абўсалама бинни Сулаймон номли бир нуфузли шахс яшарди. У пайти келса Алавийларни ишга солиш ҳақидаги Абўмуслим фикрининг тарафдори эди. Албатта, у Абўмуслимнинг асосий мақсадини билмасди.

Кўфада Ҳасан Абўсаламани учратади ва Абўмуслимнинг мактубини бериб деди: «Амир Абўмуслим ҳамма ишда сенга тобеъ бўлишимни менга буюрди» («Равзатус-сафо», 3-жилди, 131-бет).

Уша мактубда Абўмуслим Абўсаламани «Муҳаммаднинг олий вазири» деб атаб «халифани сайлаш масаласи сенинг қўлингда» деб ёзганди.

Худди шу вақтда Марвони Ҳимор Иброҳим Имомни ўлдирган бўлиб, унинг биродарлари Абулаббос Саббоҳ ва давоникли Абужаъфар Мансурлар Марвонинг қўлига тушишдан қўрқиб Кўфага қочиб келган эдилар ва Абўсалама уларни бир жойга яширган эди. Исённинг махфий программасига мувофиқ Иброҳим Имомдан сўнг ҳалифалик Абулаббос Саффоҳга тегиши лозим эди. Шунга қарамай, дастлаб Абўсалама халифалик тахтини унга таклиф этмади ва Абўмуслимнинг вакили ҳисобланмиш Ҳасан ҳам бу ишга эътироз билдирмади. Чунки, Абўмуслим ҳам худди шу мақсадда Ҳасанни Абўмуслимага тобеъ қилиб юборганди. Абўсалама халифалик мансабини аввал Али авлодига таклиф этмоқчи бўлди, улар рад этган тақдирда, бу ишни Абулаббосга топширишни кўзлаганди. Ана шунинг учун ҳам Абўсалама уларни халифалик вазифасига таклиф қилиб Мадинага мактуб юборди. Аммо Али тарафдорларидан ҳеч ким халифаликни қабул қилмади.

Бу орада, Абўсаламанинг хабарчиси Мадинадан қайтиб келмасдан буруноқ ишнинг асл моҳиятидан, Ҳасан ва Абўсаламанинг туб мақсадидан бехабар баъзи сардорлар Аббосийларнинг Кўфада эканликларидан хабар топиб, Абулаббос билан маслаҳатлашдилар ва натижада умумий аҳдлашув юз берди; Абўсалама ва Ҳасанлар ҳам бу келишувга қўшилишди. Натижада ҳижрий 132 (мелодий 750) йилнинг рабиулаввал ойида уни расмий равишда халифа деб эълон қилдилар («Равзатус-сафо», 3-жилд, 130—131-бетлар).

Иккинчи воқеа: Халифалик Аббосийлар қўлига ўтгандан сўнг ҳам Абўмуслим тахтга Али тарафдорларидан бирини қўйиш фикридан қайтмаган эди. Аббосийлар ҳам унинг бу мақсадини билишарди. Шунинг учун улар аввал Абўмуслимнинг маслакдоши Абўсаламани орадан кўтаришни мўлжалладилар. Аммо ўша кезларда исённинг асосий марказлари — Хуросон ва Мовароуннаҳр Абўмуслимнинг қўлида бўлгани учун уни ранжитиб қўйишдан ҳайиқдилар.

Шунинг учун ҳам Абулаббос Саффоҳ биродари Абужаъфар Мансурни Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолисидан байат олиш баҳонаси билан Абўмуслим ҳузурига юборди ва унинг Аббосийларга қай даражада садоқатини билиб келишни топширди. Шунингдек, Абўсаламани ўртадан олиш хусусидаги масалага Абўмуслимнинг муносабатини аниқлашни уқтирди. Хуросонга келган Абужаъфар қайтиш олдидан Абўмуслимга: Абўсалама халифага нисбатан нолойиқ хатти-ҳаракатлар қиляпти, халифа сенинг ҳурматингни қилиб, унинг ҳар қандай ҳаракатига бардош бериб, ўзини ҳеч нарсани билмаганликка солади, зероки сен уни халифанинг вазири этиб тайинлагансан.

Бу гапларни эшитиши билан Абўмуслимнинг ранглари ўчди, лекин ўзини босиб олиб, шундай жавоб берди: «Мен ва Абўсалама амирнинг бандаларидамиз, модомики у ўз ҳаддидан ошиб қадам босар экан, нима чора лозим бўлса, ўшани қўллаш лозим».

Бу ҳолатда Абўмуслим рўй-рост Абўсаламанинг тарафини олиб, ҳимоя қила олмасди. Бундай қилиш унинг Алавийлар тарафдори эканлигини тасдиқлар ва Аббосийларга қарши исён кўтариши аниқ эканлигини эътироф этиши бўларди.

Абужаъфар билан Абулаббос унинг бу гапларини Абўсаламанинг қатл этилишига розилиги деб билдилар ва Абужаъфар Хуросондан Абулаббос ҳузурига қайтиб келган кечаси Абўсалама ўз уйида махфий ўлдирилди. Унинг ўлдирилишини чет эллик фидойилар зиммасига юклаб қўя қолдилар («Равзатус-сафо», 3-жилд, 135-бет).

Ана шу сафардан сўнг Абужаъфар Абўмуслимнинг Аббосийларга садоқати хусусида акасига шундай деди: «Агар жаҳоннинг ўзингга соф қолишини истасанг Абўмуслимни орадан ол. У Абўтолиб оиласидан (Алавийлардан) бирини халифалик тахтига ўтқазишни истайди».

Саффоҳ укасининг бу таклифини қабул қилмади ва деди: «Ҳозир уни ўлдирмаслик керак. Агар биз унга қасд қилсак, Ироқ ва Хуросон халқи бизга қарши қўзғоладилар». («Тарихи Табарий», 4-жилд, 741-бет).

Абулаббоснинг бу сўзлари шуни кўрсатадики, Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолисигина эмас, балки Эрон ва Ироқ мамлакатлари халқлари ҳам Абўмуслимни қўллаб-қувватлар ва унга эргашар эканлар.

Учинчи воқеа: Абужаъфар Мансур Хуросонда — Абўмуслим ҳузурида бўлган вақтда у Сулаймон бинни Касирни ўлдирди. («Равзатус-сафо», 3-жилд, 135-бет). Ваҳоланки Иброҳим Имом Абўмуслимга Сулаймон бинни Косирни эъзозлаш ва у билан зиддиятга бормасликни тайинлаган эди. Шундай экан, нега Абўмуслим Сулаймон бинни Касирни ўлдирди?

Чунки Косир арабларнинг қирғин қилинишига қаршилик кўрсатар эди. Абўмуслим бўлса, араблар қирғинини кучайтириб, Хуросон ва Мовароуннаҳр миллий давлат таъсис этишга замин ҳозирламоқчи эди. Бу билан Абўмуслим яширинча Аббосийларга таҳдид қиларди. У гўё Аббосийларга: агар сизлар Абўсаламани ўлдириб, менинг Алавийларни ҳокимият тепасига қўйишимга қаршилик кўрсатган бўлсанглар, мен Сизларнинг Сулаймон бинни Косирларингни ўлдириб, арабларни қирғин қилиб, миллий давлат тузаман демоқчи бўлади. «Равзатус-сафо»нинг хабар беришича, Абўмуслим араб истилочилари ва уларнинг тарафдорларидан 600 минг кишини ўлдирганди.

Тўртинчи воқеа: «Кунлардан бир кун (Аббосийлар сулоласининг биринчи халифаси) Абулаббос Абўмуслимдан муваффақиятларининг сирини сўрабди. «Сабрни таги роҳат деб билдим ва кўнгил сирини бировга айтмасдим» деб жавоб берибди Абўмуслим». («Равзатус-сафо», 3-жилд, 138—139-бетлар).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Абўмуслимнинг сир сақлаши бежиз эмас эди. Чунки, унинг атрофида ишига ҳалақит берадиган ёки сирини фош этиб қўядиган одамлар ҳам йўқ эмас эди. Аммо ўзига ёрдам берадиган ёки мақсадга эришиш йўлидаги курашларда матонат кўрсатадиган, эътиқодли кишиларга ўз кўнгил сирларини очар эди. Масалан: Эронда яшайдиган жасоратли бир оташпарастга ўз сирини айтган эди. Нишопур шаҳрида Сунбод номли бир мажусий оташпараст яшар эди. Сунбод Иброҳим Имом ҳузуридан Хуросонга қайтаётганида ана шу мажусийнинг уйида бир кеча меҳмон бўлган эди. Ана шу меҳмондорчиликда Абўмуслим ўзининг сиёсий сирини айтиб, у билан аҳдлашди ва абадий дўстлашиб чиқиб кетди. («Равзатус-сафо». 3-жилд, 138—139-бетлар).

Бу сир Абўмуслимнинг ҳақиқий ва охирги мақсади эканлиги қуйидаги воқеадан ҳам маълум бўлади...

Абўмуслим Хуросонда катта муваффақиятга эришди, у ерни марвонийлардан тозалади, арабларни ҳокимиятдан йироқлаштириб, давлат ишларини ўз қўлига олди. Шу пайт Нишопурдаги араблар билан Сунбод ўртасида миллий низо чиқди. Сунбод бу низо ҳақида Абўмуслимга хабар етказди ва мадад сўради. Абўмуслим ўзининг мусаллаҳ аскарларидан икки минг кишини юборди. Сунбод бу куч билан Нишопур арабларини қириб ташлади ва биродари билан қора либослар кийиб ўзини Абўмуслим ва «аббосийлар» тарафдори деб эълон қилди. Абўмуслим Аббосийлар томонидан ўлдирилганда ана шу Сунбод Абўмуслим тарафдори сифатида араблар ҳамда исломга қарши бош кўтарган шахс эди. (Биз қуйироқда бу ҳақда тўхтаб ўтамиз). Бу воқеалар шуни кўрсатадики, Абўмуслим имконияти бўлганда дастлаб Алавийларни ҳокимият тепасига кўтарарди. Чунки уларни кейинроқ ағдариб ташлаш осонроқ эди. Иккинчи воқеа шуни кўрсатадики, Абўмуслим Аббосийларнинг халифалиги мустаҳкамланишидан олдин Алавийларни тахтга ўтказишни истарди. Шунинг учун у чиндан ҳам Абўсалама тарафдори бўлиб, бу ишда воситачилик вазифасини ўтарди. Уч

ЖАЗ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?

Ушбу суҳбатимизни Ўзбекистонда эстрада санъати ва жаз музикасининг ривожланишига бағишлаймиз. Чунки ҳозирги ёш музикачилар санъатнинг бу икки тури республикамизда қай тариқа ва қай замин асосида юзага келиб ривожланганини, қолаверса, оталари қандай яшагану бу соҳада нималар қилганини, қандай ижодий ютуқларга эришганларини яхши билишмайди. Катта авлоднинг бу йўлдаги ижодий тақдирлари ҳам қизиқ, ҳам мураккабдир. Шундай бўлса-да, улар бу соҳада кўп ишлар қилишган, шунинг учун уларнинг ҳар бири алоҳида ҳурматга сазовордир.

Эстрада санъати тарихига назар солсак, унинг илк куртаклари 1913 йилда пайдо бўлганини биламиз. Ўшанда Молдавиядан Тошкентга Н. Бобоевнинг махсус жиҳозланган «сайёр» ансамбли келганди. Бу ансамблнинг бошқалардан фарқи музика асбобларининг ранг-баранглигидагина бўлмай (уларда иккита скрипка, кларнет, труба, фортепьяно, контрабас ва дўмбира бор эди), балки улар ўз программаларини шўх-шўх молдаванча, мадёрча, руминча халқчил куй-қўшиқларидан тузишганида эди. Яна уларнинг программалари ўша вақтлардаги одатга кўра рақсга бой спектакллари — фокстрат, кекуск, тустен ва танго кабилар билан ҳам ажралиб турарди.

Тошкентликлар бундай музикаларни ўз репертуарларини классик асарлардан ҳамда «енгил куйлар» саналмиш — опералардан парчалар, бир-икки актли кичик комедиялар, вальслар, шўх полкалар, турли маршлардан тузган боғлардаги духовой оркестрлар ижросидагина ёки пластинкалардан, ё бўлмаса ўша чоғларда довруғ қозонган шахсий уйларга ёлланган уй музикачиларидан эшитишлари мумкин эди, холос.

Ўзбекистонда Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йиллардаёқ ўзбек совет музикасини ва музика соҳасидаги билимларни ривожланишига ҳисса қўшадиган бир қанча ташкилий ишлар амалга оширилди. Эстрада оҳанглари деб ном олган енгил музикалар маданий ҳаётда кенгроқ ўрин ола бошлади.

1930 йилларга келиб совет эстрада санъатида порлоқ тонг ота бошлади. Музикали кинофильмлар яратилди, радиопрограммалар кенгайтирилди, пластинкалар ишлаб чиқарилди, энг яхши эстрада оркестрлари мамлакат бўйлаб сафарларга чиқди. Натижада барча шаҳарларда музика билан танишиш имконияти очилди ва бу танишувлар орқали эстрададаги ижобий ўзгаришлар юзага келиб ундаги мураккабликлар чекинди.

Я. Скоморовский, А. Цфасман, А. Ворламов, П. Утесов ва И. Дунаевский, Б. Ренскийларнинг оркестрлари музика ихлосмандларини фақат эстрада ютуқлари билангина танитиб қолмай эндигина бизда урф бўлаётган жаз музикаси билан ҳам ошно этди. Булар ҳамма ерда, жумладан республикамизда ҳам янги-янги коллективларнинг пайдо бўлишига асос солди. Энди Тошкентдан ташқари Самарқанд, Бухоро, Коғон, Фарғона шаҳарларида ҳам эстрада оркестрлари тузилди. Масалан, Самарқанддаги кўпгина музика коллективларининг таъкилотчиси моҳир скрипкачи Н. П. Зинин эди. У тузган ансамбллар 5—8 кишидан иборат эди. Улар орасида моҳир ижрочилар Н. Зининнинг ўзи, фортепьянода ўйновчи Е. Зинина, трубачи Н. Кандыба, соксофончи П. Соболев, барабанчи Г. Глазуновлар бўларди. Коллектив кўпроқ ресторанларда ўйнар, репертуарларида эса чет эл ҳамда ўзимиздаги композиторлар куй-қўшиқлари ижро этиларди.

Булар билан бир қаторда клублар қошида ҳам эстрада коллективлари пайдо бўла бошлади. Улардан энг машҳур бўлгани 1933 йилда «Октябрь» клуби қошида музикашунос А. Бессонов томонидан тузилган катта оркестр эди. Оркестрни оёққа туриб олишида Б. Ренский раҳбарлигидаги «Теа-жаз» билан ижодий ва дўстлик алоқалари муҳим роль ўйнади. Бу алоқа шарофати билан оркестр репертуари бойиди, чолғувчи музикантларнинг ижрочилик савияси ошди. Коллективда А. Бессонов, М. Бессонова, З. Шабанов, М. Азатъян ва Н. Автандиловлар кўзга кўриниб қолди.

Программалар ёркин, театрлаштирилган ва чиройли аранжировка қилинганлигидан тез орада бу оркестр барчанинг эътиборини тортди ва Самарқанддаги машҳур коллективга айланди.

Бахтга қарши бир мақолада барча эътибор тортган коллективлар ҳамда музикантлар ҳақида батафсил тўхташга имконимиз йўқ. Шунинг учун Ўзбекистонда эстрада ва жазни ривожига муносиб ҳисса қўшганларигагина тўхтаб ўтамиз, холос. Худди шу кезларда ўзбек халқ куйларини эстрада ансамбллари учун қайта ишлашга уринишлар ҳам бўлди.

1938 йилда Тошкентда илк бор жаз музикасига яқин қўшиқларни ижро этувчи оркестр тузилди. Уни ташкилотчиси ва солисти фирмалардан келаётган қўшиқ ёзилган пластинкалардан ва кинематографиядаги барча музика янгиликларидан хабардор бўлиб борадиган жаз ишқивози А. Горбатенко эди. Оркестр репертуари ҳам доимий равишда кенгайиб борди. Айниқса, И. Дунаевский музикалари севиб ижро этилди. 13 музикантдан иборат оркестр юқори ижрочилик маҳоратини намойиш қилиб шаҳарда довруғ таратди. Бунга бежирим асбобсоз Н. Бобоев, скрипкачи Э. Рубинштейн, саксофончилар В. Дементьев, В. Кудряшов, трубачилар Ф. Горбатков ва Н. Погосовларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Урушдан аввал бундай оркестрлар Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳарларида тузилган эди. Мисол учун Бухорода В. Власенко раҳбарлигидаги оркестр, Когондаги пахта заводи қошида Н. Бабкин раҳбарлигидаги эстрада коллективи шулар жумласидандир. Эстрада оркестрининг ютуғини шундан ҳам билса бўладики, у 1938 йилда Тошкентдаги эстрада ансамбллар кўригида иккинчи ўринни олди ва уларга мукофот тариқасида чолғу асбоблари комплекси берилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўша вақтлардаёқ эстрада жанри алоҳида бир музика жанрига айланиб республика маданий ҳаётига муносиб ҳисса қўша бошлаган ва унинг кейинги ривожига асос солган эди.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ эстрададаги кўпгина артистлар ва музикантлар фронтга жўнади. Бироқ ўқлар визиллаб учаётган, снарядлар портлаётган шундай оғир бир шароитда ҳам қувноқ эстрада санъати душманга қарши курашда ўзига хос қурол бўла олди, жангчиларга бардамлик бағишлаб, ғалабага ишончларини оширди.

1946 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига кўра республика Давлат филармониясининг бир қисми алоҳида концертлар бериш учун Ўзбекистон Давлат эстрадаси номи билан ажратиб олинди. Бу давр талаби эди. Бу коллектив эстрада санъатининг ривожига катта улуш қўшди. Кейинчалик ўзбек Давлат эстрадаси қўшиқ, ўйин, бадиий сўз усталари, юмор, сатира, сўз ўйинлари аския сингари ўзига хос жанрлардаги ижрочи коллективлар билан бойиди, республика шаҳар ва қишлоқларида кўп марта сафарларда бўлишдан ўзбек совет эстрада санъатини элга танитди.

Ўша йилларда Тошкентда кинотеатрлар саҳнасида ўйнайдиган бир қанча оркестрлар пайдо бўлди. Улардан бири «Искра» кинотеатри қошидаги А. Поздняков раҳбарлигида бир неча йил актив ижод қилган коллективни тилга олса арзийди. Сўнгра «Еш гвардия» ва «Ватан» кинотеатрларида ҳам шундай оркестрлар тузилди.

А. Поздняковнинг ўрнига раҳбар бўлган Д. И. Штерн ўша оркестрлар ҳақида қуйидагича эслайди:

— Бизнинг репертуарнинг асосий қисмини чет эл эстрада музикалари ҳамда эстрада оҳангига мослаб таржима қилинган ўзбек ашулалари ташкил қилар эди. Ўзбек куйларини русча соз ва овозга мен мослардим. Оркестрлаштиришга гоҳида Москвадан текст олардик. Мослаштиришнинг яна бир усули бор эди. Кинотеатрларда қўйилган янги фильмлардаги қўшиқлар текстини ноталаштириб, сўнг уларни ёд олардик. Эртасига кино кўргани келган мухлислар қўшиқ ҳам эшитарди...

Ўша пайтларда Хитойдан жуда кўп музикачилар қайтиб келди. Улар орасида номлари совет жаз санъати ривожи тарихий саҳифаларидан муносиб ўрин олган О. Лундстрен жаз оркестри, қайтгач Тошкентда яшаган трубачи В. Коптёвский, барабанчи Б. Бочаров, скрипкачи Н. Слезкин, тромбончи А. Францкевичлар бор эди. Эстрада ва жаз музикасида юксак маҳоратга эга бўлганлари учун улар шаҳардаги эстрада муҳитига янги оҳанглар бахш этишди. Айниқса, «Ватан» кинотеатри қошидаги сафларида Шанхайдан келган музикачилар бор Д. Сополов раҳбарлигидаги оркестр шуҳрат қозонди. Улар ижросида металлофон, вибрафон, говой гитараси каби музика асбоблари Тошкентда илк бор янгради. Бу пайтгача ҳали Тошкентда ростмана жаз музикаси ўйналмаганди. Дастлаб В. Коптевский уни ўзига яраша маҳорат билан ижро этди. «Ватан» кинотеатри қошидаги коллектив эса ҳақиқий жаз музикасини қойиллатиб ўйнашди. Коптовский Ўзбекистонда энг биринчилардан бўлиб ўзбек халқ куйларидан олиб уни сурнайга ҳамоҳанг қилди ва европача руҳда пьеса яратди. Шундан кейин кўпчилик, жумладан Соколов ва Штернлар ҳам жазга мослаб музикалар ёзди.

1960 йилларда Ленин номидаги пионерлар Саройи қошидаги эстрада оркестрида ўз ижодий йўлини бошлаган ҳар бир санъаткор бежирим, истараси иссиқ, ўта зиёли ва хушфеъл Николай Иванович Слезкинни эслашади. У 1958 йилдан бошлаб 12 йил мобайнида бу ердаги ёшлар эстрада коллективига у халқ филармониясига ўтиб кетгунча раҳбарлик қилди. Коллектив репертуари пионер қўшиқлари, турли термалар ва эстрада пьесаларидан иборат эди. Оркестр оддий, тажрибасиз бўлиб, улар музикаларини куйлашмаса-да, лекин куй ва қўшиқларида жаз элементлари бор эди. Ҳозир эса афсуски Тошкентда бундай оркестрнинг ўзи йўқ.

Ўша пайтлар кинотеатр оркестрларидан ташқари Тошкент шаҳридаги музика ҳаётини ресторан саҳналари ва боғлардаги ижрочи коллективлар куй-қўшиқлари тўлдириб турарди. 1948 йилда М. Подельский Киров номли ва Горький номидаги боғда иккита оркестр тузганди. Кейинги йили эса у Темирйўлчилар маданият Саройи қошида рақс оркестри ташкил этганди.

1950 йилда Ленин комсомоли номли боғда ҳам оркестр ташкил қилинди. Унинг раҳбари А. Машин эди. 50-йиллар охирига келиб бу оркестр программасига жазга мосланган куй-қўшиқлар киритилди, улардан баъзи бирларининг темаси ўзбек халқ оҳангларига яқин эди, баъзилари эса Ўзбекистон композиторларининг асарлари асосида яратилганди. Масалан, Рамазоновнинг «Андижон полькаси», «Наманганнинг олмаси», Юдаковнинг «Карнаваль вальси», Солиҳовнинг «Қиз бола» асарлари шулар жумласидандир. Трубачи Ю. Клушкин, транбон чолғувчиси Ф. Копаев, аккордеончи В. Немишев коллективнинг таниқли ижрочилари ҳисобланарди.

Кейинги ўн йилликда Ўзбекистонда эстрада санъати нафақат пойтахтда, балки қолган шаҳарларда ҳам ўсиб ривожлана борди. Бу қонуний ҳол эди. Ўтмишга, ўша пайтлардаги музикачилар тажрибаларига ижобий назар солган янги авлод эстрада санъати чўққиларини эгаллайверади. Ахир мана шулар эмасми ёшларда эстрада санъатига ва жаз музикасига меҳр уйғотган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пародиялар

Сув устида, сувлар устида
Юракларим чисирлайди-ей.
Ишқ дастидан, ҳижрон дастидан
Суякларим қисирлайди-ей...

Эшқобил ШУКУРОВ

Во, ажабо, қаранг югуриб
Анов одам ҳарсиллайди-ей.
Оёғининг остида ёғоч,
Зарбдан синиб қарсиллайди-ей.

Суягу-юраги дардман кимсалар,
Одатда врачга арз қилади-ей.
Китобхонга эмас, телба жумлалар.
Шоир ҳамёнига нарз қилади-ей...

* * *

Эшик тақиллайди,
Ойлар ўтади.
Эшик тақиллайди,
Йиллар ўтади.
Эшик тақиллайди,
Соғинганлар келиб кетади...

Чори АВАЗНИНГ
«Йўл» шеъридан.

Эшик тақиллайди...
Ҳовли ортидан
Ҳеч тескари оқмас сойлар ўтади.
Дукурлаб от ўтса унинг ортидан,
Кишнаб югурганча тойлар ўтади.
Тупроқли йўллардан жалалар ўтса,
Албатта у билан лойлар ўтади.
Мушт — тепки бор жойда доимо қанча,
Кўз-ёшу аламлар, «вой»лар ўтади...
Эшик тақиллайди...
Дўстим шеърингиз
Асаб деворини бузиб кетади.
Эшик тақиллайди,
қаранг, ҳойнаҳой,
Почтальон гонорар
бериб кетади.

* * *

Жон Жумагул, жонона Жумагул,
Ошиқ дилим вайрона Жумагул...

(«Жумагул»)

Дилим торин чертган дилдор Дилдорадир,
Ер ҳажрида бағрим зор-зор, дилпорадир...

(«Дилдорага»)

Шўх малагим Малика,
Камалагим Малика...

(«Маликам»)

Ўзбек элин дилбар қизи,
Қалбда баҳорим, Назокат.
Лабзи ҳалол, лобар қизи.
Дилдор ёрим, Назокат.

(«Атлас тўқувчи қизга»)
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ.

Эй, гўзаллар: Сурайё-ю, Насибахон,
Моҳира-ю, Санобару—Муҳаббатхон.
Матлуба-ю, Манзура ҳам, Соҳибахон.
Шоҳиста-ю, Гулсора ва Рисолатхон...
Хуллас, дунё ичра мавжуд
барча жонон.
Эшитингиз, сўзларим рост, эмас ёлғон.
Сизларга ҳам шеър битардим
оппа-осон,
Кенойингиз рашк ўтидан
чиқсам омон.

Ўктам ҚЎЧҚОРОВ,
шифокор.

НАСРИЙ МАСАЛЛАР

Аввал ўзингга боқ

— Мошинағалтакнинг ипидек ингичка тортиб кетибсан. Шу тариқа чўзилаверсанг узилиб қоласан-ку,— дея таъна қилди Семиз Ориққа.

— Аввал ўзингга боқ. Роса тарвақайлаб кетибсан. Бу хилда мешлаб кетаверишнинг бир кун ёрилиши бор,— жавоб қайтарди Ориқ.

Норозилик

Намунча мени қиртишлаганинг-қиртишлаган?— дея норозилик билдирди Томоқ Йўталга.

— Ҳарзамон-ҳарзамонда тарашлаб турмаса, битиб кетасан-да,— деди Йўтал.

Камтарлик

— Етилаверганингдан зиллашиб кетиб, алиф қаддимни ёйдай эгиб, синдираёздингку,— деди тутақиб Бутоқ Мевага.

— Зиллигим сенга камтарлик ато этиб, обрўйингни ошираётганини наҳотки сезмаётган бўлсанг?— вазминлик билан жавоб қайтарди Мева.

Виждон ва жиғилдон

— Виждонлигинг ўзингга, йўлимни тўсма! Сенга қарасам бу дунёдан оч-наҳор ўтиб кетадиганга ўхшайман,— норозилик билдирди Жиғилдон.

— Раҳмат де, мен туфайли ҳалиям тириксан. Тергаб турмаганимда нафс йўлида ҳалигача ўлиб кетган бўлардинг,— деди Виждон.

Ғулом АЛИ

Чет эл хандалари

Меҳмонхонага келган икки саёҳатчига бир ифлос хонани кўрсатишди.

— Бу чўчқахона қанча туради? — сўради бири.

— Бир чўчқа учун икки доллар, икки чўчқа учун уч доллар, — деб жавоб берди меҳмонхона эгаси хотиржамлик билан.

Кези пансионатда дам олаётган меҳмон сўради:

— Нимага бу қари чўчқа менинг хонамга киришга уринади?

Кичкина Вилли шивирлаб тушунтирди:

— Бу унинг қишда ётадиган хонаси.

— Менга қаранг, официант, менинг шўрвамнинг ичидан тугма чиқди...

— О, раҳмат! Мен уни изламаган жойим қолмаганди.

— Менга вокзалдан меҳмонхонагача беш минутлик йўл дейишганди, — деди шаҳаргача келган йўловчи такси ҳайдовчисига. — Ярим соатлар юрдик шекилли?

— Тўғри, пиёда юрилса... Лекин пиёда ўтган жойдан машина ўтолмайди-да, — деди шофёр муғомбирлик билан.

Меҳмон: — Сувни ҳар доим тарновдан оласизларми?

Меҳмонхона навбатчиси: — Йўқ, ҳар доим эмас, фақат ёмғир ёққанда...

Судья: — Нима билан шуғулланасиз?

— Маҳбус: — Акробатика билан.

— Судья: — Деразани ёпинглар илтимос.

Айни туш пайтида хўранда ресторанга кирди ва жойлашиб ўтиргач официантдан сўради:

— Мана сизга чой пули. Хўш, менга нимани тавсия қиласиз? Официант энгашиб шивирлади:

— Маслаҳатим шуки, бошқа ресторанга боринг.

Инглизчадан Ўрок РАВШАНОВ таржимаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

АНИҚ ФАНЛАР

3-тур топшириқлари

Математика

1. 1989 та телефон аппаратларининг ҳар бирини роса 11 та бошқа телефон аппаратлари билан бирлашадиган қилиб улаш мумкинми?

2. Агар a, b, c лар бирдан фарқли мусбат сонлар бўлиб

$$a^x = bc, \quad b^y = ca, \quad c^p = ab$$

бўлса, у ҳолда

$xyp = x + y + p + 2$ бўлишини исбот қилинг.

3. 1989 сонини кетма-кет келувчи натурал сонларнинг йиғиндиси шаклида нечта усул билан ифодалаш мумкин?

4. Бурчак ва унинг ичида нуқта берилган. Бу нуқта орқали шундай тўғри чизиқ ўтказингки унинг бурчак ичидаги кесмаси бу нуқтада тенг иккига бўлинсин.

5. Кубнинг иккита қўшни ён ёқлари кесишмайдиган диагоналлари орасидаги масофа p га тенг. Кубнинг хажмини топинг.

Тузувчилар: Бадриддин РИХСИЕВ. Тошканбой ҚУРҒОНОВ.

Физика:

1. Текис силлиқ стол устида ярми стол четидан осилиб турган занжир ётибди. Агар шу занжирнинг икки томонига бир хил массали шарлар маҳкамланса, унинг тушиш вақти қанчага ўзгаради? (расмга қ.)



2. Цирк артисти кетма-кет коптокни тепага отмоқда. Ҳар бир навбатдаги коптокни олдинги коптоқ максимал баландликда бўлганда отса, ҳамда ҳар бир секундда битта коптоқ отилаётган бўлса, коптоқ қанча баландликка кўтарилиши керак?

3. Жисмнинг иссиқликдан кенгайишига оид тажрибада, металл ҳалқа билан ҳалқа диаметрига тенг шар олинади. Уй температурасида шар ҳалқадан бемалол ўтади. Агар шар қиздирилса, халқадан шар ўтмай қолади. Агар ҳалқани қиздирсак қандай бўлади?

4. Ўлчамлари ва потенциали бир хил бўлган бешта симоб томчисининг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган томчининг потенциали қандай бўлади?

5. Одам ўзини кўзгуда тўлиқ кўриши учун кўзгунинг минимал ўлчами қандай бўлиши керак?

Химия

1. Оксидланиш даражаси иккига тенг бўлган металл тузининг 29,1 г миқдорини мўл миқдорда олинган ҳаво иштирокида куйдирилганда иккита оксид ҳосил бўлиб, улардан бири нормаль шароитда газ ҳолда бўлади.

Концентрланган сульфат кислота билан 19,2 г мис реакцияга киришганда ҳам шундай миқдорда шу газ ҳолдаги оксид ҳосил бўлади.

Куйдириш процессида ҳосил бўлган иккинчи оксид таркибида оксидланиш даражаси иккига тенг бўлган 24,3 оксид таркибида 80,25 процент металл бўлиб, уни хлорид кислотада эритилган ва ҳосил бўлган эритмага ўювчи натрий эритмаси қўшилган. Ҳосил бўлган чўкмани эритмаси билан икки қисмга бўлинган. Уларнинг бирига кислота ва иккинчисига мўл миқдорда ишқор эритмаси қўшилганда чўкма эриб кетган.

Шу маълумотлардан фойдаланиб бошланғич туз формуласини аниқланг.

2. Ёпиқ идишда ҳажми 5 л бўлган водород, кислород ва азотдан иборат бўлган аралашма ёндирилган. Ҳосил бўлган маҳсулотлар температураси бошланғич ҳолатга келтирилган ва сув буғлари конденсацияланган кейин газлар ҳажми 3,2 л бўлган. Ҳосил бўлган газлар аралашмасига яна 5 л ҳаво қўшилган ва ёндирилган. Шундан кейин ҳосил бўлган аралашма бошланғич ҳолатга келтирилганда газлар ҳажми 6,4 л бўлган.

Бошланғич аралашманинг процент таркибини аниқланг.

3. Медицинада ва кўзгу ишлаб чиқаришда ишлатиладиган «ляпис» иккита А ва В тузлар аралашмасидан иборат. Уни қиздирилганда эркин металл, туз ва 14,19 л миқдорда газлар аралашмаси ҳосил бўлган. А ва В моддалар ягона кислота тузи эканлиги маълум. Агар аралашмада олинган туз А ни термик парчаланса 21,6 г эркин металлдан ташқари иккита газлар аралашмаси (улардан бири қўнғир тусли газ) ҳосил бўлиши маълум бўлса, бошланғич аралашма таркибини ва тузларнинг оғирлик қисм нисбатларини аниқланг. Термик парчаланиш натижасида ҳосил бўлган металлни концентрланган нитрат кислотада эритилса бошланғич туз А ва қўнғир тусли газ ҳосил бўлади. Бошланғич тузларнинг бири алангани бинафша тусга бўяйди, бошланғич тузлар аралашмасидан ҳосил қилинган эритмага ош тузи эритмаси қўшилса оқ рангли чўкма ҳосил бўлади.

4. Алангани сариқ тусга киритувчи туз А ни 300°С гача қиздирилганда суюқланади ва қиздириш давом этдирилганда туз парчаланиши натижасида бошқа кислота тузи ва чўғланган кўмирни ёнишини тезлаштирадиган газ В ҳосил бўлади. Туз С ни қиздирилганда ҳам шу миқдордаги газ В дан ташқари таркибида 80 процент икки валентли металл тутган оксиддан 40 г ва қўнғир рангли газ ҳосил бўлади.

Концентрланган сульфат кислота билан туз А кристалларини ҳам, туз С кристалларини ҳам қиздирилганда ҳосил бўладиган суюқлик мис металлни эритиш хоссасига эга.

Шу маълумотлар асосида бошланғич туз А ва С ларнинг миқдорларини аниқланг.

5. Пропан, пропилен ва металлацетилендан ташкил топган аралашманинг 0,672 л миқдорини бромли сув орқали ўтказилганда 3,82 г миқдорда оғир суюқлик ҳосил бўлган. Шу миқдордаги газлар аралашмаси ёндирилганда ҳосил бўлган маҳсулотлар концентрланган сульфат кислота орқали ўтказилганда кислота солинган системанинг массаси 1,8 граммга ортган.

Дастлабки газлар аралашмасининг таркиби қандай бўлган?

Физикадан 4-тур масалалари ечими

1-масала.

Берилган: r=450 м; V=72 км/соат

Топиш керак: φ — ?

Ечилиши: Вагон эгрилик радиуси r бўлган бурилишда $\vec{V}$ тезлик билан ҳаракатланишида унга марказга интилма куч таъсир қилади (чизмага қаранг).



$$F_ц \cdot C = \frac{mv^2}{r},$$

Бу ерда r йўлнинг эгрилик радиуси. Расмдан кўриниб турибдики, $F_{mj} = mg\,tg\varphi$ (2) бу ерда — φ вагоннинг вертикал билан ҳосил қилган бурчаги (1) ва (2), тенгламалардан $(mv^2):r = mq\ tq\ \varphi$ бу ердан $tq\varphi = v^2:qr = (20)^2:(10 \cdot 450) = 0{,}09$; $\varphi = 5°11'$.

2-масала.

Ечилиши: PT координаталардаги ечими АД изобарик процессни ифодалайлик, температура ўқига параллел қилиб P_A нуқтадан ўтадиган (1) чизиқни чизамиз. ВС кесма ҳам изобарлик процессни ифодалайди. P_B нуқтадан ўтадиган (2) чизиқни чизамиз. АВ кесма изохорик процессни ифодалайди, бунда газ босими температурага $P = R:V_A$ тўғри пропорционалдир. Бу процесс (3) тўғри чизиқ билан ифодаланиб, координат боши билан α бурчак ташкил қилади, унда $tq\alpha = R:V_A$ га тенг. СД кесмага тўғри келувчи процесс изотермикдир, яъни, температура доимий ва $T_c = (P_c : V_c):R$ га тенг. Температура ўқига перпендикуляр (4) чизиқни чизамиз. Пунктир тўғри чизиқлар билан туташтириб, сўралган диаграммани PT координаталарда ҳосил қиламиз.



V T координатлардаги ечими АД ва ВС процесслар координаталар бошидан ўтувчи (1) ва (2) тўғри чизиқ кесмалари билан ифодаланади, уларнинг температура ўқи билан ҳосил қилувчи бурчакларнинг тангенслари мос равишда $tq\alpha_1 = R:P_a$; $tg\alpha_2 = P:P_B$



AB изохорик процесс температура ўқига параллел бўлган V_a нуқтадан ўтувчи (3) тўғри чизиқ кесма билан ифодаланади. СД изотермик процессга тегишли, у $T_c = (P_c\ V_c):R$ нуқтадан ўтувчи температура ўқига перпендикуляр бўлан (4) тўғри чизиқ кесма билан ифодаланади. Ҳосил бўлган кесмаларнинг кесишиш нуқталарини туташтирилса, сўралган диаграммани V T координаталарда ҳосил қиламиз.

3-масала.

Берилган: R=0,04 м; r_1=0,02 м; r_2=0,06 м; $q = 2 \cdot 10^{-7}$—Кл; $\varepsilon = 2{,}1$

Топиш керак: $\mathcal{E}_1$ —?; $\mathcal{E}_2$ —?; U_1 —?; U_2 —?

Ечилиши: Ўтказгич (металл) ичида электр майдон йўқ, шунинг учун r_1 нуқтадаги майдон кучланганлиги $E_1 = O$ шар ичидаги ҳамма нуқталардаги потенциал бир хил бўлади ва у шар сиртидаги нуқталарнинг потенциалига тенг;

$U_1 = kq$: $r = (9 \cdot 10^9 \cdot 2 \cdot 10^{-1})$: $(2{,}1 \cdot 0{,}04) = 21 \cdot 10^5$ В

Шар сиртидан r_2 узоқдаги нуқтадаги кучланганлик ва потенциаллар ифодалари нуқтавий заряд учун ёзилган формулалардан ҳисобланади:

$\mathcal{E}_2 = kq:Er_2^2$, $U_2 = kq:Er_2$

$\mathcal{E}_2 = (9 \cdot 10^9 \cdot 2 \cdot 10^7):(2{,}1 \cdot 25 \cdot 10^{-4} = 34 \cdot 10^4 \frac{В}{М}$;

$u_2 = (9 \cdot 10^9 \cdot 2 \cdot 10^{-7}):(2{,}1 \cdot 5 \cdot 10^{-2}) = 17 \cdot 10^3$В

4-масала.

Ечилиши: Вертикал йўналишда шарчага оғирлик кучи mq дан ташқари электр майдон томонидан куч таъсир қилади. Бу қўшимча куч таъсирида конденсатордаги шарчанинг эркин тушиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

тезланиши ўзгаради. Бу тезланиши катталигини Ньютоннинг иккинчи қонунидан топилса: $mb = mb + bE$,

бу ерда E — конденсаторнинг электр майдон кучланганлиги. Бу тенгликдан $d_1 = d + (qE + m)$ ҳосил бўлади. Топилган q_1 нинг ифодасини маятник тебраниш даври ифодасига келтириб қўйилса, у қуйидагига тенг бўлади.

$T = 2\pi \cdot [\sqrt{l:q} + (qE:m)]$

Бундан кўринишича, электр майдондаги маятникнинг тебраниш даври кичик бўлар экан.

5-масала.

Ечилиши: Қия тепаликнинг Ф. И. К $\eta = (A\varphi : A_0) \cdot 100\%$ тенглама билан аниқланади. Тажрибалар асосида қуйидаги натижалар олинган. Масалан, а) $^3 = 30°$; $F = 2H$; $h = 0{,}4$ м; $F_t = 1{,}5$ Н; $l = 0{,}8$ м; $\eta = 67$. б) $\alpha = 60°$; $h = 0{,}7$ м; $F = 2H$; $\eta = 85\%$ Тажрибалар асосида шундай хулосага келиш мумкин, қия текисликнинг Ф.И.К. қиялик бурчагининг ортиши билан ошар экан. Чунки α бурчакнинг ортиши натижасида ишқаланиш кучи $F_{ишқ} = \mu N$ камаяр экан.

5-тур жавоблари

1-масала.

Берилган: $m = 15 \cdot 10^5$ кг; $l = 0{,}004$; $= 16$ м/с; $= 0{,}006$

Топиш керак: P — ?



Ечилиши: Локомотив қуввати $P = F_T V$ формуладан топилади, бунда F_T — поезднинг тортиш кучи. Тортиш кучи поездга таъсир қилаётган кучларнинг йиғиндисига тенг: Қия текислик бўйлаб сирпантирувчи $F_c = mg\sin^3$ ва ишқаланиш кучи $F_{ишқ} = \mu N = \mu mg\cos^3 = \mu mg$, чунки

$$\cos\alpha = \sqrt{1 - \sin^2\alpha} = \sqrt{1 - 16 \cdot 10^{-6}} \approx 1$$

Демак, қувват $P = (mg\sin^3 + \mu mg)$. $Y = mg^3(sm^3 + + \mu) = 15.10^5$ $9{,}8.16(0.004 + 0{,}006) = 2{,}4 \cdot 10^6$ Вт.

2-масала,

Берилган: $v = 10^{-2} м^3$; $m = 0{,}13\ 10^{-3}$ кг; $T = 293$ К

Топиш керак: J — ?

Ечилиши: Нисбий намлик J $\frac{P}{P_0}$ 100 процент формуладан ҳисобланади. 20°С температурага мос келувчи тўйинган буғ босими P_0 жадвалдан топилади, у эса $P_0 = 2330$ Па. Кальций хлориднинг қуритгунча баллондаги сув буғининг босими P идеал газ ҳолат тенгламасидан топилади:

$$P = \frac{1}{V} \cdot \frac{m}{M} R \cdot T$$

Топилган P_0 ва P нинг ифодаларини ўрнига қўйилса:

$$\mu = \frac{m}{M} \cdot \frac{RT}{VP_0} \cdot 100\% =$$

$$\frac{0{,}13 \cdot 10^{-3}\ кг \cdot 8.31 \frac{кг}{моль \cdot К} \cdot 293\ К}{0{,}028 \frac{кг}{моль} \cdot 10^{-2}\ м^3 \cdot 2330 Па} \cdot 100\% = 75\%$$

3-масала.

Ечилиши: Расмдан кўриниб турибдики, R қаршиликлар кетма-кет уланган. У ҳолда занжирнинг умумий қаршилиги 3R га тенгдир. Масала шартига кўра, A ва C ҳамда B ва Д нуқталарни қисқа туташтирилса қаршиликлар параллел уланган занжир ҳосил қилади. Бунда занжирнинг умумий қаршили га тенг бўлади; ёки занжирнинг қаршилиги 9 марта камаяр экан.

4-масала.

Ечилиши: Масала шартига кўра радиолакатордан юборилган импульслар объектга етиб бориб, ундан қайтиб радиолокаторнинг қабул қилгичига қайтади. Радиолакатордан чиқаётган импульс оралиғи шундай бўлиши керакки, биринчи импульс қайтиб келгандан кейин иккинчи импульс чиқарилиши лозим.

Агар радиолакатор билан объект орасидаги масофани S билан, импульснинг бориб қайтиб келиши учун кетган вақтни t билан, электромагнит тўлқинининг тарқалиш тезлигини эса, «С» билан белгиласак; қуйидагини ёзиш мумкин бўлади.

$2S = Ct$

Импульснинг даври $t = \frac{1}{2000} C$ бўлса,

$$S = \frac{3 \cdot 10^8 м/с \cdot \frac{1}{2000} с}{2} = 75 км.$$

М. ҚУРБОНОВ.

КОМПЬЮТЕР САБОҚЛАРИ

Ўзлаштириш оператори

Арифметик ифодаларни ҳисоблашнинг яна бир содда усули борки, бу усулнинг моҳиятини ташкил қилган оператор ўзлаштириш оператори, программаларнинг қарийб 80 фоизини ташкил этади. Маълумки, компьютер хотираси ячейкалар деб аталмиш элементлардан ташкил топган бўлиб, уларни сиз ихтиёрий ҳолда белгилаб чиқишингиз мумкин. Ўзлаштириш оператори ёрдамида ячейкага ном берилади ва унга бирор сон ёки ифоданинг натижаси ёзиб қўйилади. Бунинг афзаллиги шундаки, компьютер ҳар гал ўша ном қатнашган ифодани учратганда, бу номнинг ўрнига ўша ячейкадаги сонни ишлатиб кетаверади. Содда қилиб айтганда, ўзлаштириш оператори алгебрада ифода натижаси ёки сонни ҳарф билан белгилашнинг худди ўзи.

Яна аввалги мисолларимизга қайтайлик.

$$\frac{18}{2 : 1}$$

касрнинг махражини B ҳарфи билан белгилаб, касрни 18/B кўринишга келтирамиз.

```
B=2+1
PRINT 18/B
```

Бу гал компьютер қуйидаги алгоритм бўйича иш олиб борди: икки қўшув бирнинг натижаси B номли ячейкага ёзиб қўйилди; ўн саккиз B га яъни учга бўлинди, ҳосил бўлган сон PRINT ёрдамида экранга чиқарилди.

Программачилар тилида бундай белгилаш ўзгарувчи киритиш дейилади, шу боис биз ҳам бундан буён ўзгарувчи терминидан кенг фойдаланамиз. Мураккаброқ масалаларни ҳисоблашда бир эмас бир неча ўнлаб ҳар-хил ўзгарувчилар киритиш мумкин (уларга оид қоидаларни кейинчалик келтирамиз, ҳозирча ўзгарувчи сифатида исталган лотин ҳарфини ишлатаверинг).

Кейинги мисолни ҳисоблаш учун A, B, C, D ўзгарувчилар киритиб ёзиб олинг ва қуйидаги қаторларни теринг:

```
A=-123,29+98.35∧3-18.49/4
B=(12+23.7)∧2
C=B*5.6-7,3
D=A/C
PRINT D
```

Топшириқ: Бу ҳолда компьютер қандай алгоритм ёрдамида ишлаганлигини таҳлил қилиб кўринг.

Энди PRINT оператори билан ишлаш қоидаларига яна бир пункт қўшишга тайёрмиз: PRINT операторидан сўнг бирор ўзгарувчи ёзилган бўлса, экранга ўша ўзгарувчининг қиймати акс эттирилади. Энди қуйидаги қаторларни териб компьютер жавобларига эътибор беринг:

```
PRINT A
PRINT B
PRINT «каср», D «га тенг»
```

Сўнгги қаторни тўғри терган бўлсангиз, қўштирноқ ичида ёзилган сўзларни ва D ўзгарувчисининг қиймати компьютер жавобларидан бирига айланади. Демак, ўша қоидаларни исталган комбинацияда ишлатиш мумкин.

Ўзлаштириш операторининг аҳамияти алгебраик тилда ёзиладиган масалаларни ҳисоблашда яққол кўзга ташланади.

$$D = A^2 + B^3 + \sqrt{C}$$

ҳисоблансин; Бу ерда A = 1,2; B = 10,3; C = 13,45

Бейсик тилида квадрат илдиз ишораси ролини SQR функцияси бажаради. Масалан $\sqrt{144}$ SQR (144) кўринишда ёзилади (аргументи қавсларга олишни унутманг). Демак, бевосита қуйидаги қаторларни териш кифоя;

```
A=1,2
B=10,3
C=13,45
D=A∧B∧3+ SQR (C)
PRINT D
```

Энди компьютерда $ax^2 + bx + c = o$ кўринишидаги квадрат тенгламаларнинг a, в, с ларнинг ҳар хил қийматлари учун ечимларини ҳисоблаймиз.

Ҳисоблаш техникаси асослари дарслигингиздан маълумки математик ҳисобга алоқадор ҳар қандай масалани ЭҲМ да ечиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

1. Проблеманинг ечилишига бевосита алоқадор формулаларни ёзиб, бу формулалардаги параметрларнинг қайси бири киритилиши ёки натижа сифатида ҳосил қилиниши кераклигини аниқлаш.
2. Масаланинг алгоритмини тузиш.
3. Шу алгоритм асосида программа ёзиш ва уни ЭҲМдан «ўтказиш».

Квадрат тенглама мисолимизда, маълумки, $D = b^2 - 4ac$, $X_1 = (-b + \sqrt{D})/2a$, $x_2 = (-b - \sqrt{D})/2a$ формулалари лозим бўлади. Айтайлик, $3x^2 - 8x - 3 = 0$ (яъни a = 3; в = —8; с = —3) тенгламани ечиш талаб қилинсин. Бунинг учун қуйидаги қаторларни компьютерларингизда териб, натижани текшириб кўринг: (жавоб: $x_1 = 3$; $x_2 = -1/3$)

```
A=3
B=-8
C=-3
D=B↑2-4*A*C
X1=(-B+SQR(D))/(2*A)
X2=(-B-SQR(D))/(2*A)
PRINT X1, X2
```

Бу қаторлардаги ҳар бир оператор сизга яхши таниш, аммо, шуни таъкидлаб ўтамизки, биз ҳанузгача бирорта ҳам программа тузганимиз йўқ! Гап шундаки, Бейсикка созланган компьютер икки режимда ишлаши мумкин: программали ва программасиз режимда. Фараз қилайлик, худди ўша тенгламанинг ечимлари A, B, C ларнинг бошқа қийматлари учун ҳисоблаш талаб қилинсин. У ҳолда сиз ҳозиргина терган маълумотларингизнинг барчасини қайтадан теришингизга тўғри келади. Программали режимда терилган ахборот эса компьютер хотирасида ЭҲМни ўчиргунингизга қоладики, бу программага осонликча ўзгартиришлар киритишингиз мумкин. Программали режимда ёзилган ахборотнинг ҳар бир қатори программасиз режимдаги қатордан фарқли ўлароқ, бирор сон (номер)дан бошланади. Бунга илк тасаввур ҳосил қилишингиз учун қуйидаги қаторларни теринг:

```
10 A=3
20 B=-8
30 C=-3
40 D=B↑2-4*A*C
50 X1=(-B+SQR(D))/(2*A)
60 X2=(-B-SQR(D))/(2*A)
70 PRINT X1, X2
```

Мана, охирги қаторни териб, RETURN клавишасини босдингиз, аммо жавоб чиқмаяпти-ку! Натижани олиш, яъни программани ҳисобга жўнатиш учун, ҳамиша шу мақсадда қўлланадиган RUN командасини теринг. («RETURN» ни босиш эсдан чиқмасин).

Бу машқдан кўриниб турибдики, программа номерланган операторли қаторларнинг кетма-кетлигидир. Одатда, ҳар бир программанинг биринчи оператори 10 — номердан бошланиб, кейингиларининг номерлари 10 тадан ошириб борилади. Шундай қилинганда программага ўзгартишлар киритиш осонликча бажарилади. Программа «RUN» билан ҳисобга жўнатилганда компьютер уни номерларнинг ошиб бориши тартибида бажаради (қўпол қилиб айтганда: чапдан ўнгга, юқоридан пастга). Сиз экранда кўриб турган программангизни a, в, с ларнинг бошқа қийматларида ишлатиш учун ундаги биринчи 3 та қаторни номерларини ўзгартирмасдан қайта териш кифоя. Масалан $3x^2 - 10x - 3 = 0$ тенгламани ечиш учун ҳозир «20 B = —10» қаторини териб, RUN командасини ишлатиш етарли. Программангиз энди қандай кўриниш олганлигини билиш мақсадида LIST командасини теринг. Бу команда программанинг тўлиқ текстини экранга чиқариш учун хизмат қилади. Уни тез-тез ишлатиб туришни тавсия қиламиз. Кўриниб турибдики программамизнинг бу варианти ҳам айтарлича қулай эмас, чунки параметрларнинг ҳар бир қийматлари учун биз ўша 10, 20, 30 номерли қаторларни қайта-қайта тераверишва ҳар гал уни яна ҳисобга жўнатаверишимизга тўғри келади. Бундай оворагарчиликларни камайтириш мақсадида Бейсик муаллифлари INPUT операторини ўйлаб топишган.

Абдулла РАҲИМОВ,
Шермуҳаммад ҚОСИМБЕКОВ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

САРҒАЙГАН САҲИФАЛАРДАГИ САБОҚЛАР

Энди олтинчи лекциянинг иккинчи қисми билан танишиб чиқамиз. 1929 йили Москвада ўйналган Поляк — Ботвинник партиясида қораларнинг 20-юришидан сўнг шундай вазият юзага келган эди.



Оқларнинг фарзини, фили ва оти, қораларнинг эса фарзини билан фили шоҳ флангига ўқталиб турибди. Оқлар рақибига қараганда кўпроқ куч билан ҳужум қилмоқда. Юзаки қараганда h7 пиёдасини уриш истаги туғилади. Поляк ҳам худди шундай қилди.

21. К: h7 (бу сувга кесак отиш билан баробар).

21... Фd5! 22. Фh3 Ф:D4+ 23. Крh1 Фg2! (Мана буни ҳақиқий зарба дейдилар!) 24. Лес1 С:g2+ 25. Ф:g2+ 26. Кр:g2 К:h7 — қоралар бир пиёдани, сўнгра ўйинни ютди.

Аслида гап бошқа жойда. Қоралар позициясининг заиф пункти — f7 хонасидир! Демак, ҳужумни ўшанга қаратиш керак. Бу ҳужумни қандай амалга оширса бўларкин? Агар 21. Са2 бўлса, 21... Cd5. 22. К:f7 С:f7 23. С:f7+Кр:f7 24. Фс4+Крg6! дан сўнг қораларнинг иши жойида бўлади. Тўғри юриш — 21. Ле5! дир. Энди 21... Л:e5 бўлса 22.fe дан кейин f7 пунктига иккита зарба юзага келади. Бордию 21... Cd бўлса, 22. К:h7. Ҳозир бу юришни бемалол қилса бўлади, зеро 5d пунктини фарзин эмас, балки фил эгаллайди. 21... Кg 6 бўлса, 22. Са2. Энди шундай вариантлар мавжуд.

а) 22... К:e5 23. fe Ф:d4+ 24. Ф:d4 cD25... Л:f7 Са6 26. Лd7+ Крh7 27. Кf7+Крg8 28. Кd 6+ ва ҳоказо. Оқлар сифатни қайтариб олиб, кейинчалик камида бир пиёда ортиб қолади.

б) 22... Ф:d4+ 23. Ф:d4 cd 24. Л:e8+Л:e8 25. С:f7+ ва ҳоказо.

в) 22... Лf8 23. Лf 5 ва f7 пунктини ҳимоялаб бўлмайди.

г) 22... Л:e5 23. С:f7+ Крh7 24. fe Ф:d4+ 25. Ф:d4 cd 26. С:g6 hg 27. Лd 1 ва қоралар бу пиёдани ҳимоялай олмайди.

Сиз 21. Ле5 дан кейин оқларга қандай имкониятлар яратилишини кўриб турибсиз. Ҳужум қилаётганда шаблон юришларни эмас, балки ҳужумни кучайтирувчи юришларни ишга солиш керак.

Позициявий ўйиннинг барча принциплари кучлар устунлигининг аҳамияти билан боғлиқдир.

Ўттизинчи йилларнинг бошида ўйналган Алехин — Боголюбов партиясида қораларнинг 21-юришидан сўнг қуйидаги позиция вужудга келади.

Шоҳга ҳужум қилиш нуқтаи назаридан оқларнинг мавқеи чакки эмас. Бешта сипоҳ ҳужум қиляпти, фақат иккита сипоҳ ҳимояланяпти. Куч жиҳатидан оқлар анча устунликка эга. Қораларда олға сурила оладиган актив ё пиёдаси мавжуд. Оқлар ҳужум қилишга мажбур. Бунинг учун шарт-шароитлар қалай? Тўртта марказий хонанинг ҳаммаси қораларнинг назоратида. d4 хонаси қораларнинг иккита оқларнинг эса битта сипоҳи зарбасида. Очиқ d линияси қоралар ихтиёрида бўлиб, улар Cd4 юриши билан ўз позициясини узил-кесил мустаҳкамлаб олмоқчи. Қоралар марказда устунликка эга, марказни эгаллаган томон эса кучларини бир флангдан иккинчисига осонроқ олиб ўтади. Алехин ҳужумни бошлади: 22. К:f6gf 23. Фg4 Кd 24. С:h7 Ф:h7 25. Лh3Лg8 26. Л:h7+Кр:h7 27. Фh4+Крg6 28. Лd1 Лcd8 Шу ерда Алехин 29. Л:d7 юриши билан дуранг қилиши мумкин эди: 29... Лd7 30. Ф:f6+ Крh7 31. Фh4+ ва ҳоказо. Лекин у ютуққа ўйнай бошлади: 29. Лd3.

Алехиннинг барча уринишларига қарамай ўйин дуранг билан якунланди. Бу мисолдан равшан бўлдики, агар марказда афзаллик бўлмаса, ҳатто куч жиҳатидан катта устунлик мавжудлигида ҳам ҳужум муваффақият келтирмайди.

1927 йили ўтказилган Москва — Ленинград матчида ўйналган Готгильф — Блюменфельд партиясида шундай вазият юзага келади.

Ҳозир юриш қоралардан. Оқлар бақувват марказга эгами? Сиз ҳозир унинг қанчалик тез емирилишини кўрасиз. Оқларнинг охирги юриши 1. Са3 бўлган эди. Қораларнинг эндиги комбинацияси оқларнинг шоҳи g2 да турганлигига асосланади.

1... b5 2. Фd3 Фа6 3. Cb4.

Агар 3. Cb2 бўлса, 3... bc 4. bc ва Кb 8 — d7—b6—d5.

3... Фb7 (a5 ва b4 таҳликасини туғдириб)

4. cbcb 5. Ф:b5 Ф:b5 6. К:b5 Кс6 7. Са3 К:e4, ва оқлар марказдан ажради. Унинг ўрнига яккаланган d4 пиёдаси қолди.

1924 йили Нью-Йоркда ўйналган Ейтс — Мароци партиясида қораларнинг 21-юришидан кейин қуйидаги позиция рўй берган эди.



Ушбу вазиятда оқлар 22. h6 ўйнади. Мароци 22... g6 жавобини бериб, ўйинни ютиб чиқди. Алехин бу вазиятда оқлар 22. Cg6! Сўнгра 23—h6 йўли билан линиясини очиб ютуққа эришишини ажойиб таҳлиллар асосида исботлаб берган. Ҳужум қиларкансиз, линияларни ёпманг, «суваманг».

Навбатдаги топшириқлар





Иккаласида ҳам оқлар 4 юришда мот қилади.

Клуб мутасаддиси
СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ёш куч
Молодая смена

Ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, безакли журнал

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 11(41) ноябрь 1989.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти.

Бош муҳаррир
Ҳудойберди ТЎХТАБОЕВ
Таҳрир ҳайъати:
Шоҳрух АКБАРОВ (масъул котиб)
Шуҳрат АЛЛАМУРОТОВ
Сергей БРИНСКИХ
Владимир ВОЛОТКО
(бош муҳаррир ўринбосари)
Ҳуршид ДЎСТМУҲАММАД
Мирза КЕНЖАБОЕВ
Эркин МАЛИКОВ
Латиф МАҲМУДОВ
Вадим НОВОПРУДСКИЙ
Неъмат НОРХОНОВ
Ҳакимжон ПИРМУХАМЕДОВ
Абдуғафур РАСУЛОВ
Александр ФАЙНБЕРГ
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ
Файзулла ҚИЛИЧЕВ
Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ

Бадиий муҳаррир:
Султон СУЛАЙМОНОВ
Тех муҳаррир:
Улуғбек ЯҚВАЛИҲЎЖАЕВ

«Ёш куч» (Молодая смена) — ежемесячный, общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал
На узбекском языке
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113. Тошкент — ЧГСП. Катортол кўчаси 60.

Телефонлар:
бош муҳаррир ўринбосари — 78-94-67.
масъул котиб — 78-57-84.
масъул котиб ўринбосари: рассом — 78-94-73.
Бўлимлар:
мактаб ва комсомол ҳаёти — 78-94-75.
Ижтимоий-сиёсий, адабиёт ва санъат — 78-48-85.
хатлар — 78-85-64.

Редакция хажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди. Журналдан кўчириб босилганда «Ёш куч» — «Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

«Ёш куч» — «Молодая смена» ноябрь 1989.

Босмахонага тушширилди 14.09.89. Босишга рухсат этилди. 2.11.89. Р—02829. Офсет усулда чоп этилди. Китоб-журнал учун офсет қоғози. Формати 70×108 1/16. Шартли босма листи 11,4. Тиражи 311662 нусха. Буюртма 1621. Баҳоси 35 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.

Тошкент 700000. Ленин проспекти, 41.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бахтиёр Обидов асли Самарқанднинг Ургут районидан. Табиатнинг сўлим гўшасида туғилган бу йигит ҳозир П. П. Беньков номидаги Республика бадиий билим юртининг иккинчи курсида таҳсил олмоқда. Қуйида унинг «Баҳор дунёси» (юқорида) ва «Орол» полотноларини кўриб турибсиз.

А. КУДРЯШОВ суратлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олифта.

В. ЖИРНОВ сурати

Баҳоси 35 тиинн Индекс 75242

www.ziyouz.com kutubxonasi